

“Xalq davlat idoralariga emas, davlat idoralari
xalqimizga xizmat qilishi kerak”.

Shavkat MIRZIYOYEV

DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

4(108) – 2025

■ DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

■ ДЕМОКРАТИЗАЦИЯ И ПРАВА ЧЕЛОВЕКА

Ilmiy-ma'rifiy jurnal – Scientific and educational journal – Научно-просветительский журнал



**KONSTITUTSIYA –
inson qadri, erkinlik, tenglik va adolat garovi!**



Doi Journal 10.34920/p1696-2206-6326-y

ISSN: 2181-6409

***“Biz YUNESKOning olijanob va ezgu maqsadlariga
qat’iy sodiq ekanimizni yana bir bor ta’kidlaymiz.
O‘zbekiston Sharq va G‘arb, Shimol va Janub
o‘rtasida uyg‘unlik ko‘prigi, barcha uchun
ochiq va konstruktiv hamkorlik maydoni
bo‘lishga hamisha tayyor”.***

**Shavkat MIRZIYOYEV,
O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti**



DEMOKRATLASHTIRISH VA INSON HUQUQLARI

Doi Journal 10.34920/p1696-2206-6326-y

4 (108) – 2025

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

Tahrir kengashi raisi:
Akmal SAIDOV

Bosh muharrir:
Erkin ERNAZAROV

Xalqaro tahrir kengashi a'zolari:
Tanzila NORBOYEVA
(O'zbekiston)

Qudratilla RAFIQOV
(O'zbekiston)

Aslan ABASHIDZE
(Rossiya Federatsiyasi)

Yoh MATSUO
(Yaponiya)

Uilyam BATLER
(AQSH)

Nura bint ZAID AL-RASHUD
(Saudiya Arabistoni Podshohlighi)

Tadeush BODIO
(Polsha)

Reyn MULLERSON
(Estoniya)

Gabor HAMZA
(Vengriya)

Tatyana MOSKALKOVA
(Rossiya Federatsiyasi)

Sergey UDARSEV
(Qozog'iston)

Taliya XABRIYEVA
(Rossiya Federatsiyasi)

Tahrir hay'ati a'zolari:

Mirzatillo TILLABAYEV – yuridik fanlar doktori, professor.

Xalim BOBOYEV – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi fan arbobi.

Omon OQYULOV – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist.

Asqar G'AFUROV – yuridik fanlar doktori, dotsent.

Muzaffar MAMASIDDIQOV – yuridik fanlar doktori, professor.

Yelizaveta KUTIBAYEVA – yuridik fanlar doktori, professor.

Murodjon TURG'UNOV – yuridik fanlar doktori.

Bosh muharrir o'rinbosari:

Azizbek RAMAZONOV

Mas'ul kotib:

Azamat JUMANIYAZOV

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning
YUNESKO Bosh konferensiyasi 43-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi 2

TAHRIR HAY'ATIDAN

Konstitutsiya – barqaror rivojlanish va inson huquqlari kafolati 6

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASINING 33 YILLIGI

O'tkir Ochilov. Konstitutsiya va inson huquqlari sohasidagi xalqaro huquq normalarini qo'llash mexanizmini takomillashtirish masalalari 8

Mavluda Ergasheva. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va jadid siyosiy partiyalari dasturlarining qiyosiy tahlili 13

INSON HUQUQLARI KUTUBXONASI

Akmal Saidov. Inson huquqlari himoyasi: nazariy asoslar va zamonaviy bahslar manzarasi 18

XALQARO HUQUQ VA O'ZBEKISTON TAJRIBASI

Mirzatillo Tillabayev. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi: Yangi O'zbekistonda amalga oshirilishi 21

Alovuddin Faxriddinov. Kissavurlik jinoyatiga qarshi kurashish bo'yicha ayrim xorijiy mamlakatlar qonunchiligi tahlili 27

JAMIYAT VA HUQUQ

Bunyodjon Eshonqulov. Nogironligi bo'lgan shaxslarning mehnat faoliyatini huquqiy jihatdan tartibga solish masalalari 33

Xolmuhammad Abdurasulov. O'zbekiston Respublikasida inson huquqlari sohasida davlat siyosatining shakllanishi, rivojlanish bosqichlari va tendensiyalari 37

Shavkat To'rayev. Globallashuv jarayonlarining dunyo mafkuraviy manzarasiga ta'siri 46

O'ktam O'tayev. Ekologik ekspertiza talablarini buzganlik uchun ma'muriy javobgarlik asoslari 50

Shaxnoza Samiyeva. Yangi O'zbekistonda yoshlarning siyosiy-huquqiy madaniyatini yuksaltirish va ijtimoiy faolligini oshirishning innovatsion yo'nalishlari 53

Shuhrat Hikmatov. Nogironligi bo'lgan shaxslar huquqlarini himoya qilishda ijtimoiy sherikchilikning ahamiyati 58

Shoxida Ruziyeva. O'zbekistonda demokratik qadriyatlarni shakllantirishda ta'lim tizimining roli 62

TARIX SAHIFALARIDA

Qalandar Abdurahmonov, Xusan Chinibayev. Somoniylar davlat boshqaruvining o'ziga xos xususiyatlari 64

ANJUMANLAR. TADBIRLAR. TAQDIMOTLAR 69

MUASSIS:



INSON HUQUQLARI
BO'YICHA O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY MARKAZI

HAMMUASSISLAR:



O'ZBEKISTON
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI



OLIIY MAJLISNING
INSON HUQUQLARI
BO'YICHA VAKILI
(OMBUDSMAN)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ 43-СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ*

Ҳурматли Раис Жаноби Олийлари!

Ҳурматли Азуле Хоним Олиялари!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Сизларни асрлар давомида маданиятлар ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган бетакрор Ўзбекистон диёрида самимий қутлашдан беҳад бахтиёрман.

Конференциямиз сўнгги 40 йил ичида илк бор ЮНЕСКО Бош қароргоҳидан ташқарида – кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд заминида бўлиб ўтмоқда. Бу бизга албатта катта ифтихор бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, анжуманимизда иштирок этаётган Сербия Президенти, ҳурматли Александр Вучич Жаноби Олийларига, Словакия Президенти, ҳурматли Петер Пеллегрини Жаноби Олийларига, ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле Хоним Олияларига, барча иштирокчи давлатлар делегацияларига чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Бундай нуфузли форумнинг мамлакатимизда ўтказилаётганини Ташкилотга аъзо давлатларнинг Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли, жадал ислохотларга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси, деб қабул қиламиз.

Шонли саксон йиллик юбилейини нишонлаётган ЮНЕСКО ўтган давр мобайнида таълим, илм-фан, маданият, санъат, ахборот соҳасида глобал ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик борасида жаҳондаги нуфузли институт сифатида ўзини намоён этиб келмоқда.

Ташкилотимизнинг дунё халқларининг миллий ўзлигини сақлаш, маданий меросини асраб-авайлаш, турли динлар ўртасида яқин мулоқотни кучайтиришдаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Анжуманимиз инсониятнинг тарих солномасига гуманистик ғоялар, нодир билимлар, цивилизациялараро мулоқот маркази сифатида кирган Самарқанд шаҳрида ўтказилаётганида чуқур рамзий маъно бор.

Бу қадимий кент азалдан башариятнинг буюк кашфиётлари бешиги, илм-фан, адабиёт ва маданият гуллаб-яшнаган маскан бўлган. Биргина мисол. Улуғ ҳукмдор ва аллома Мирзо Улуғбек барпо этган расадхона гумбазлари остида ноёб юлдузлар жадвали яратилган. Бу жадвал кейинчалик Коперник ва Кеплер каби машҳур олимларнинг илмий кашфиётлари очилишига хизмат қилгани тарихдан яхши маълум.

Уч минг йиллик шонли ўтмишга эга, Буюк ипак йўлининг дурдонаси бўлган, миллат ва элатларнинг тинчлик ва дўстлик макони – муаззам Самарқандга хуш келиб-сизлар!

* Манба: <https://president.uz/uz/lists/view/8610>.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Шиддат билан ўзгараётган дунёда гуманитар соҳада глобал консенсус ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларининг заифлашгани, албатта, барчамизда жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Геосиёсий кескинлик ва ҳарбий можаролар таъсирида сайёрамиздаги ноёб ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар ва бебаҳо маданий мерос катта зиён кўрмоқда.

Давлатлар ўртасида билим ва технологиялар, рақамли ресурслардан фойдаланиш бўйича тафовут ортиб бормоқда. Бунинг натижасида имкониятлар тенгсизлиги ва қашшоқлик кучаймоқда. Бундай мураккаб вазият ЮНЕСКОнинг асосий вазифаларини тўлиқ амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларимизни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Биз ЮНЕСКОнинг олижаноб ва эзгу мақсадларига қатъий содиқ эканимизни яна бир бор таъкидлаймиз. Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида уйғунлик кўприги, барча учун очиқ ва конструктив ҳамкорлик майдони бўлишга ҳамиша тайёр.

Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида сўнгги йилларда ўзаро ҳамкорликни янги сифат босқичига кўтариш учун изчил ҳаракат қилмоқда. Жумладан, 2027 йилгача бўлган беш йиллик ҳамкорлик дастури самарали амалга оширилмоқда. Буюк аجدодларимиз – Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Али Қушчи, Камолиддин Беҳзоднинг юбилейлари, Хоразм Маъмун академияси сингари илмий даргоҳлар, “Алпомиш” эпоси каби адабий ёдгорликларнинг тарихий саналари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Бутунжаҳон мероси рўйхатига кирган Хива, Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарлари қаторига Зарафшон-Қорақум йўлаги бўйлаб жойлашган бебаҳо обидалар ҳам қўшилди. Бу рўйхатдан жой олган Ғарбий Тяньшань ва Турон чўлларининг табиий ҳудудлари ҳам минтақамизнинг ноёб биологик хилма-хиллигини яққол намоён этади.

Бундан ташқари, “Шашмақом”, Катта ашула, “Лазги” рақси, аския, кулолчилик ва наққошлик санъатлари, Наврўз айёми, атлас ва адас ишлаб чиқариш анъанаси каби йигирмага яқин номоддий мерос намуналарини дунё халқлари муносиб эътироф этмоқда.

ЮНЕСКО шафелигида “Шарқ тароналари”, “Мақом санъати”, Бахшичилик, Хунармандчилик, Этноспорт фестиваллари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан “Хива жараёни: Марказий Осиёда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш” резолюцияси, (2021 йил), “Кичик ёшдаги болаларга ғамхўрлик қилиш ва таълим бериш бўйича Тошкент декларацияси” ҳамда “Ахборотдан эркин фойдаланиш халқаро куни муносабати билан Тошкент декларацияси” (2023 йил) каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Республикамизда ЮНЕСКОнинг 8 та кафедраси, 24 та ҳамкор мактаби фаолият кўрсатмоқда. Тошкент ва Фарғона ЮНЕСКОнинг таълим шаҳарлари Глобал тармоғидан жой олди. Шунингдек, юзлаб маданий мерос объектлари илғор технология ва халқаро стандартлар асосида реставрация қилинди.

Хурматли дўстлар!

Самарқанддаги Бош конференция доирасида юртимизда қатор қўшимча тадбирлар ўтказилади. Жумладан, кўҳна Бухорода илк марта замонавий санъат биеннаlesi бўлиб ўтмоқда, пойтахтимизда ЮНЕСКО шафелигида Мактабгача таълимни ривожлантириш минтақавий маркази очилади, Абу Райҳон Беруний номидаги ЮНЕСКО – Ўзбекистон халқаро мукофотининг совриндорларини тақдирлаймиз, музейлар фаолиятида сунъий интеллектнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган халқаро анжуман ташкил этилмоқда,

олий таълим соҳасидаги квалификацияларни тан олишга оид Глобал конвенцияга ҳам қўшиламиз.

Ташаббусларимизни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, халқаро тадбирларимизда фаол иштирок этиб келаётгани учун барча аъзо давлатларга алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Азиз меҳмонлар!

ЮНЕСКОнинг глобал мақсадларига эришиш ва кўп қиррали ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Кун тартибидаги асосий масалалар бўйича қатор таклифларни илгари сурмоқчиман.

Биринчидан, инклюзив таълимни ривожлантириш ва соҳада сунъий интеллект технологияларини кенг қўллаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланмоқда.

Жисмоний ва ижтимоий хусусиятларидан қатъи назар, ҳар бир болага таълим олиши учун тенг имкониятларни яратиб бериш жуда муҳимдир. Бу борада ЮНЕСКОнинг алоҳида эҳтиёжли болалар учун Инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таълим соҳасида ўзаро билим ва тажриба алмашиш учун халқаро мулоқот форматини яратиш мақсадида Жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш бўйича режамизни қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонамиз.

Ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган ва креатив фикрлайдиган янги авлодни тарбиялаш устувор вазифамиздир. Сунъий интеллектни таълим тизимига кенг жорий этиш мақсадида юртимизда ЮНЕСКО иштирокида “Сунъий интеллект – мактаб” намунавий лойиҳасини амалга оширишга тайёرمىз.

Шунингдек, ЮНЕСКО шафелигида барча қитъаларнинг етакчи олийгоҳлари, педагогика ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари иштирокида Сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро экспертлар анжуманини ўтказишни таклиф этамиз.

Иккинчидан, инсониятнинг бебаҳо хазинаси бўлган жаҳон номоддий маданий меросини сақлаб қолиш учун биргаликдаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришимиз зарур.

Бундай ноёб мерос объектлари бўлган халқ оғзаки ижодиёти, қўлёзмалар, архивлар ва қимматли тарихий ҳужжатлар, маданий маълумотларни сақлаш, уларнинг барча учун очиқлигини таъминлаш мақсадида яратилган ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Дунё маънавий хазинасини жамлаган ушбу дастур яратилган санани ҳар йили нишонлаш мақсадида 19 ноябрни “Ҳужжатли мерос халқаро куни”, деб эълон қилишни, шунингдек, ЮНЕСКО тузилмасига қирадиган Рақамли мерос бўйича халқаро институтни ташкил этишни таклиф қиламиз.

Маълумки, қадимий Бухоро хунармандчилик бўйича ЮНЕСКО Ижодкор шаҳарлар тармоғининг аъзоси ҳисобланади. Биз ушбу шаҳарда 2027 йили мазкур йўналишда халқаро конгрессни қабул қилишга тайёرمىз.

Учинчидан, хотин-қизларнинг етакчилиқ қобилияти ва компетенциясини таъминлаш учун глобал дастурларни фаол ишга тушириш, айниқса, муҳимдир.

ЮНЕСКО статистика институти маълумотларига кўра, жаҳонда илмий ва маданий муассасалар раҳбарларининг 25 фоизи, таълим соҳаси бошқарувчиларининг 30 фоизи, тадқиқотчиларнинг 33 фоизи хотин-қизлардир. Бу эса аёллар ҳуқуқларини таъминлашда, афсуски, тенгсизлик ҳамон сақланиб қолаётганини тасдиқлайди.

Ваҳоланки, гендер тенглиги ЮНЕСКОнинг фундаментал, устувор вазифаларидан бири бўлиб, Ташкилотнинг барча ташаббуслари унга интеграция қилиниши зарурлиги белгилаб қўйилган. Бу борада аъзо давлатларнинг энг илғор тажриба ва амалиётини ўрганиш, билимлар алмашиш мақсадида Хотин-қизлар етакчилиги бўйича ЮНЕСКО

академиясини ташкил этиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, Самарқандда барча китъаларнинг машҳур тадқиқотчилари, санъат намояндалари, педагог ва ихтиро-чи хотин-қизларнинг Таълим, маданият ва фан соҳасидаги глобал форумини ўтказиш-ни таклиф этамиз.

Тўртинчидан, иқлим инқирозига қарши биргаликда самарали курашиш ҳам долзарб масаладир.

Ўртача ҳароратнинг сезиларли даражада қўтарилиши, музликларнинг эриши, чўлланиш, тупроқ қатламлари емирилиши, урбанизация жараёнлари маданий мерос объектларининг ҳолатига жиддий таъсир ўтказмоқда.

Атроф-муҳитга масъулият билан ёндашаётган, “яшил” дастурларни муваффақи-ятли татбиқ этаётган шаҳарларни алоҳида эътироф этиш ва рағбатлантириш бўйича “ЮНЕСКОнинг Экологик пойтахти” глобал ташаббусини илгари сурамиз. Бундан ташқари, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг “Глобаллашув ва иқлим ўзгаришлари ша-роитида маданий меросни асраб-авайлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги резолюциясини ишлаб чиқиш тарафдоримиз. Мазкур масала бўйича Хива шаҳрида халқаро симпозиум ўтказишга тайёрмиз.

Бешинчидан, виртуал маконда ноҳолис ахборотларни тарқатиш, жамоатчилик фик-рини чалғитиш, дискриминацияга қарши биргаликда самарали чоралар кўриш жиддий заруратга айланмоқда.

Рақамли трансформация муҳитида дунёқараши шаклланаётган ёш авлоднинг энг яхши ижодий ишлари, мультимедиа ғояларини ўзаро алмашиш учун Болалар маданий контенти халқаро фестивалини ўтказиш ташаббусини билдирамыз.

Маълумотларни таҳлилий идрок этиш, ёшларни манипуляциядан ҳимоя қилиш, ахборот шаффофлигини таъминлаш мақсадида ЮНЕСКОнинг Медиа саводхонликни ривожлантириш бўйича кенг қамровли стратегиясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Яна бир масала. Дунёда динлараро зиддиятлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда бағрикенглик, ўзаро тушуниш ва тотувлик каби умуминсоний ғояларни кенг тарғиб этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Ислом маданияти ва маърифатини дунёга тараннум этиш орқали радикализм ва исломофобияга қарши самарали курашиш мумкин. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилган ноёб лойиҳалар – Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд тадқиқот марказлари салоҳиятидан биргаликда фойдаланишга чақирамыз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги анжуман ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаш, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш, барқарор ривожланиш бўйича глобал ҳамкорлик меха-низмларини кучайтириш борасида улкан амалий қадам бўлишига аминман.

Хеч шубҳасиз, ЮНЕСКОнинг боқий анъана ва қадриятларидан куч олаётган “Самарқанд руҳи” бизни умумий тараққиёт сари янада бирлашишга ундайди.

Бу эзгу йўлда барчангизга янги омад ва зафарлар, ЮНЕСКО сессияси ишига эса муваффақият тилайман.

КОНСТИТУЦИЯ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Барча соҳаларда барқарор ривожланаётган Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланади. 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдум асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик ислохотлар натижасида мамлакатимиз қўлга киритаётган муваффақиятларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир. Муҳтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек: **“Ҳеч шубҳасиз, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккури ҳамда юксак хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлган Конституциямизда муҳрлаб қўйилган қоида ва тамойиллар Янги Ўзбекистонни барпо этишда барчамиз учун бекиёс куч-ғайрат, ишонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда”**¹.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга кўра ваколатлари, шу билан бирга, давлат ҳамда жамият бошқарувидаги иштироки ва масъулияти янада кенгайган миллий парламентимизнинг фаолияти мамлакатимизда демократик кадриятларни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, жорий йилда парламент томонидан судлар фаолияти ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиришга оид қонунлар ҳамда юртимизда дўстлик, ҳамжиҳатлик мухитини мустаҳкамлаш, инклюзив жамият, ёшлар, хотин-қизлар масалалари, кам таъминланган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, миллий кадриятларимизни асраб-авайлаш бўйича кўплаб муҳим қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституциямизга биноан, илк маротаба халқ депутатлари вилоят Кенгашлари раислигига вилоят ҳокимлари эмас, балки маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасидан кўрсатилган номзодлар сайлангани ҳам ўзининг амалий самарасини бермоқда. Масалан, маҳаллий Кенгашлар томонидан ўтган даврда 25 мингдан зиёд масала муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинган, мансабдор шахсларга 14 мингга яқин депутатлик сўровлари юборилган². Бу маълумотлар маҳаллий Кенгашлар ўз ҳудудларидаги долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича фаол иш олиб бораётганидан далолат беради.

Вакиллик органларининг ижро ҳокимиятидан мустақил фаолият олиб боришини таъминлаш, уларни чинакам халқ минбарига айлантириш мақсадида 2026 йилнинг 1 январидан туман ва шаҳарларда ҳам ҳоким ва Кенгаш раислари вазифаларини алоҳида ажратиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Вакиллик демократиясини мустаҳкамлашга қаратилган бундай ислохотлар Конституциямизнинг 7-моддасида белгиланган халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи экани тўғрисидаги қонидани амалда тасдиқлайди³.

Бу йилги байрам тадбирлари **“Конституция — инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!”** деган эзгу ғоя асосида нишонланаётгани ҳам бежиз эмас⁴. Сабаби сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари ва халқ манфаатларини таъминлаш барча давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолияти-

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан байрам табриги // <https://president.uz/uz/lists/view/8752>.

² Ўша манба.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши // <https://lex.uz/uz/docs/7851449>.

нинг энг устувор йўналишига айланди. “Инсон кадри учун” ғояси Янги Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаёт, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлар, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини англатади.

“Инсон – жамият – давлат” тамойили асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги Конституциямиз давлат томонидан инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг ишончли ҳуқуқий кафолатидир. Академик А. Х. Саидов таъкидлаганидек: **“Агар дунё мамлакатлари Конституцияларида инсоннинг 110 дан ортиқ ҳуқуқи қайд этилганини ҳисобга олсак, ҳозирги кунда шундан 90 таси янги таҳрирдаги Конституциямизда мавжуд”**⁵.

Давлатимизнинг инсонпарвар ва халқчил сиёсати натижасида аҳолининг турмуш фаровонлиги йилдан йилга юксалиб бормоқда. 2025 йилда аҳоли жон бошига даромад 3 минг 500 долларни ташкил этгани, мактабгача таълимда қамров 78 фоиз, олий таълимда эса 42 фоизга етгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайгани, 1 миллион нафардан зиёд фуқаро камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 6,6 фоизга туширилгани иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, мустаҳкам ҳуқуқий тизим ва очиқ жамият барпо этиш йўлидаги кенг кўламли ислохотлар самарасидир⁶.

Янги Ўзбекистоннинг муваффақиятлари халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, 2025 йилда Барқарор ривожланиш мақсадлари индексида Ўзбекистон 19 поғона юқо-

ри кўтарилиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида энг жадал ривожланаётган мамлакат сифатида қайд этилди. Глобал инновация индексида юртимиз Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бўйича кучли учликдан жой олди.

Мамлакатимиз сўнгги йилларда тинчлик, ўзаро англашув ва барқарор тараққиёт йўлидаги глобал мулоқотни ривожлантиришга ҳам фаол ҳисса қўшиб, кўплаб нуфузли халқаро анжуманларга мезбонлик қилмоқда. Жумладан, 2025 йилнинг 30 октябрь – 13 ноябрь кунлари қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош конференциясининг 43-сессияси муваффақиятли ўтказилди. Ушбу тарихий сессия қирқ йил ичида биринчи марта ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳидан ташқарида бўлиб ўтгани, албатта, жаҳон ҳамжамиятининг Янги Ўзбекистонга бўлган юксак ишончи, унинг маданиятлараро мулоқот ғояларини илгари суриш, тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистон давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, инсон қадрини юксалтириш, глобал ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган халқаро ташаббусларни илгари суриш, сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳаларни барқарор ривожлантириш, давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқлари ҳамда халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиришда катта амалий натижаларга эришмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямиз эса демократик ислохотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси сифатида халқимизга хизмат қилмоқда.

⁵ Саидов А. Янги таҳрирдаги Конституция – инсон шаъни, кадр-қиммати ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати // https://constitution.uz/uz/pages/Konstitutsiya_mustahkam_kafolat.

⁶ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан байрам табриги // <https://president.uz/uz/lists/view/8752>.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.125



Ўткир ОЧИЛОВ,
юридик фанлар
доктори, доцент

Аннотация. Мақолада конституциявий ислохотлар доирасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилган. Бунда монизм ва дуализм ёндашувлари кесишувида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда самарали қўллаш механизмлари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: конституциявий ислохотлар, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ нормалари, монизм ва дуализм назарияси, халқаро шартномалар имплементацияси, халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш, миллий ҳуқуқ тизими.

Abstract. This article analyzes the challenges related to the status of international legal norms within Uzbekistan's national legal system and their practical application in the context of constitutional reforms. It further discusses the mechanisms for implementing and effectively applying international human rights norms to the intersection of monist and dualist approaches.

Key words: constitutional reforms, human rights, international law, theory of monism and dualism, implementation of international treaties, application of international law, national justice system.

Аннотация. В данной статье анализируются проблемы, связанные с местом норм международного права в национальной правовой системе Узбекистана и практикой их применения в контексте конституционных реформ. Особое внимание уделяется вопросам имплементации и эффективного применения международных норм в сфере прав человека на пересечении монистического и дуалистического подходов.

Ключевые слова: конституционные реформы, права человека, нормы международного права, теория монизма и дуализма, имплементация международных договоров, применение норм международного права, национальная правовая система.

Ўзбекистонда амалга оширилган конституциявий ислохотлар мамлакатни суверен, демократик, ижтимоий, дунёвий ва ҳуқуқий давлат сифатида мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий кадам бўлди. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича катта кадам қўйилди. Конституцияда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таъминлаш ва кафолатлашга қара-

тилган нормалар салмоқли даражада кўпайди, улар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга юқори даражада мувофиқлаштирилди. Академик А. Х. Саидов таъкидлаганидек, “Биронта ҳам давлат, шу жумладан, Ўзбекистон, агар ўз миллий қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштирмас экан, инсон ҳуқуқлари бўйича зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмайди”¹.

¹ Саидов А. Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ: дарслик. – Тошкент: “Konsauditin form – Nashr”, 2006. – 94-б.

Ушбу ислохотларнинг эътирофга лойиқ жиҳатларидан бири – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро принцип ва нормалари устуворлигининг Конституция даражасида янада аниқлаштирилганлиги ҳамда миллий қонунчиликнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга янада мувофиқлаштиришга эътиборнинг кучайганлиги бўлди. “Ҳозирги кунда давлатлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини писанд қилмайдиган, унга бажармаса ҳам бўлаверадиган сиёсий декларациялар мажмуаси сифатида қарайдиган пайтлар ортида қолди”².

Мазкур ислохотлар жараёни собиқ совет маконидаги давлатлар конституциявий эволюциясининг умумий тенденцияларига мос келади. Бу мамлакатларда халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ тизимига самарали инкорпорация қилиниши ва суд амалиётида тўғридан-тўғри қўлланилиши масаласи ҳали ҳам назарий ва амалий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Ўзбекистон қабул қилган халқаро шартномаларнинг миллий ҳуқуқий тизимдаги ўрни белгиланишига қарамасдан, халқаро шартномаларнинг миллий судлар томонидан қўлланилиши даражаси масаласи илмий муҳокамани талаб этади.

Авваламбор шуни таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқий тизимдаги ўрни масаласида монистик назария принципларига яқинлашган. Хусусан, Конституциянинг 15-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлла-

нилади”³, – деб аниқ белгиланган.

Бу принципнинг Ўзбекистон Республикаси учун аҳамиятини А. Х. Саидов қуйидагича белгиланган:

биринчидан, Ўзбекистон шу йўл билан инсониятнинг юксак ғояларини қабул қилди ва ривожлантирди. Бунда гап миллий ҳуқуқни халқаро ҳуқуқ билан алмаштириш тўғрисида бораётгани йўқ;

иккинчидан, миллий ҳуқуқий тизимга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари киритилди. Халқаро шартнома билан миллий қонун ўртасида зиддият аниқланган тақдирда тегишли органлар қонунда эмас, балки халқаро шартномада ёзилган нормаларга амал қилишлари лозим;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий принциплар ва нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши эътироф этилди. Судлар тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга бевосита амал қилишга ҳақлидир⁴.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни аниқлашда монизм ва дуализм концепциялари ўртасида доимий илмий мунозара мавжуд.

Дуализм назариясига кўра, халқаро ва миллий ҳуқуқ тизимлари бир-биридан мустақилдир. Дуализм назарияси асосчиларидан бири Хейнрих Трипелнинг таъбири билан айтганда, халқаро ва миллий ҳуқуқ “бир-бирига тегиб туриши мумкин, лекин ҳеч қачон кесишмайдиган икки айлана”-дир⁵. Бу икки тизимнинг манбалари турлича бўлгани учун уларнинг предмети ва мазмуни бир-бири билан тўлиқ уйғун келиши мумкин эмас. Шунинг учун халқаро шартноманинг миллий ҳуқуқ тизимида амал қилиши учун халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш талаб этилади.

Аксинча, монизм назарияси асосчиси Ганс Кельзеннинг фикрига кўра, халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқ ягона тизимни ташкил қилади ҳамда халқаро ҳуқуқ устун аҳамиятга эга⁶. Мазкур на-

² Ўша манба. – 93-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

⁴ Ўша манба. – 93-94-б.

⁵ Қаранг: Triepel H. Völkerrecht und Landesrecht (1899), 111; Kirchmair L. The ‘Janus Face’ of the Court of Justice of the European Union: A Theoretical Appraisal of the EU Legal Order’s Relationship with International and Member State Law // Goettingen Journal of International Law 4 (2012) 3, - P.683; Triepel H. Völkerrecht und Landesrecht (1899), 111.

⁶ Қаранг: Кельзен Г. Чистое учение о праве. 2-е изд. / пер. с нем. — СПб.: ООО Издательский Дом «Алеф-Пресс», 2015. — С.403 – 417.

зариянинг яна бир намояндаси Херш Лаутерпахт нуқтаи назарига кўра, давлат имзолаган халқаро шартномалар миллий ҳуқуқий тизим таркибий қисми бўлиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар миллий қонунлардан устувор ҳисобланади ва тўғридан-тўғри амал қилиши керак⁷.

Россиялик ҳуқуқшунос олим Г. М. Даниленко собиқ совет маконидаги мамлакатларнинг аксариятида давлатнинг халқаро шартномаларини миллий ҳуқуққа киритиш масаласи ҳамон ноаниқлигича қолаётганини таъкидлаган ва ушбу давлатлар халқаро ҳуқуқни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали уларни қўллашга кўпроқ таянади, деган хулосага келган⁸.

Умуман олганда, жаҳон давлатларини ўз миллий қонунчилиги ва ҳуқуқий амалиётида қайси ёндашув устуворлиги белгиланганига қараб уч гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳга монистик ёндашувга асосланган Австрия, Бельгия, Германия, Испания, Нидерландия, Португалия, Франция, Швейцария, Чехия каби континентал Европа мамлакатлари, Лотин Америкаси мамлакатлари киради.

Иккинчи гуруҳга дуалистик ёндашувга асосланган Австралия, Буюк Британия, Ирландия, Канада, Малайзия каби мамлакатлар киради.

Учинчи гуруҳга ярим дуалистик, ярим монистик ёндашувга асосланган АҚШ, Япония, МДХ мамлакатлари ва бошқалар киради. Улар расман монистик ёндашувни ҳуқуқий мустақкамлаган бўлса-да, амалда ярим дуалистик тизим ҳисобланади, яъни уларда халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилингандан кейин қўллаш ёндашуви устуворлик қилади.

“Ўзбекистоннинг миллий қонунчилик нормаси унинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаси нормасига зид келса, судлар Конституциянинг 15-моддасига асосланиб, тўғридан-тўғри халқаро шартнома нормасини қўллайдими ёки аввал бу шартноманинг миллий қонунчиликка имплементация қилинган нормасини қидирадими?” – деган савол келиб чиқади.

Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг

устуворлиги эълон қилинганига қарамай, халқаро шартномаларда белгиланган мажбуриятларнинг амалда самарали бажарилиши ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши кўпроқ уларнинг миллий ҳуқуқ тизимига имплементация қилиниш тартибига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон судларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартнома нормаларини устувор қўллаш борасидаги амалиётнинг шаклланиши – дуализм принципининг муҳим ўринга эга эканини кўрсатади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларга устуворлик берилаётган бўлса-да, амалда мазкур ёндашувни **“дуализмнинг юмшоқ шакли”** ёки **“ярим монизм, ярим дуализм”** принципи ўрнатилиши сифатида баҳолаш мумкин. Бунда назарий жиҳатдан халқаро шартнома нормаларининг устуворлиги тан олинади, аммо амалиётда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, биринчи навбатда, миллий қонунчиликка имплементация қилинган нормаларга мурожаат қилинади.

Бунинг сабабларини қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин:

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонун халқаро шартномаларни миллий ҳуқуққа киритиш асосларини белгилайди. Унинг 33-моддасига мувофиқ, халқаро шартномаларни бажариш тартиби қуйидагича белгиланган: “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатини қабул қилиш зарур бўлган ҳолларда, манфаатдор давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси нормаларини имплементация қилиш масалалари бўйича тегишли ҳужжат қабул қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда таклифлар тақдим этади”⁹.

Бу ҳуқуқий нормага асосан халқаро шартномаларни икки йўл билан бажариш мумкинлиги ой-

⁷ Қаранг: Lauterpacht H. International law and human rights. – London: Stevens & Sons Limited, 1950. pp. 475, xvi. 12 10s.

⁸ Қаранг: Danilenko, G. M. Implementation of International Law in CIS States: Theory and Practice // European Journal of International Law, 10(1), 1999. – P.69.

⁹ “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонун // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2019 й., 03/19/518/2589-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон // <https://lex.uz/docs/4193761>.

динлашади:

биринчи йўл – агар халқаро шартномани бажариш учун қўшимча миллий қонунни қабул қилиш зарурати бўлмаса, у судлар ва бошқа органлар томонидан тўғридан-тўғри қўлланилиши мумкин;

иккинчи йўл – агар шартномани бажариш учун қўшимча миллий қонун ёки бошқа ҳужжатни қабул қилиш зарурати бўлса, бундай нормалар миллий қонунчиликка имплементация қилинади.

Бу назария “ўз-ўзидан бажариладиган” ва “ўз-ўзидан бажарилмайдиган” халқаро ҳуқуқий нормалар муҳокамасига сабаб бўлган¹⁰. Бироқ кўпинча миллий қонунчиликларда халқаро шартномани бажариш учун “қўшимча миллий қонунчилик ҳужжати”ни қабул қилиш зарурати борлиги ёки бундай зарурат йўқлигини ёки “ўз-ўзидан бажариладиган” ва “ўз-ўзидан бажарилмайдиган” халқаро ҳуқуқий нормаларни аниқлашнинг аниқ мезонлари белгиланмаган. Бу эса судларнинг иккиланишига ва нотўғри амалиётга олиб келиши мумкин. Халқаро ҳуқуқшунос М. Боссуйт таъкидлаганидек, “Миллий қонунчиликка киритилган халқаро шартноманинг барча қоидаларини ҳам судья қўллай олмайди. Бунинг учун норма етарлича аниқ ва тўлиқ бўлиши керак”¹¹, яъни халқаро ҳуқуқий норманинг ўзи авваламбор қўллаб бўладиган табиатга эга бўлиши талаб қилинади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни тўғридан-тўғри амал қилиши салмоғини муайян даражада кенгайтириш учун унинг ҳуқуқий механизмларини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мумкин:

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу муаммони ҳал этиш учун Конституциявий суд халқаро шартномаларнинг турли нормалари бўйича расмий тушунтиришлар бериш ваколатига

эга бўлиши муҳим.

Айрим хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, Конституциявий суд халқаро шартномалар нормаларининг миллий қонунлар билан мувофиқлигини назорат қилиш билан бирга, инсоннинг асосий ҳуқуқлари хусусида шубҳа пайдо бўлган тақдирда халқаро ҳуқуқ нормаларини бевосита қўллаш ёки қўлламаслик масаласида тушунтириш бериши кераклиги конституциявий судлов объекти сифатида ўрнатилган. Масалан, Германия Федератив Республикаси Асосий қонунининг 100-моддаси 2-бандига мувофиқ, “Агар суд иши юритилаётганда халқаро ҳуқуқ нормасининг федерал ҳуқуқ таркибий қисми эканлиги ва бу норма муайян шахс учун бевосита ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар вужудга келтириши (25-модда) хусусида шубҳа пайдо бўлса, суд қарор олиш учун Федерал Конституциявий судга мурожаат этиши лозим”¹².

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди миллий қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини назорат қилиш ваколатига эга. Шунингдек, Конституциянинг 133-моддасига кўра, фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилишга ҳақли. Бунга қўшимча равишда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларини бузганлик учун конституциявий шикоят институтини жорий этиш орқали, фуқароларга халқаро шартномаларнинг бузилиши юзасидан тўғридан-тўғри Конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятини яратиш, яъни бу масалада Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтириш инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар самарадорлигини ошириши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

¹⁰ Қаранг: Bossuyt M. The Direct Applicability of International Instruments on Human Rights // Revue belge de droit international, 1980. – P.318 – 338 // <https://rbdi.bruiant.be/modele/rbdi/content/pdf/files/RBDI%201980/RBDI%201980-2/Etudes/RBDI%201980.2%20-%20pp.%20317%20-%20C3%A0%20344%20-%20Marc%20Bossuyt.pdf>; Марочкин С.Ю. Действие и реализация норм международного права в правовой системе Российской Федерации: монография. — Москва: Норма ИНФРА-М, 2021. — С. 232 – 242.

¹¹ Қаранг: Bossuyt M. The Direct Applicability of International Instruments on Human Rights // Revue belge de droit international, 1980. – P.318 // <https://rbdi.bruiant.be/modele/rbdi/content/pdf/files/RBDI%201980/RBDI%201980-2/Etudes/RBDI%201980.2%20-%20pp.%20317%20-%20C3%A0%20344%20-%20Marc%20Bossuyt.pdf>.

¹² Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни // Жаҳон конституциялари / Масъул муҳаррир А. Х. Саидов. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022. – 208-б.

Иккинчидан, конституциявий ислохотлар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ролини кучайтирди. Конституциянинг 56-моддасига кўра: “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга қўмаклашади”. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг миллий даражада бажарилишини назорат қилувчи асосий институтлар ҳисобланади. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган¹³.

Бунда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятлар бўйича мустақил равишда судларга тақдимнома киритиш ёки Конституциявий судга мурожаат қилиш ваколатларини кенгайтириш инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларининг қўлланилишидаги бўшлиқларни тўлдиришнинг самарали йўли бўлиши мумкин.

Масалан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш механизмида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази муҳим ўрин тутди. Миллий марказ БМТнинг устав ва шартномавий органларига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар бажарилиши бўйича даврий миллий ҳисоботларни тайёрлайди. Бу халқаро ҳамжамиятга инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва амалга ошириш борасида миллий қонунчилик ҳамда амалиётдаги ҳолат тўғрисида маълумот етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Миллий марказ, шунингдек, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш ҳамда даврий миллий ҳисоботларини муҳокама қилиш асосида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва тегишли шартномавий қўмиталари тавсияларини амалга оширишга доир миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқади, уларнинг ижро этилишини мониторинг қилади. Шунингдек, қабул қилинаётган миллий қонунлар ва қонунчилик лойиҳаларининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан эксперт хулосаларини тайёрлайди. Бу инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олувчи ёндашувни таъминлайди.

Миллий марказнинг ролини янада кучайтириш учун унинг мустақиллиги ва таъсирчанлигини ошириш ҳамда судларга мустақил равишда мурожаат қилиш ваколатларини кенгайтириш тақозо этилади.

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларининг миллий судлар томонидан қўлланилиши судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакасига боғлиқ. Хусусан, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ бўйича чуқур билимга эга бўлиши керак. Бунда “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ” ҳамда “Халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш назарияси ва амалиёти” каби курсларнинг ўқитилишига эътиборни кучайтириш, мазкур йўналишда малака оширишни такомиллаштириш муҳим. Акс ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро принцип ва нормалар, халқаро шартномаларнинг илмий адабиётлар ва халқаро амалиёт билан таниш бўлмаган амалиётчилар томонидан нотўғри талқин қилиниши ёки қўлланилишида хатоларга йўл қўйилишининг олдини олиш қийин бўлади.

¹³“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.04.2021 й., 03/21/687/0380-сон; 13.01.2024 й., 03/24/895/0025-сон; 02.03.2024 й., 03/24/917/0170-сон // <https://lex.uz/docs/5391934>.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ЖАДИД СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ДАСТУРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.126



Мавлуда ЭРГАШЕВА,
юридик фанлар доктори

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддалари жадидлар сиёсий партияларининг дастурларидаги нормалар билан ғоявий жиҳатдан ҳамоҳанг ва уйғунлиги қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Туркистон федералистлари партияси, Жадид тараққийпарварлар партияси, дастур, қонун, модда, ҳуқуқ, эркинлик.

Abstract. The article provides a comparative analysis of certain articles of the Constitution of the Republic of Uzbekistan and the provisions of the programs of the Jadid political parties, highlighting their ideological consistency and harmony.

Key words: Constitution of the Republic of Uzbekistan, Turkestan Federalist Party, Jadid Progressive Party, Program, Law, Article, Right, Freedom.

Аннотация. В статье проведен сравнительный анализ отдельных статей Конституции Республики Узбекистан и норм, содержащихся в программах джадидских политических партий, выявляются их идейная сопричастность и гармоничное соответствие.

Ключевые слова: Конституция Республики Узбекистан, партия туркестанских федералистов, партия джадидов-прогрессистов, программа, закон, статья, право, свобода.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси буюк мутафаккир аждодларимизнинг бекиёс илмий-ижодий меросида баён этилган бой ҳуқуқий ғояларни ҳам қамраб олган.

Конституциямизда аждодларимизнинг ҳозирги замон цивилизациясига хизмат қилиб келаётган бебаҳо мероси, шу жумладан, жадидларнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари акс этган, деб айта оламиз. Зотан, ўзбек тараққийпарвар зиёлилари – жадидлар ўз даврида демократик руҳдаги Конституция, қонунлар, дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишда нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий томондан катта куч-ғайрат сарфлашган. Жадидлар миллат ва мамлакатни ривожлантириш, жамиятни янги тараққиёт босқичига

олиб чиқиш учун алоҳида фидойилик кўрсатишган. Президентимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек: **“Ватанимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадний мероси биз учун бугун ҳам бекиёс аҳамиятга эга”**¹.

Немис олимаси Ингеборг Балдауф қайд этганидек, жадидлар ўзларини ҳақиқатни билишга муҳтож кишилар, деб ҳисоблашмаган. Улар ҳақиқатни билишларига ёки камида ҳақиқатга элтувчи йўлдан хабардор эканликларига амин бўлишган. Улар ўзлари билган ҳақиқатни халққа етказишни, халқни билимсизликдан нур томон етаклашни мақсад қилишган².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3864>.

² Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: “Маънавият”, 2001. – 56-б.

Таъкидлаш керакки, 1917 йил 12-14 июль кунлари бўлиб ўтган Мусулмон ташкилотлари курултойида тараққийпарварларнинг **Турк адами марказияти партияси** (Туркистон федералистлари партияси) ташкил этилган ва унинг дастури қабул қилинган.

Туркистон федералистлари партияси дастурида илгари сурилган долзарб сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бугунги кунда ҳам ғоятда аҳамиятли бўлиб, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари билан ғоявий жиҳатдан ниҳоятда ҳамоҳанг ва муштарақдир.

Партия дастури IX боб ва 57 моддадан иборат бўлиб:

I боб – Давлат ва мухторият ташкилоти;

II боб – Миллий масалалар;

III боб – Диний масалалар;

IV боб – Мухториятли қитъаларда аҳлият (Автоном ўлкаларда фуқаролик) ҳуқуқи;

V боб – Иқтисод ва молия масалалари, деб номланган.

Дастурнинг I боб 4-моддасида шундай дейилган: “Миллатнинг йигирма ёшга етиб, аҳлият пайдо қилган ҳар бир фарди: эр бўлсин, хотин бўлсин – синф, дин ва мазҳаб айирмасига бокмасдан сайламак ва сайланмак ҳақина моликдур. Қайди: Мусулмон хотинларнинг сайловга иштироклари доираи шаръия доҳилинда (шариат доирасида – М.Э.) бўлур”³. Ушбу модда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддаси билан ҳамоҳангдир. Конституциямизнинг 128-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади”⁴ – дея белгиланган.

Дастурнинг I-моддасида: “Жумла аҳоли, қайси дин ва қайси мазҳабда бўлса ҳам қонун қошида барабар саналур”⁵ – деб таъкидланган бўлса, Конституциямизнинг 19-моддасида: “Ўзбекистон

Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”⁶ – деган қоида мустаҳкамланган.

Бундай мувофиқликлар биз жаҳид мутафаккирларимиз орзу-истаклари ижобатига энди етиб келганимизни, улар миллат ва халқнинг истиқболлини башоратчилик билан бир аср олдин кўра билганларини тасдиқлайди. Агар ўртада қирғин-қатағонлар бўлмаганида, тараққиёт жаҳид партиялари дастурлари асосида силжиганида эди, биз жаҳоннинг ривожланган мамлакатларига аллақачон етиб олган бўлармидик, дея ўйлаш мумкин.

“Хуррияти виждон (виждон эркинлиги – М.Э.) том маъноси ила ижро қилиниб, аҳолидан ҳеч ким дини, мазҳаби ва эътиқоди учун таъқиб ва тазйиқ қилинмас”⁷ – деб белгиланган дастурнинг 2-моддаси билан “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”⁸ – деган қоида ўз ифодасини топган Конституциямизнинг 35-моддаси мос келади. Шунингдек, дастурнинг 4-моддасида: “Ҳар ким ўз фикрини, ҳаёлини сўйламакка, матбуот ва бошқалар воситаси ила нашр ва эълон қилмоққа ихтиёрлидир”⁹ – дейилган бўлса, Конституциямизнинг шу мазмундаги 33-моддасида: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамо-

³ Турк адами марказият (федералист) фирқасининг Маромномаси // “Фан ва турмуш”, 1990 йил, 7-сон. – 7-б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

⁵ Турк адами марказият (федералист) фирқасининг Маромномаси // “Фан ва турмуш”, 1990 йил, 7-сон. – 7-б.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

⁷ Турк адами марказият (федералист) фирқасининг Маромномаси // “Фан ва турмуш”, 1990 йил, 7-сон. – 7-б.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

⁹ Турк адами марказият (федералист) фирқасининг Маромномаси // “Фан ва турмуш”, 1990 йил, 7-сон. – 7-б.

ат тартибини таъминлаш, шунингдек, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади”,¹⁰ – деган қоида яққол ўз ифодасини топган.

Мазкур дастурнинг 5-моддасида таъкидланишича, “Уй ичларида бўлсун, очикда бўлсун, истаган масалаларини музокара ва ҳал этмак учун ҳар кимнинг йиғилиб, ижтимоъ ясамоққа (йиғилмоққа – М.Э.) ҳаққи бордур”¹¹. Юқорида қайд этилган модда билан, мазмунан муштарак Конституциямизнинг 38-моддасида эса шундай дейилган: “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуктаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга”¹².

“Хуррияти шахсия (шахс эркинлиги – М.Э.) ва муҳофазати байтия (оила муҳофазаси) тамомила татбиқ қилиниб, тегишли маҳкамаларнинг қароридан бошқа, бировнинг уйига кириб тинтимак, хат ва китобларни қарамак мумкин эмасдур”,¹³ – деб таъкидланган дастурнинг 7-моддаси билан “Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек, унда олиб қўйишни ва қўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади”,¹⁴ – дейилган норма мустаҳкамлаб қўйилган Конституциямизнинг 31-моддаси ғоявий жиҳатдан бир-бирига ҳамоҳангдир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, дастурнинг адлия масалаларига бағишланган VIII боб 1-моддасида: “Маҳкамаларнинг ёлғиз қонун ва шариятга

тобе бўлиб, ҳар хил мудохилотлардан ва ташқари кишиларнинг ҳалали ва анга қотишмоқларидан (аралашмоқларидан – М.Э.) холи бўлмоғи лозимдур”,¹⁵ – деб кўрсатилган бўлса, давлатимиз Конституциясининг 130-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади”,¹⁶ – деган қоида ўз ифодасини топган, шунингдек, 136-моддада: “Судьялар мустақилдирлар, фақат Конституция ва қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралаштишга йўл қўйилмайди ва бундай аралаштиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайди. Судьялар дахлсиздир. Давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлайди”,¹⁷ – деб белгиланган.

Дастурнинг VIII боб 5-моддасида: “Истинтоқ (тергов – М.Э.) асносида муҳофаа вакил (адвокат – М.Э.) тутмоқ усули қабул этилур”,¹⁸ – деб таъкидланган бўлса, Конституциямизнинг ушбу мазмундаги 141-моддасида: “Жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади. Адвокатуранинг ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади”,¹⁹ – деган инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган норма мустаҳкам ўз ифодасини топган.

Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида, маромнома, низомномаларида асосий эътибор ўз давлат тузилишини барпо этиш, қонунлар чиқаришни амалга ошириш учун чиқарилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқарув ва суд механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

¹¹ Турк адами марказият (федералист) фирқасининг Маромномаси // “Фан ва турмуш”, 1990 йил, 7-сон. – 7-б.

¹² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

¹³ Турк адами марказият (федералист) фирқасининг Маромномаси // “Фан ва турмуш”, 1990 йил, 7-сон. – 7-б.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

¹⁵ Турк адами марказият (федералист) фирқасининг Маромномаси // “Фан ва турмуш”, 1990 йил, 7-сон. – 7-б.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

¹⁷ Ўша манба.

¹⁸ Турк адами марказият (федералист) фирқасининг Маромномаси // “Фан ва турмуш”, 1990 йил, 7-сон. – 7-б.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

берилган ҳамда конституцион жиҳатдан кафолатланиши лозим бўлган инсонпарвар, халқпарвар жамиятни шакллантириш устувор мақсад қилиб белгиланган.

Шунингдек, **Жадид тараққийпарварлар партияси** дастуридаги Ватан туйғуси ва ватанпарварлик ғоялари ҳам мустақиллик даври қонунчилигимизда монанд ифодаларга эга. Жадидлар дастурининг 5-моддасида шундай дейилган: “Туркистон миллий ҳукумати Туркистон миллий аскарига таянажак. Ҳарбий хизмат мажбурий”²⁰. Юқорида келтирилган қоида “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”,²¹ – деб белгиланган Конституциямизнинг 64-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади”,²² – дея қайд этилган Конституциямизнинг 152-моддаси ҳамда “Мудофаа тўғрисида”ги қонун нормалари мазмуни билан ҳамоҳанг эканлигини англаш қийин эмас.

Давлатчилик тараққиётининг барча босқичларида, шунингдек, жадидлар даврида ҳам мамлакат мудофааи функциясининг аҳамияти ғоят катта бўлган. Зеро, ҳамиша мамлакат озодлиги ва мустақиллигини ташқи босқинчилардан ҳимоя қилишнинг объектив зарурати мавжуд бўлиб келган.

Ҳозирги замон давлатларининг аксарияти ўз мудофаа доктринасига эга. Бунинг аҳамияти бошқа давлат ёки бир гуруҳ давлатлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган агрессиянинг олдини олиш учун энг мақбул даражада етарли куч ва воситаларни вужудга келтиришда ўз ифодасини топади. Армиямиз, Қуролли Кучларимиз, ҳарбий доктринамиз давлатимиз хавфсизлигининг муҳим кафолатидир.

Шунингдек, Жадид тараққийпарварлар партияси дастурида: “Мамлакатнинг асосий солиғи қиримга қараб олинажак. Меросдан ҳам солиқ олинажак. Туркистонда эски замонлардан қолган ҳар хил олиқ-солиқлар бекор қилинажак”,²³ – деб кўрсатилган 9-модда билан “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак”,²⁴ – деган қоида ўз ифодасини топган Конституциямизнинг 63-моддаси жуда мос келади.

Дастурнинг 10-моддасида: “Ер масаласида ер ости ва ер юзи бойликлари, ўрмонлар, ҳавзалар давлат мулкига ўтиши негиз ҳисобланади. Ер деҳқонларга (қишлоқ деҳқонларига) хусусий мулк қилиб берилажак”,²⁵ – дейилган. Бизнинг фикримизча, мазкур модда Конституциямизнинг шу мазмундаги 68-моддасида белгиланган: “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин”,²⁶ – деган қоида мазмуни билан ниҳоятда ҳамоҳангдир.

Дастурнинг 16-моддасида шундай дейилган: “Адлия масаласида тўла мустақиллик ва ҳар ким учун тенг ҳуқуқлилик. Дини ва дунёқараши қандай бўлишдан қатъий назар, ҳар бир киши ҳозирги замон қонунлари билан таъмин этилажак”²⁷. Дарҳақиқат, “Адлия масаласида тўла мустақиллик” жадид тараққийпарварлар партияси дастурида ҳам ўзининг мустаҳкам ифодасини топгани бежиз эмас. Мамлакатимизда суд тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ ҳозирги сиёсий жараёнда ай-

²⁰ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер / Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. – Тошкент: “Адолат”, 1997. – 112-б.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

²² Ўша манба.

²³ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер / Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. – Тошкент: “Адолат”, 1997. – 112-б.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

²⁵ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер / Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. – Тошкент: “Адолат”, 1997. – 112-б.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

²⁷ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер / Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. – Тошкент: “Адолат”, 1997. – 113-б.

нан ана шу вазифа бош мақсад қилиб қўйилганини таъкидлаш даркор.

Жадид тараққийпарварлар партияси дастурининг 17-моддасида: “Маориф соҳасида бепул, бошланғич таълим олиш имкониятлари яратила-жак. Мамлакатнинг ўз фуқаролари, давлат манфа-атларига қарши келмаган ҳолда, хусусий мактаб-лар очишга ҳуқуқли”,²⁸ – деб таъкидланган бўлса, Конституциямизнинг ушбу мазмундаги 50-модда-сида: “Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотла-ри ривожланишини таъминлайди”,²⁹ – деган норма ўзининг мустаҳкам ифодасини топган.

Жадид тараққийпарварлар партияси дасту-рининг 19-моддасида: “Қадимий маданият ўчоғи бўлган Туркистонда асрлар мобайнида юзага кел-ган маданият ёдгорликлари ҳимоя остига олина-жак. Улар миллий маданиятнинг ўсишига хизмат этажак”,³⁰ – деб кўрсатилган бўлса, Конституция-мизнинг 61-моддасида: “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаши шарт. Тарихий,

маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофаза қилинади”,³¹ – деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Хуллас, ўзбек тараққийпарвар зиёлилари – жа-дидлар ўз даврида демократик руҳдаги Конститу-ция, қонунлар, дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишда нафақат назарий жиҳатдан, шунингдек, амалий томондан ҳам катта куч-ғай-рат сарфлашган. Уларнинг жанговар тарихий таж-рибалари, мазкур тажрибадан чиқарган ҳаётий сабоқлари, фикр-ғоялари, хулосалари мустақил давлатимизнинг миллий қонунчилигини шакллан-тиришда ҳуқуқий асослардан бири сифатида хиз-мат қилди, десак, янглишмаймиз.

Фидойи жадидларнинг жамиятимиз олдида бажарган хизматлари чексизлигини англаган ҳол-да, улар тузган партиялар фаолияти ва дастурий ҳужжатларини ўрганиш, моҳият-мазмунини чуқур англаб етиш, амалиётда, яъни демократик ҳуқуқий давлат куриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда ушбу ҳужжатларнинг муҳим манба бўлиб қолишини эътироф этиш зарур.

²⁸ Ўша асар, 113-б.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

³⁰ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер / Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хоти-ралар. – Тошкент: “Адолат”, 1997. – 113-б.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ БАҲСЛАР МАНЗАРАСИ

(Эндрю Клафамнинг “Инсон ҳуқуқлари: ўта қисқа таништирув”¹
номли китобини ўқиганда туғилган мулоҳазалар)

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.127



Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий
аъзоси, Россия Фанлар академиясининг
хорижий аъзоси, юридик фанлар доктори,
қийёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро ҳуқуқ
бўйича профессор

Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи давлатларнинг ички сиёсатидан тортиб халқаро муносабатларгача кенг қамровда муҳокама қилинмоқда ҳамда глобал муаммога айланди. Шу нуқтаи назардан **“Инсон ҳуқуқлари: ўта қисқа таништирув”** китобининг аҳамияти алоҳидадир. Китобда инсон ҳуқуқлари концепциясининг назарий асосларидан тортиб амалиётдаги қийинчиликларгача содда, равшан ва тизимли равишда ёритилган. Китобнинг муаллифи **Эндрю Клафам** халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқ бўйича британиялик ҳуқуқшунос олимдир.

Эндрю Клафамнинг асарлари орасида қуйидагилари кенг эътироф этилган: “Хусусий соҳада инсон ҳуқуқлари” (1993 йил), “Халқаро инсон ҳуқуқлари лугати” (ҳаммуаллифликда, 2005 йил), “Нодавлат субъектларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари” (2006 йил), “Қуролли моjarоларда халқаро ҳуқуқ қўлланмаси” (ҳаммуаллифликда, 2014 йил), “1949 йилги Женева конвенцияларига шарҳ” (ҳаммуаллиф-

ликда, 2015 йил), “Қурол савдоси тўғрисидаги шартномага шарҳ” (ҳаммуаллифликда, 2016 йил), “Уруш” (2021 йил).

Э. Клафам БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарига махсус маслаҳатчи ҳамда БМТ Бош котибининг Ироқдаги махсус вакилига халқаро гуманитар ҳуқуқ бўйича маслаҳатчи сифатида фаолият юритган. 2003 йил 19 августда Бағдоддаги “Канал” меҳмонхонасида жойлашган БМТ штаб-квартираси террористик ҳужум туфайли вайрон қилиниб, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ва Ироқ бўйича махсус вакил Серджио де Мелло ва унинг 22 нафар ходимлари қурбон бўлганида, Э. Клафам тирик қолганлар орасида бўлган. У Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судида кўриб чиқиладиган ишлар юзасидан маслаҳатлар берган. 2008 – 2014 йилларда Женевадаги Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ бўйича академиянинг биринчи директори бўлган. 2017 – 2023 йилларда Жанубий Судан бўйича БМТнинг Инсон ҳуқуқлари комиссиясига аъзо бўлган. Ҳозирги

¹ Қаранг: Endryu Klafam. Inson huquqlari: o'ta qisqa tanishtiruv // Tarjimon G. Mamarasulova. – Toshkent: “Akademnashr”, 2025. – 238 b.

кунда у халқаро ҳуқуқнинг ахлоқий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этувчи етакчи мутахассис ҳисобланади. Унинг илмий ишлари давлатларнинг инсон ҳуқуқларига оид мажбуриятлари, инсон ҳуқуқларининг глобал тизими ва халқаро ҳуқуқда шахснинг ролини ёритишга қаратилган.

“Инсон ҳуқуқлари: ўта қисқа таништи-рув” китобида муаллиф инсон ҳуқуқлари ғояси-нинг тарихий ривож, универсаллиги ва амалий аҳамиятини қисқа, лекин жуда мазмунли тарзда таҳлил қилади. Китоб тузилиши, мавзуларнинг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳуқуқшунослик (юриспру-денция) ва сиёсатшунослик (политология) йўналиши-даги талаба-ўқитувчилар учун ҳам муҳим қўшимча манба бўлиб хизмат қили-ши мумкин.

Китоб умумий қилиб олганда иккита йўналишни ўз ичига олади: **биринчи-дан**, инсон ҳуқуқлари кон-цепциясининг фалсафий, тарихий, ҳуқуқий жиҳатдан шаклланишини ёритилган; **иккинчидан**, ҳозирги за-мондаги долзарб масала-лар – инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, соғлиқ, таъ-лим, меҳнат ҳуқуқлари, ин-сон ҳуқуқлари соҳасидаги айрим “оғир” муаммолар, масалан, ноқонуний ҳибсга олиш, ўлим жазоси кўриб чиқилган.

Китобда қуйидаги мавзулар қамраб олин-ган: “Ҳуқуқларга бир назар”, “Халқаро инсон ҳуқуқларининг тарихий шаклланиши”, “Инсон ҳуқуқлари бўйича ташқи сиёсат ва БМТнинг роли”, “Қийноққа солишнинг халқаро ҳуқуқий тавсифи”, “Озодликни қонуний чеклаш”, “Ҳуқуқлар мувозанати – шахсий ҳаёт дахлсиз-лиги масалалари”, “Озиқ-овқат, таълим, соғлиқ-ни сақлаш, уй-жой ва меҳнат”, “Камситиш ва тенглик”, “Ўлим жазоси”.


Муаллиф Иккинчи жаҳон уруши давридан бошлаб Халқаро жиноят суди ташкил этил-гунига қадар бўлган даврда инсон ҳуқуқлари ривожланишининг муҳим босқичларини ёри-тиб берган. Ҳар бир тарихий воқеанинг гло-бал инсон ҳуқуқлари тизими шаклланишидаги ўрни таҳлил қилинган. Бунда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқла-ри соҳасидаги шартномаларга ҳам таянилган. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон дек-ларациясининг тўлиқ матни китобга илова қи-

линган. Китобнинг ушбу тузилиши “асосий тушун-чалардан тортиб аввал му-аммоларга, кейин ечим-ларга” қаратилган баён ва таҳлил қилиш йўлини акс эттиради. Бу талабалар-га муаммолар ва уларнинг ечимлари моҳиятини тушу-нишга ёрдам беради.

Китобда жаҳоннинг турли мамлакатларидан олинган халқаро битимлар, қонунлар, даврий нашр-лар ва илмий адабиётлар-дан мисоллар келтирилган. Журналистлар ва таниқли олимлар қаламига ман-суб бўлган бу мисолларда турли давлатларда инсон ҳуқуқлари қонунчилиги-нинг қўлланилиши ва унга

нисбатан турлича ёндашувлар акс эттирил-ган. Жамоатчилик, мутахассислар ва сиёсат-чиларнинг турли қонун ҳамда шартномаларга нисбатан билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам муҳокама қилиниб, уларнинг инсон ҳуқуқлари ривожланишига қай тарзда таъсир кўрсатгани ҳақида кенгрок тасаввур ҳосил бўлади. Китобда келтирилган 16 та фотосурат муаллиф баён қил-ган фактларни муайян даражада визуал ифода-лашга ёрдам беради.

Э. Клафам инсон ҳуқуқлари тушунчасининг Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги талқинлари



ўртасидаги фарқларни, давлатларнинг инсон ҳуқуқларига оид ёндашувларини тавсифлайди. У инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун етарли даражада ташкилотлар ва қонунлар яратилган бўлса-да, кўпгина давлатлар бу қонунларни татбиқ этмаётганини таъкидлайди.

Китобнинг баён ва таҳлил қилиш услуби тадқиқотчи-олим ҳамда талабалар учун, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ўрганмоқчи бўлган барча қизиқувчилар учун мақбулдир. Масалан, муаллиф инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўртасидаги боғлиқликни ҳуқуқларнинг “таърифидан” эмас, уларнинг “қандай амалга оширилиши”дан бошлашни таклиф қилган. Шунингдек, юриспруденция нуқтаи назаридан эътиборга лойиқ бўлган жиҳатлардан бири китобнинг “ҳуқуқ нормаси” – “ҳуқуқни қўллаш амалиёти” алоқадорлигига эътибор берилганидир. Жумладан, инсон ҳуқуқларини назорат қилиш, уларни амалга ошириш механизмлари масалалари ҳам ўрганилган.

Китобнинг қуйидаги қатор ижобий жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчиси, китоб мухтасар шаклда, лекин мазмунли тарзда тайёрланган. Бу жиҳатдан талаба ва ҳуқуқшунослар учун энг асосий билимларни ўзлаштириш учун зарур ва қулай бўлган инсон ҳуқуқларига кириш китоби хусусиятига эга.

Иккинчиси, муаллиф инсон ҳуқуқлари концепциясининг фалсафий асосларидан тортиб, ҳозирги кундаги муаммолари – эркинликлар чекланиши, ўлим жазоси, соғлиқ ҳуқуқи ва ҳоказоларни қамраб олган. Бу юриспруденция йўналишида муҳим, чунки назарий билимлар амалиёт билан боғлангандагина самарали бўлади.

Учинчиси, муаллифнинг халқаро ташкилотларда фаолият юритганлиги унинг ёндашувини назарий қолиплар билангина чекланмаганлигини таъминлаган.

Тўртинчиси, китоб ҳуқуқшунослар учун асосий тушунчаларни, ҳуқуқий асосларни қисқа ва мазмунан лўнда тарзда тақдим этади.

Китобнинг ижобий жиҳатлари билан бирга унинг мазмуни масаласида айрим мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтишни жоиз ҳисоблаймиз:

Биринчидан, китобнинг қисқа ҳажмда тайёрланганлиги сабабли, баъзи долзарб ва мураккаб ҳуқуқий муаммолар, масалан, давлат ички фаолиятида инсон ҳуқуқларининг амал қилиш механизми, миллий қонунчиликнинг халқаро стандартлар билан интеграцияси масалалари муаллиф эътиборидан четда қолган.

Иккинчидан, китоб асосан Америка ва Европа ҳуқуқий тизимлари контекстида ёзилган. Шу сабабли унда Осиё, жумладан Марказий Осиё шароитига хос хусусиятлар кўриб чиқилмаган. Шунинг учун китоб миллий юридик таълимда миллий юридик амалиёт билан боғлиқ мисоллар етказиб бера олмайди.

Китоб юриспруденция нуқтаи назаридан қаралганда мукаммал бўлмаслиги мумкин, аммо у инсон ҳуқуқлари концепцияси, инсон ҳуқуқларини амалга оширишда халқаро ва миллий ҳуқуқий муҳитда юзага келаётган асосий муаммоларни тушуниш учун фойдали ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади. Мазкур китоб нафақат олий ўқув юртлари талабалари, балки кенг илмий ва эксперт ҳамжамият вакиллари, давлат идоралари ходимлари, фуқаролик жамияти институт вакиллари, умуман инсон ҳуқуқларига қизиқадиган ҳар бир киши учун фойдали маълумотларга бой қўлланма хусусиятига эга.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.128



Мирзатилло ТИЛЛАБАЕВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси миллий маркази директорининг
биринчи ўринбосари, Ислом ҳамкорлик
ташкilotининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил
доимий комиссияси аъзоси, профессор

Аннотация. Мақолада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – инсон ҳуқуқларини халқаро ва миллий даражада таъминлаш масалалари ёритилган. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг яратилиш тарихи, тузилиши ва мазмун-моҳияти, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий нормаларнинг мамлакатимиз қонунчилигида, шу жумладан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодаланиши таҳлил қилинган. Муаллиф юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, энг аввало, инсон қадрини юксалтиришга қаратилганини таъкидлаган.

Калит сўзлар: БМТ, Ўзбекистон, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Барқарор ривожланиш мақсадлари, халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар.

Abstract. The article covers one of the main areas of the United Nations (UN) activities: ensuring human rights at the international and national levels. The history of the creation, structure, and essence of the Universal Declaration of Human Rights is analyzed, as well as the reflection of international legal norms on human rights in the legislation of our country, including the new edition of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. The author emphasizes that the democratic reforms being implemented in the country are primarily aimed at promoting human dignity.

Key words: UN, Uzbekistan, Universal Declaration of Human Rights, Sustainable Development Goals, international law, human rights, personal, political, economic, social, and cultural rights.

Аннотация. В статье освещаются вопросы обеспечения прав человека на международном и национальном уровнях – одного из ключевых направлений деятельности Организации Объединенных Наций (ООН). Проанализированы история создания, структура и содержание Всеобщей декларации прав человека, а также отражение международно-правовых норм о правах человека в законодательстве нашей страны, в том числе в новой редакции Конституции Республики Узбекистан. Автор подчеркивает, что демократические реформы, осуществляемые в стране, прежде всего, направлены на повышение человеческого достоинства.

Ключевые слова: ООН, Узбекистан, Всеобщая декларация прав человека, Цели устойчивого развития, международное право, права человека, личные, политические, экономические, социальные и культурные права.

Жаҳон ҳамжамияти 2025 йилда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, барқарор ривожланиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг глобал меҳа-

низми сифатида фаолият юритаётган **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ташкил этилганининг 80 йиллигини** нишонлади. Таъкидлаш жоиз-

ки, 1945 йил 26 июнда Сан-Францискода имзоланган БМТ Низоми¹ инсон ҳуқуқларига умумий ҳурмат асосида тузилган мақсадларни ўз ичига олган биринчи халқаро шартнома ҳисобланади. Унда келажакда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун фалсафий ва ҳуқуқий пойдевор яратилган.

Жорий йилда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги кўплаб халқаро ва минтақавий ҳужжатларнинг юбилей саналари ҳам байрам қилинмоқда. Хусусан, инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи мажбурий юридик шартнома – Иркий камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қабул қилинганининг 60 йиллиги, ЕХХТнинг Хельсинки Якунловчи ҳужжати қабул қилинганининг 50 йиллиги, МДХнинг Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги, шунингдек, замонавий ижтимоий ва сиёсий ҳаётимизнинг гендер мезонларига асос солган Аёлларга оид Пекин платформаси ва Ҳаракатлар дастурининг 30 йиллиги нишонланмоқда. Ушбу ҳужжатлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг замонавий халқаро тизимининг таянч устунларидир.

Мазкур халқаро ҳужжатларнинг барчасида **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси**² тилга олингани бежиз эмас, яъни бу айни халқаро ҳужжатнинг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишдаги аҳамияти бебаҳо эканидан далолатдир. Ушбу тарихий ҳужжатда мустақамланган глобал консенсус **“барча халқлар ва миллатлар учун эришиш керак бўлган умумий стандарт”** ҳисобланади. 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш кун тартибида у бевосита Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига асослангани ва инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқарадиган тарзда амалга оширилиши кераклиги қайд этилган. Инсон ҳуқуқларининг ҳар бир Барқарор ривожланиш мақсади ва тегишли вазифаларга боғлиқлигини таҳлил қилганда, ўзаро алоқадорлик яққол намоён бўлади: 169 та вазифанинг аксарияти (92 фоизи) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро стандартлар билан боғлиқ.

Декларациянинг қабул қилиниши халқаро ҳамкорликда бутун бир йўналишни ривожлантириш, халқаро ҳуқуқнинг мустақил тармоғини шакллантириш учун бошланғич нукта бўлди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига эътиборни

жалб қилиш мақсадида 1950 йилда БМТ Бош Ассамблеяси қарор қабул қилиб, **10 декабрни Халқаро инсон ҳуқуқлари куни, деб эълон қилди.**

2025 йилги халқаро куннинг мавзуси **“Инсон ҳуқуқлари – кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми”** шиоридир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида мамлакатимизда ҳар йили 1 – 10 декабрь кунлари **“Инсон ҳуқуқлари”** ўн кунлиги нишонланади³. Барча умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига бағишланган умуммиллий дарс ўтказилади.

Мамлакатимизда 2020 йилдан бошлаб 10 декабрь – Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида **“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони** фукаролик жамияти институтлари ва давлат органларининг фаол вакилларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги хизматлари учун рағбатлантириш мақсадида топширилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси дунёдаги энг кўп таржима қилинган ҳужжат ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу ҳужжат дунёнинг **575 тилига** таржима қилинган. Мазкур декларация мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси билан ўзбек ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган, бир неча бор нашр этилган ҳамда тарқатилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг яратилиш тарихи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси XX аср тарихидаги энг фожиали давр – Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг, БМТ ва халқаро ҳуқуққа асосланган янги дунё тартиботи шаклланиши арафасида ишлаб чиқилди. Шубҳасиз, бу жараён ўша пайтда қизгин баҳс-мунозараларсиз ўтмаган. Натижада дунё инсон ҳуқуқларининг универсаллиги, ўзаро боғлиқлиги ва бўлинмаслигини тан олди. Бу шуни англатадики, ҳуқуқлар орасида бири иккинчисидан устун турадиган иерархия йўқ ва маданий ҳамда географик истиснолар мавжуд эмас. Барча инсонлар, қаерда яшамасин, ушбу ҳуқуқларга эга ва уларни ҳимоя қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

БМТ Бош Ассамблеяси 1946 йил январдаги биринчи сессиясида Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билл-

¹ Қаранг: United Nations Charter // <https://www.un.org/en/about-us/un-charter>.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Тошкент: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023. – 32 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/docs/4872355>.

ни шакллантириш бўйича иш олиб боришни сўраб мурожаат қилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия сайёрамизнинг барча минтақаларини ифодаловчи турли сиёсий, маданий ва диний қатламларга мансуб 18 аъзодан ташкил топган эди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг биринчи йиғилиши 1947 йилда Лейк-Саксес шаҳарчасида бўлиб ўтди ва унда **Элеонора Рузвельт Комиссия раиси** этиб сайланди. Комиссия олдида жаҳон сиёсатида ҳали номаълум бўлган ҳужжатни яратишдек ғоят мураккаб вазифа турарди.

Ҳужжатнинг дастлабки лойиҳаси барча амалдаги конституциялар ва инсон ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқий нормаларни таҳлил қилиш асосида тайёрланган. Шунингдек, унга Англиянинг Буюк эркинликлар хартияси, АҚШнинг Мустақиллик декларацияси ва Ҳуқуқлар тўғрисидаги билли ҳамда Франциянинг Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси асос қилиб олинган. Бир неча босқичли йиғилишлардан сўнг, Комиссия БМТ Бош Ассамблеяси ҳамда Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига (ЭКОСОС) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг якуний лойиҳасини тақдим этди.

Декларация лойиҳаси йўлининг нақадар мураккаб бўлганини кўрсатувчи яна бир мисол шуки, БМТ Бош Ассамблеяси якуний консенсусга эришиш ва декларацияни қабул қилиш учун 8 та машаққатли ялпи мажлис ўтказишга мажбур бўлди. Декларация матнини Ассамблеянинг ялпи мажлисига олиб чиқишдан олдин муҳокама қилган Бош Ассамблеянинг учинчи қўмитаси 81 та мажлис ўтказиб, матнга турли хил тузатишлар ва қўшимчаларни ўз ичига олган 168 та резолюцияни кўриб чиқди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг якуний таҳрири 48 та давлат томонидан қўллаб-қувватланди (ўша пайтда БМТга 58 та давлат аъзо эди), 8 та давлат бетараф қолди ва бирорта давлат қарши чиқмади. Бу воқеа **1948 йил 10 декабрда Париждаги Пале де Шайо саройида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 183-ялпи мажлисида юз берди.**

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ноёб халқаро ҳужжат бўлиб, уни **“Бутун инсоният учун эркинликлар хартияси”** деб аташади. Бошқа ҳеч қайси халқаро ҳужжат бундай юксак баҳога сазовор бўлмаган. Бундай бемисл умумий эътирофнинг сабабини инсон ҳуқуқларининг замонавий тушунчаси ихчам ва тушунарли тарзда баён этилган декларация мазмунидан излаш керак, албатта. Бу инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ мустаҳкамлаган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Давлатларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига риоя қилиши муҳимлиги 1993 йилда 170 дан ортиқ давлат вакиллари иштирокидаги Бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурида** яна бир бор тасдиқланди. Мазкур Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференцияси нафақат инсон ҳуқуқлари барча тоифаларининг ажралмас, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи хусусиятини мустаҳкамлади ҳамда бу соҳада халқаро ҳуқуқ назарияси ривожланишининг янги босқичини қайд этди, балки дунёнинг барча минтақаларидаги давлатларнинг позицияларини ҳам бирлаштирди. Бугунги кунда мавжуд бўлган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи кўплаб универсал тузилмалар айнан Вена конференцияси туфайли юзага келган. Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид деярли ҳар бир қарорида келтирилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг тузилиши

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бутун дунёда эътироф этилган бўлиб, инсон ҳуқуқларининг универсал стандартлари тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Таъкидлаш жоизки, декларация резолюция шаклида қабул қилинган ва тавсия хусусиятига эга ҳужжат бўлса-да, унда эълон қилинган асосий ҳуқуқ ва эркинликларни давлатларнинг мутлақ кўпчилиги юридик мажбуриятлар сифатида тан олган.

Умумжаҳон декларациясини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг универсал рўйхати, деса ҳам бўлади. Декларацияга кўра, инсон ҳуқуқлари табиий, ажралмас ва муқаддас деб эълон қилинди. Бунда “муқаддас” атамаси эълон қилинган ҳуқуқларнинг энг юқори аҳамиятини таъкидлаш учун қўлланилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг халқаро-ҳуқуқий аҳамияти нимада ва у нима учун бугунги кунда ҳам эътибор марказида турибди?

Биринчидан, декларация давлатлар шахсининг ҳуқуқий мақомини белгилашга, ҳар бир инсонга тегишли бўлган ва давлатлар ҳурмат қилиши ҳамда таъминлаши лозим бўлган ҳуқуқлар рўйхатини тузишга жазм этган илк халқаро ҳужжат эди.

Иккинчидан, умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари соҳасида ягона тартиб ўрнатиш асосларини яратди. Декларация муқаддимасида шундай таъкидланган: “Мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг характерини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятлар-

нинг тўлиқ адо этилиши учун катта аҳамиятга эга”. Кейинчалик декларация қоидалари инсон ҳуқуқларига оид кўплаб шартномаларда кенгайтирилди ва аниқлаштирилиб, улар инсон ҳуқуқлари бўйича мингдан ортиқ халқаро шартнома, декларация ҳамда минтақавий конвенцияларга асос бўлди.

Учинчидан, декларация миллий қонунчилик учун йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилди. У нафақат кўплаб давлатларнинг конституциялари, балки кенг маънода миллий қонунчиликнинг асосини ҳам ташкил этди. Бундан ташқари, бир қатор давлатларда декларация қоидалари бевосита юридик кучга эга бўлиб, миллий судлар қўллашга ҳақли бўлган ҳуқуқий норма сифатида амал қилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси муқаддима ва 30 та моддадан иборат. 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида қайд этилган асосий ҳуқуқ ва эркинликларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга инсон шахсининг ажралмас ҳуқуқлари ва эркинликлари киритилади. Уларнинг асосида: “Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”, – деган қоида ётади (1-модда). Бу ҳуқуқларга, хусусан, яшаш ҳуқуқи, эркинлик, шахсий дахлсизлик (3-модда), қул бўлмаслик (4-модда), қийноқлар ёки шафқатсиз, ғайриинсоний муомала ёки жазонинг ман этилиши (5-модда), барчанинг қонун олдида тенглиги (7-модда), шунингдек, одил судловни амалга оширишнинг процессуал қарорларига тааллуқли бир қатор ҳуқуқлар (8, 9, 10, 11-моддалар), шахсий ва оилавий ҳаётга ўзбошимчалик билан аралаштиришдан ҳамда шаъни ва обрўсига тажовуз қилинишидан ҳимояланиш, уй-жой дахлсизлиги, ёзишмаларни сир сақлаш ҳуқуқи (12-модда) қиради.

Иккинчи гуруҳдаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини декларацияда акс этган фуқаролик ҳуқуқлари ташкил этади. Бу ҳуқуқлар давлат томонидан муайян ҳуқуқлар билан таъминланган фуқаро сифатидаги инсон шахсига хосдир. Декларацияда инсоннинг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинган ҳуқуқи (6-модда), эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи (13-модда), бошпана сўраш ҳуқуқи (14-модда), фуқароликка эга бўлиш ҳуқуқи (15-модда), никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқи (16-модда), мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи (17-модда) каби ҳуқуқ ва эркинликлар эълон қилинган.

Учинчи гуруҳга мансуб ҳуқуқлар деклара-

циядаги сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан иборат. Буларга фикр, виждон ва дин эркинлиги (18-модда), эътиқод эркинлиги ва уни ифода этиш (19-модда), тинч йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш эркинлиги (20-модда), ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, шу жумладан давлат хизматида ишлашда тенглик ҳуқуқи (21-модда) қиради.

Тўртинчи гуруҳни декларацияда мустақкамланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар (22 – 28-моддалар) ташкил этади. Бу ўринда, хусусан, меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқи, тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш, касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи, дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш ҳуқуқи, муносиб турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи назарда тутилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ҳар бир инсон жамият олдида мажбуриятларга эга бўлиши кераклиги тўғрисидаги қоидалари алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишда фақат қонунда белгиланган чекловларга амал қилади. Бу чекловлар бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда демократик жамиятда ахлоқ, жамоат тартиби ва умумий фаровонликнинг адолатли талабларини қондириш мақсадидагина ўрнатилиши мумкин (29-модда).

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси **Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билл** деб аталадиган ҳужжатлар мажмуасига мансубдир. Бу мажмуага 1966 йилдаги иккита халқаро пакт – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир иккита Факультатив протокол ҳам қиради.

Янги Ўзбекистон ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. 1991 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонунда илк бор Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тилга олинган.

Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя этиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Ҳозирги кунда мамлакатда декларация қоидаларига мувофиқ инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий

ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳуқуқий тизим шакллантирилган. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 90 дан ортиқ асосий халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 11 та асосий шартномасига қўшилган.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси⁴ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мужассам этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг деярли тўлиқ мажмуасини ўзида акс эттирди. Конституцияда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган инсон ҳуқуқларининг табиий хусусияти эътироф этилган. Асосий қонунда, жумладан, қуйидагилар кафолатланган: “Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади” (19-модда); “Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади” (20-модда); “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади” (25-модда); “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга” (27-модда).

Сўнгги йилларда БМТ билан ҳамкорлик мисли кўрилмаган даражага кўтарилди, 160 та қўшма дастур ва лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида Ташкилотнинг асосий тузилмалари ва институтлари, жумладан, БМТ-Ҳабитат ва ЮНИСЕФ раҳбарлари Ўзбекистонга ташриф буюрди, Тошкентда “БМТ-Аёллар” тузилмасининг ваколатхонаси очилди.

Ўзбекистон БМТ тузилмалари фаолиятида фаол иштирок этиб, 2021 – 2023 йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси бўлди. Мамлакатимиз 2024 йилда ЭКОСОС, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Маъмурий кенгашига аъзо сифатида киритилди, шунингдек, Ўзбекистон вакили илк бор Инсон ҳуқуқлари қўмитаси таркибига сайланди. Шу йили Ўзбекистон биринчи марта БМТнинг Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти кенгашига 2028 – 2029 йиллар учун аъзо бўлди. Мамлакатимиз Барқарор ривожланиш мақсадларининг Глобал индекси бўйича энг илғор бешта давлат қаторига кирди. БМТ тузилмалари билан ҳамкорликда Давлат хизмати масалалари бўйича форум ташкил этилди. 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси муваффақиятли ўтказилди.

Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ органлари доирасида 15 дан ортиқ резолюция қабул қилинди. Мисол учун, 2024-2025 йиллар давомида Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасида 3 та резолюция қабул қи-

линишига ҳаммуаллифлик қилди. Булар: “Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари” (2024 йил 10 октябрь); “Оилавий зўравонликни бартараф этиш” (2024 йил 11 октябрь); “Аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга эришиш бўйича ҳаракатларни жадаллаштириш” (2025 йил 7 июль) тўғрисидаги резолюциялардир.

Бундан ташқари, 2024 йил 10 июнь куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 56-сессиясида **Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга тўртинчи Факультатив протокол**ни ишлаб чиқишга чақирувчи 56/5-резолюция қабул қилинди. Ушбу протокол мактабгача таълим ҳуқуқи, бепул мактабгача таълим ва бепул бошланғич таълим масалаларига бағишланади. Резолюцияда 2022 йил 14-16 ноябрь кунлари Тошкентда ўтказилган **Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича жаҳон конференциясида қабул қилинган Тошкент декларацияси** эътироф этилган. Бинобарин, ушбу декларацияда барча болаларни давлат томонидан кафолатланган камида бир йиллик бепул мактабгача таълим билан таъминлаш таклифи илгари сурилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида БМТ **“Инсон ҳуқуқлари – 75”** ташаббусини ишга туширди. Ушбу ташаббус доирасида БМТга аъзо 150 та давлат, фуқаролик жамияти институтлари, ишбилармон доиралар ва халқаро ташкилотлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича 286 дан ортиқ ихтиёрий мажбуриятни ўз зиммасига олди. Ўзбекистон “Инсон ҳуқуқлари – 75” ташаббусини амалга ошириш, хусусан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим, инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолияти бўйича миллий ҳаракатлар режасини қабул қилиш ва амалга ошириш, шунингдек, ёшлар ва аёллар ҳуқуқлари соҳасида мажбуриятларни адо этишга бел боғлади.

Янги Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий тузилмаларда фаол иштирок этмоқда. МДХнинг янги ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси раиси 2025 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 51-сессиясида Ўзбекистон вакили ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг 2025 – 2028 йилларга мўлжалланган таркибига сайланди.

Маълумки, Вена декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаракатлар дастури ҳар бир давлатга ин-

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

сон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракатлар режаларини қабул қилишни тавсия этган. Бугунги кунда дунёнинг 80 та мамлакатада инсон ҳуқуқлари соҳасида 150 дан ортиқ миллий режа (стратегия) қабул қилинган. Улар турли даражаларда: президентлар, парламентлар ва ҳукуматлар томонидан тасдиқланган. Ҳаракатлар даври қисқа муддатли, ўрта муддатли ёки узоқ муддатли истиқболларга бўлинади.

Мамлакатимизда 2020 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси бу соҳадаги илк ҳужжат ҳисобланади. Миллий стратегияда белгиланган вазифаларни бажариш доирасида болалар, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди. Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний асослари яратилди, мажбурий ва болалар меҳнати барҳам топди. Бу Миллий стратегия ислохотларни тизимлаштириш ва халқаро мажбуриятларни, жумладан Барқарор ривожланиш мақсадларини, айниқса, 16-мақсад – тинчлик, адолат ва самарали институтларни амалга оширишга қаратилган муҳим қадам бўлди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва унинг махсус тартиб-таомиллари билан фаол ҳамкорлик давом этмоқда. Ўзбекистон БМТнинг турли органлари тавсиялари асосида етти та миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Булар БМТ Хавфсизлик кенгашининг Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисидаги 1325-сонли резолюциясини амалга ошириш, аёлларга нисбатан камситишларга қарши курашиш, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар тавсияларини амалга ошириш, терроризмга қарши курашиш ва бола ҳуқуқлари бўйича режалардир. БМТнинг етарли уй-жой масаласи бўйича махсус маърузачиси Б. Раджагопалнинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича тавсияларини амалга ошириш учун “Йўл харитаси” лойиҳаси ҳам тайёрланди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури ва Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини амалга ошириш доирасида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, таълим жараёнининг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курсларини жорий этиш бўйича кенг қамровли

чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб инсон ҳуқуқлари мавзусида ўқув семинарлари ўтказилди. Уларда 3 минг нафарга яқин ҳуқуқ-тартибот органлари вакили – терговчилар, прокурорлар, судьялар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўқув салоҳиятини ошириш мақсадида Миллий марказ Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги академияси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти, Ўзбекистон Нотариал палатаси билан ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзолади.

Янада муҳими, “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” Давлат дастури⁵ доирасида **2030 йилгача мўлжалланган янги Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилди**. Миллий стратегия лойиҳасини тайёрлашда илғор халқаро тажриба, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари, шунингдек, ўтган даврда шакллانган миллий амалиёт иноватга олинди. Бундан ташқари, ҳужжатда Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини кўриб чиқиш доирасида БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича органлари томонидан берилган тавсиялар ҳам ўз аксини топди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича янги Миллий стратегияда таклиф этилаётган вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини қўллаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини самарали рўёбга чиқариш, шунингдек, инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашни кўзда тутди.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган 30 йилдан зиёд давр мобайнида ёш мустақил давлатдан жаҳон ҳамжамиятининг фаол ва ишончли шеригига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик мамлакат институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, барқарор тараққиётга қатъий интилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий сиёсатни замонaviйлаштириш ва минтақавий мулоқотни мустаҳкамлаш борасида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “«Ўзбекистон – 2030» стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги фармони // <https://www.lex.uz/docs/7369703>.

КИССАВУРЛИК ЖИНОЯТИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.129



Аловуддин ФАХРИДДИНОВ,
Ички ишлар вазирлиги
академияси мустақил
тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада кассавурлик жиноятининг олдини олиш, уни фош этиш ва мазкур турдаги жиноятчиликка қарши курашиш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Япония ва Германия давлатлари тажрибаси таҳлил қилинган. Муаллиф ушбу давлатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ижобий жиҳатларни Ўзбекистонда ҳам татбиқ этиб, кассавурлик жиноятига барҳам беришда самарали натижага эришиш мумкинлигини таъкидлаган.

Калит сўзлар: кассавурлик, жиноят, тезкор-қидирув фаолияти, кассавурликни фош этиш, жиноий жавобгарлик, профилактик чора-тадбирлар.

Abstract. The article analyzes the experience of the USA, Great Britain, Japan, and Germany in preventing, solving, and combating the crime of pickpocketing. The author suggests that effective results in eradicating pickpocketing in Uzbekistan can be achieved by implementing the positive aspects of the legislation and law enforcement practices of these countries.

Key words: pickpocketing, crime, operational-search activity, solving pickpocketing, criminal liability, preventive measures.

Аннотация. В статье анализируется опыт США, Великобритании, Японии и Германии в области предупреждения, раскрытия и борьбы с преступлением карманной кражи. Автор отмечает, что внедрение положительных аспектов законодательства и правоприменительной практики этих государств в Узбекистане может привести к достижению эффективных результатов в искоренении карманных краж.

Ключевые слова: карманная кража, преступление, оперативно-розыскная деятельность, раскрытие карманной кражи, уголовная ответственность, профилактические меры.

Киссавурлик жиноятлари бирон бир ҳудуд билан чекланиб қолмаган, чегара билмас жиноят ҳисобланади ва барча давлатлар учун маълум бир ижтимоий муаммони келтириб чиқаради. Давлатларнинг сиёсий тузуми ва қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда кассавурлик жиноятларига қарши курашишда турли хил ёндашувлар мавжуд.

Европа давлатларида ва АҚШда электрон пул ўтказиш тизимлари анча ривожланган бўлишига

қарамасдан, кассавурлик билан боғлиқ жиноятлар ҳамон долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Франциянинг Париж шаҳри Европа шаҳарлари ичида ўғриликлар сони бўйича 7-ўринда туради ҳамда ҳар йили ўрта ҳисобда 6 мингта ўғрилик қайд этилади, сайёҳларнинг ҳар 6 862 нафаридан бири ўғриликка дуч келади. Ницца шаҳри ўғриликлар сони бўйича 6-ўринда туради ва 100 минг аҳоли сонига йилига 1 200 та ўғрилик тўғри келади¹.

¹ Қаранг: В этих европейских городах стоит быть осторожнее // <https://www.iscr-gmbh.de/de/novosti/drugie-novosti/703-v-etikh-evropejskikh-gorodakh-stoit-byt-ostorozhnee>.

2017 йилда Парижда румин миллатига мансуб киссавурлар оиласи юзасидан суд жараёни бўлиб ўтган. Ушбу воқеа француз матбуоти томонидан кенг ёритилган. Жабрланувчиларга етказилган моддий зарар миқдори миллион евродан ошган. Жиноий гуруҳда етти нафар аёл ва беш нафар эркак бўлиб, улар жиноятга вояга етмаган болаларни ҳам жалб этишган. Жиноятчилардан заргарлик буюмлари, сумкалар, уяли алоқа воситалари, нақд пуллар олинган.

“Le Figaro” газетасида кўрсатилишича, жиноий гуруҳ оила шаклида фаолият юритиб, 2014 – 2016 йилларда ўз жиноятларини содир этган. Жиноий маҳкамага тортилган вояга етмаганлар ичида 12 – 17 яшар болалар бўлиб, уларнинг ичида муқаддам 48 маротаба киссавурлик содир этишда гумон қилиниб ушланган қиз ҳам бор.

Жиноий гуруҳда жиноий йўл билан топилган пулларни Руминияга жўнатувчи, Францияда ўлжани легаллаштириш билан шуғулланувчи маҳаллий шахслар ҳам бўлган.

“Le Parisien” газетасида ёзилишича, вояга етмаган киссавурлар куннинг иккинчи ярмидан токи кеч киргунга қадар уч ёки тўрт нафар бўлиб фаолият юритишган. Уларнинг бири жиноят қурбонини чалғитса, иккинчиси ўғрилиқ қилган, учинчиси эса қўлга киритилган ашё билан яширинган².

2015 йилда Париждаги машҳур Эйфел минораси хизматчилари иш ташлашган. Бунга иш ҳақини ошириш эмас, балки минора ҳудудида киссавурликлар сони ошиб кетгани сабаб бўлган. Хизматчилар тартибот идораларидан хавфсизлик чораларини оширишни талаб қилишган.

Ундан сал олдин машҳур Лувр музейида ҳам ушбу сабаб билан хизматчиларнинг иш ташлаши содир бўлган³.

2019 йилнинг январь ойида Бишкек шаҳрининг йўналишли таксиларида (микроавтобусларда) 500 дан ортиқ киссавурлик ҳолатлари қайд этилган. Жиноят қурбонларининг 172 нафари эркак, 310 нафари аёл ва 23 нафарини вояга етмаганлар ташкил этган. 2018 йилда 1 200 та киссавурлик жинояти қайд этилган. Бунга қарши курашиш

мақсадида Бишкек шаҳар ички ишлар бошқармаси томонидан махсус бўлим тузилган⁴.

Ўзбекистон ўз туризм салоҳиятини ошириш мақсадида амалга оширган ижобий чора-тадбирлардан бири – бу айрим хорижий давлатлар фуқароларининг мамлакатимизда маълум бир муддат бўлиши учун кириш визаси талаб этилмаслиги тартиби жорий этилганидир. Бу мамлакатнинг туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Аммо, афсуски, хорижий давлатларнинг баъзи жиноий шахс ва гуруҳлари бу имкониятдан фойдаланиб, мамлакатимизга сайёҳ тариқасида келиб, жиноят содир этаётганлари ҳам кузатилмоқда.

Масалан, 2021-2022 йилларда юртимизда чет эл фуқаролари томонидан киссавурлик жиноятлари содир этилгани қайд қилинмаган бўлса, 2023 ва 2024 йилларда 2 тадан, жами 4 та киссавурлик хорижликлар томонидан содир этилган. 2025 йилнинг март ойида Бухоро вилоятида 4 нафар Тожикистон ва 1 нафар Ўзбекистон фуқаросидан ташкил топган гуруҳ қўлга олинган. Улар томонидан Тошкент ва Самарқанд вилоятларида жиноят содир этилгани аниқланган.

2021-2022 йилларда савдо марказлари ва бозорларда чет эл фуқаролари томонидан содир этилган 2 та ўғрилиқ содир этилгани қайд этилган бўлса, 2023 ва 2024 йилларда 9 тадан, жами 18 та ўғрилиқ улар томонидан содир этилган.

Ҳуқуқий томондан киссавурликни квалификация қилишда давлатларнинг ўз ёндашуви бор. Ўзбекистон ва Россия Жиноят кодексларида⁵ киссавурлик ўғрилиқ моддасининг тегишли банди билан алоҳида квалификация қилинган бўлса, мисол учун Қозоғистон, Беларусь, Сингапур ва Германия жиноий қонунчилигида алоҳида банд билан квалификация қилинмаган.

Хорижий давлатларнинг киссавурлик жиноятини фош этишга доир қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб мамлакатлар давлат сири ҳисобланган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва унинг натижаларини ошкор этиш йўлидан бормоқда.

Тезкор-қидирув тадбирларининг натижаларини ошкор этиш ҳуқуқшунослар ва соҳа мутахас-

² Под Парижем начался суд над семьей румынских карманников // <https://www.rfi.fr/ru/frantsiya/20170829-v-parizhskom-okruge-nachalsya-sud-nad-semei-rumynskikh-karmannikov>.

³ Эйфелеву башню закрыли из-за карманников // <https://ru.euronews.com/2015/05/22/paris-pickpocket-protest-forces-closure-of-eiffel-tower>.

⁴ Иванченко Е. В Бишкеке за месяц карманные воры обогатились на 7 млн сомов // <https://www.news-asia.ru/view/ks/ac/11977>.

⁵ Россия Жиноят кодексининг 158-моддаси 2-қисми “г” банди. Қаранг: Уголовный кодекс Российской Федерации // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/.

сислари учун тушунарли бўлса-да, уни ўтказиш шартлари, қайд этилган ва расмийлаштирилган ҳужжатларни ошкор этиш масалалари кенг жамоатчиликда турли фикр ҳамда қарашларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасига асосан тезкор-қидирув тадбирларини ташкиллаштириш ва уни ўтказиш тактикаси ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади⁶.

Тезкор-қидирув фаолиятига доир худди шундай талаблар Россия Федерациясининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги федерал қонунининг 12-моддаси⁷, Қозоғистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 12-моддаси⁸, Германиянинг Жиноят-процессуал кодекси⁹ ва жиноятчиликнинг айрим турларига қарши курашиш бўйича тегишли қонунлари¹⁰, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти давлатларининг тезкор ва бошқа маълумотлар асосида полиция фаолияти юзасидан қўлланмаси¹¹ ва бошқа юридик ҳужжатларда белгиланган.

Тергов ёки судда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланиш масаласини муҳокама қилар эканмиз, хориж тажрибасини ўрганиш, унинг ижобий томонларини Ўзбекистон қонунчилигида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнига татбиқ этишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, 2013 йилда Россиянинг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлари томонидан унинг натижаларини суриштирув, тергов ва судга тақдим этиш тартиби тўғрисида идоралараро йўриқнома

қабул қилинган ва ушбу норматив ҳужжат очик манбаларда мавжуд¹².

АҚШда ҳуқуқ тартибот органлари амалга оширадиган тезкор-қидирув тадбирлари тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган бўлиб, полиция органларига жиноятчиликка қарши курашиш учун кенг имкониятлар берган.

Масалан, 1968 йил 19 июнда АҚШ Конгресси кўча жиноятчилиги устидан назоратни ўрнатиш тўғрисида қонун қабул қилган (“Omnibus Crime Control and Safe Streets Act”). Ушбу қонунга кўра АҚШ полиция бўлинмаларига жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларга қарши далилларни излаш ва жиноятларнинг олдини олиш учун телефон сўзлашувларини тинглаш ҳуқуқи берилган. Тезкор-техник тадбирлар натижасида (шу жумладан телефон сўзлашувларини эшитиш орқали) жиноятчиларнинг мутлақ кўпчилиги, хусусан, юқори мартабага эга бўлган мансабдор шахслар ҳам жиноий жавобгарликка тортилган.

Мисол учун 2012 йил 16 февралда Иллинойс штатининг собиқ губернатори Род Блажевич 2008 йилда мазкур штатдан бўш бўлиб турган сенаторлик лавозимини 300 минг АҚШ долларига сотишга урингани учун 14 йил муддатга озодликдан махрум этилган. Собиқ губернатор телефон сўзлашувида бу ҳақида сўзлагани Федерал тергов бюроси томонидан ёзиб олинган ва асосли далил тариқасида суд томонидан эътироф этилган¹³.

АҚШнинг “Товламачилик ва коррупцион уюшмалар тўғрисида”ги қонуни¹⁴ уюшган жиноятчиликка қарши курашиш учун 1970 йил 15 октябрда қабул қилинган. Ушбу қонунда уюшган

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/ru/docs/2107763>.

⁷ Федеральный закон Российской Федерации «Об оперативно-розыскной деятельности» // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_7519/.

⁸ Закон Республики Казахстан «Об оперативно-розыскной деятельности» // https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z940004000_.

⁹ Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг “Штатдаги ношқора ходимларни жалб этиш” номли 1.3.2.10-моддаси. Қаранг: <https://publishup.uni-potsdam.de/files/sdrs02>.

¹⁰ Қаранг: Гамзина А. В. Оперативно-розыскное противодействие полиции преступности несовершеннолетних за рубежом (на примере Федеративной Республики Германия) // Вестник Сибирского юридического института МВД России, 2023 г., №2 // <https://cyberleninka.ru/article/n/operativno-rozysknoe-protivodeystvie-politsii-prestupnosti-nesovershennoletnih-za-rubezhom-na-primere-federativnoy-respubliki/viewer>.

¹¹ Қаранг: Руководство ОБСЕ по полицейской деятельности на основе оперативных данных и информации. – Вена, 2017 // <https://www.osce.org/ru/node/327476>.

¹² Қаранг: Приказ МВД России, Минобороны России, ФСБ России, ФСО России, ФТС России, СВР России, ФСИН России, ФСКН России, Следственного комитета Российской Федерации от 27 сентября 2013 года «Об утверждении инструкции о порядке представления результатов оперативно-розыскной деятельности органу дознания, следователю или в суд» // <https://base.garant.ru/70531824/53f89421bbdaf741eb2d1ecc4ddb4c33/>.

¹³ Қаранг: Быков А. В., Кикоть-Глуходедов Т. В. Конституционно-правовые основы проведения оперативно-розыскных мероприятий полицейскими органами США // Вестник Московского университета МВД России, 2013, № 6. – С.18 – 20.

¹⁴ Қаранг: The Racketeer influenced and Corrupt Organizations Act – RICO Act // <https://www.ojp.gov/ncjrs/virtual-library/abstracts/rico-racketeer-influenced-and-corrupt-organizations-act-statute>.

жиноятчилик, жиноий даромадларни легаллаштириш учун қаттиқ жавобгарлик белгиланган¹⁵. У жисмоний шахсларни эмас, балки юридик шахс сифатида фаолият юритиши мумкин бўлган ташкилотларни (шу жумладан хусусий, жамоат, давлат), шунингдек, уюшма ёки гуруҳ таркибида фаолият юритган уюшган жиноятчи шахсларни таъкиб қилиш мақсадида ишлаб чиқилган. Мазкур қонунда назарда тутилган жазолар бошқа ўхшаш жиноятларга қараганда анча қаттиқроқ бўлиб, бу тергов органларига жиноий уюшма раҳбарларига қарши ҳамкорлик ва гувоҳлик бериш эвазига жиноятчини унча оғир бўлмаган жиноятларда айбланишга қаратилган суд шартномаларини қўллаш имконини беради.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида иштирокчи давлатларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради¹⁶.

Ташкилотнинг Трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш департаменти томонидан **“Тезкор ва бошқа маълумотлар асосида полиция фаолияти бошқаруви тўғриси”да қўлланма** ишлаб чиқилиб, унда тезкор-қидирув ва полициянинг бошқа фаолияти давомида олинган маълумотлар билан ишлаш юзасидан иштирокчи давлатларнинг амалиёти ёритилган¹⁷.

Қўлланмада Тезкор-қидирув фаолияти ва бошқа йўллар орқали олинган маълумотлар билан ишлаш юзасидан амалий йўналишлар баён этилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ходимлар сонини кўпайтириш умуман олганда самарали ҳисобланса-да, улардан мақсадли фойдаланиш ундан кўпроқ самара беради. Ўзбошимчалик билан кўчаларда патруллик қилиш жиноятчилик даражасини камайтиришнинг самарали тактикаси ҳисобланмайди. Шу билан бирга тезкор ва бошқа маълумотларга асосланган мақсадли тактика жиноятчиликка чек қўйиш билан бир қаторда ходимларнинг вақтини ҳам тежайди.

Қўлланмада тезкор-қидирув тадбирларини олиб боришда инсон ҳуқуқларини таъминлашга

эътибор қаратилган. Унда тезкор маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, маълумотлар билан ишлаш ва улардан фойдаланиш нафақат шахсий ҳаёт дахлсизлиги, балки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланган. Қўлланмада тезкор маълумотлар билан ишлаш тегишли ваколатга эга бўлмаган шахслар қўлига тушмаслигини таъминлаш учун самарали чоралар кўриш кераклиги қайд этилган¹⁸.

Шунингдек, ушбу қўлланмада Буюк Британиянинг Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш бўйича миллий тузилмаси – Миллий разведка модели (MPM, аслиятда “National Intelligence Model”), яъни тезкор ва бошқа маълумотлар асосида полиция фаолиятини ташкил этишнинг намунавий дастури тўғрисида маълумот келтирилган. MPMнинг мақсади полициянинг тезкор-қидирув фаолиятида кучларни жамлаш ва ресурслардан фойдаланишда кўпроқ самарадорликка эришишдан иборат. Унда маълумотлар таҳлили аниқ кўрсатилган бўлиб, жиноятчиликка қарши курашишда ва унинг олдини олишда амалий ёндашув таклиф этилган. Бундан қутилган натижа – жамоат хавфсизлиги даражасининг ошиши, жиноятчилик сони камайиши ва криминоген вазиятни назорат қилиш. Миллий разведка модели фақатгина тор мутахассислар учун мўлжалланмаган. У ҳуқуқ-тартибот органларининг барча йўналишларини – жиноятчилик ва тезкор-қидирув, жамоат тартиби ва хавфсизлик масалаларини ўз ичига олган тезкор-қидирув фаолиятининг модели ҳисобланади.

Тезкор маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш бўлинмаларида ишни самарали олиб бориш учун тўртта асосий компонент мавжуд бўлиши керак. Булар: маълумотнинг ишончли манбалари, шахсий таркиб, махсус билимлар ва маълумот берувчи электрон дастурлар.

Маълумот манбаларига жиноят қурбонлари, гувоҳлар, маҳбуслар, махфийлик асосида қўмлашувчи шахслар, тезкор кузатув натижалари ва бошқалар киради. Шунингдек, қўлланмада шах-

¹⁵ Қаранг: Королева М. В., Мацкевич И. М. Проблемы борьбы с организованной преступностью: учебное пособие. – Москва: «Проспект», 2021. – 415 с.

¹⁶ Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Шимолий Америка, Европа ва Осиёнинг

57 иштирокчи давлатини бирлаштирган, хавфсизлик масалалари билан шугулланувчи дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот // <https://www.osce.org/about-us>.

¹⁷ Қаранг: Руководство ОБСЕ по полицейской деятельности на основе оперативных данных и информации. – Вена, 2017 // <https://www.osce.org/ru/node/327476>.

¹⁸ Ўша манба. – 27-28-б.

сий таркибга қўйилган талаблар, махсус билимларга эга бўлиш ва уларни қўллаш, маълумот берувчи электрон дастурлардан самарали фойдаланиш масалалари ҳам ёритилган¹⁹.

Маълумотларга қараганда, Буюк Британиянинг Эдинбург шаҳри Европа шаҳарлари ичида ўғриликлар сони бўйича 3-ўринда бўлиб, ҳар 450-сайёҳ киссавур ўғрилар билан тўқнаш келади. Лондон шаҳри ўғриликлар сони бўйича Европада 2-ўринда туради ва ҳар 367-сайёҳ киссавур ўғрилар билан тўқнашади. Ҳар йили 43 800 та киссавурлик қайд этилади²⁰.

Миллий разведка модели, шубҳасиз, Буюк Британия полиция бўлинмаларининг жамоат жойларида жиноят ўчоқларини аниқлаш ва у ерларга полиция бўлинмаларини жалб этиш, киссавурларни кузатиш ва қўлга олишда ўз самарасини бераётган тизим ҳисобланади.

Япония Жиноят кодексининг 235-моддасида ўғрилик, шу жумладан киссавурлик жинояти учун жазо белгиланган. Унда ўғрилик бошқа шахсга тегишли мулкни ноқонуний равишда қўлга киритиш ҳаракати деб кўрсатилган ва бунинг учун жиноий жазо чораси сифатида 10 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки 500 минг иена миқдоригача жаримага тортиш қайд этилган²¹.

2018 йилнинг июль ойида Япониянинг Миллий полиция бошқармаси мамлакатда 70 йил ичида энг паст жиноятчилик кўрсаткичи қайд этилганини маълум қилди. Нафақат статистикада, балки амалда ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берган. Хусусан, ўғрилик сони 76 % дан 69 % гача камайган. Бу, асосан, видео кузатув воситалари сонининг кескин кўпайиши, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ижобий ўзгаришлар билан боғлиқ. Илгари ўғрилик қурбонлари суғурта компенсацияси ёки етказилган зарарга тоvon пули олишлари учун полицияга жиноят тўғрисидаги ҳисоботни юборишлари талаб қилинган. Кўпчилик жиноят қурбони бўлганини оммага ошкор қилишни иста-

маслиги сабабли ушбу талабни бажаришни хоҳламаган. 2017 йилда бу талаб бекор қилинганидан сўнг полицияга мурожаатлар сони ошган. Мазкур ҳолат криминоген ҳолатни аниқ билиш, профилактик чораларини тўғри қўллаш ва жамоатчилик билан ҳамкорликда ўз самарасини берган. Натижада сўнгги беш йилда жиноятни фош этиш даражаси 30 % дан 35,7 % гача ўсиб, Япония бу кўрсаткич бўйича ривожланган Европа мамлакатлари билан тенглашган²².

Ўғрилик жинояти Германия Жиноят кодексининг 242-моддасида белгиланган. Ўғриликнинг ўта оғир тури 243-моддада, ўқотар қурол ёрдамида жиноий гуруҳ томонидан содир этилган ўғрилик 244-моддада қайд этилган²³.

Германияда киссавурликка қарши курашишда тезкор-қидирув тадбирлар билан уйғунликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари орқали профилактик чоралар ҳам кўрилади. Берлин метросининг киссавурликлар кўп содир этиладиган бекатларида аҳоли ўртасида буклетлар тарқатиш орқали тушунтириш ишлари олиб борилган. Шунингдек, жиноятлар кўп содир этиладиган ҳудудларда полиция патруллик хизмати ташкил этилган²⁴.

Германия махсус хизматларининг тезкор-тергов фаолиятининг ташкилий ва тактик асослари катта қизиқиш уйғотади. Шу билан бирга, **Германиянинг барча махсус хизматлари қуйидаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширади:**

- тартиб (режим) чоралари ва тезкор-қидирув фаолияти ўртасидаги яқин боғлиқлик, махсус хизматлар томонидан бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотларидан фаол фойдаланиш;
- Германияга келган чет эл фуқароларининг электрон тизимлар орқали кенг қамровли рўйхатини юритиш;
- Германияда вақтинча яшаётган сиёсий муҳожирлар ва чет элликлар ўртасида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш;
- Германия махсус хизматларининг собиқ ходимларини тезкор-қидирув фаолиятига кенг жалб этиш (“эркин ходимлар” институти);

¹⁹ Ўша манба. – 71-72-б.

²⁰ Қаранг: В этих европейских городах стоит быть осторожнее // <https://www.iscr-gmbh.de/de/novosti/drugie-novosti/703-v-etikh-evropejskikh-gorodakh-stoit-byt-ostorozhnee>.

²¹ Қаранг: Computer Crime Act (Japan Penal Code) / translated by Takato Natsui // http://www.isc.meiji.ac.jp/~sumwel_h/Codes/comp-crim.htm.

²² Қаранг: Квашиш В. Е. Преступность в современной Японии: особенности и тенденции // Научный портал МВД России, 2020, № 4 (52).

²³ Қаранг: Головенков П. В. Уголовное уложение Федеративной Республики Германия / Научно-практический комментарий и перевод текста закона // https://www.uni-potsdam.de/fileadmin/projects/ls-hellmann/Forschungsstelle_Russisches_Recht/Neuaufgabe_der_kommentierten_StGB-%C3%9Cbersetzung_von_Pavel_Golovenkov.pdf.

²⁴ Қаранг: Как Берлин борется с карманниками // <https://www.dw.com/ru/video-37758694>.

– тезкор-кидирув ходимларига, шунингдек, уларга кўмаклашувчи шахсларга қўйилган юқори махфийлик талаблари;

– махфийлик асосида кўмаклашувчи шахс тақдим этган маълумотларнинг қимматига қараб пул тўлаш шаклидан кенг фойдаланиш²⁵.

Германияда Жиноий полиция федерал бошқармаси томонидан тезкор-кидирув тадбирлари олиб борилади. Бошқарманинг ваколатига тезкор маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, Германия ерлари (вилоятлари) полицияси барча бўлинмаларининг (маъмурий-худудий субъектлар) фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш киради.

Жиноят ишларини мустақил тергов қилиш ва тезкор-кидирув тадбирларини олиб бориш учун Жиноий полиция федерал бошқармасида агентура аппарати ва зарур тезкор-техник воситалар, шунингдек, мустақил тезкор кузатув хизмати мавжуд.

Бошқарма таркибида илғор технологияларни жорий этиш бўйича кенг қўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб боровчи тезкор-техник бўлим муҳим ўрин тутди²⁶.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШ, Буюк Британия, Япония ва Германия қонунчилигини таҳлил қилиб, уларда кассавурлик жиноятини фош этишга доир бир қатор умумий ва фарқли жиҳатлар борлигини аниқлаш мумкин. Жазо тариқасида озодликдан маҳрум қилиш, турли хил жарималар, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ҳам белгиланган.

Ўзбекистон қонунчилигига ўхшаб, барча таъриф берилган мамлакатлар қонунчилигида ҳам кассавурлик учун жазо тайинлаш жиноятнинг оғирлик даражаси, етказилган зарар миқдори ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги каби омилларга боғлиқ. Ушбу мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг кассавурлик жиноятига қарши курашиш чора-тадбирларидаги ўзига хос жиҳатлар сифатида:

- жамоатчиликни хабардор қилиш ва жиноятни фош этишда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш;
- АҚШда уюшган жиноятчиликка қарши курашишга оид қонунлардан тезкор-кидирув фаолиятида кенг фойдаланиш;
- Японияда жиноятни фош этишда жамоатчилик билан фаол ҳамкорлик қилиш;
- сайёҳ ўғриларнинг криминоген вазиятга салбий таъсирини эътиборга олиш;
- Германияда полицияга кўмаклашувчи аҳоли вакиллари ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, кассавурликнинг самарали олдини олиш кўп қиррали ёндашувни талаб этади. Бунинг учун жиноятга аниқ ҳуқуқий таъриф берилиши, жазонинг адолатли ва муқаррар бўлиши, маҳаллий шароит ва муҳитга мос чора-тадбирларни амалда қўллаш ҳамда аҳолини профилактик тадбирларга фаол жалб этиш талаб қилинади.

²⁵ Қаранг: Дедоров Н. Д. Сравнительный анализ проведения оперативно-розыскной деятельности на территории Российской Федерации и Германии // «Молодой ученый», 2022, № 25 (420). – С. 87 – 90. // <https://moluch.ru/archive/420/93523/>.

²⁶ Қаранг: Гамзина А. В. Оперативно-розыскное противодействие полиции преступности несовершеннолетних за рубежом (на примере Федеративной Республики Германия) // Вестник Сибирского юридического института МВД России, 2023 г., №2 // <https://cyberleninka.ru/article/n/operativno-rozysknoe-protivodeystvie-politsii-prestupnosti-nesovershennoletnih-za-rubezhom-na-primere-federativnoy-respubliki/viewer>.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.130



Бунёджон ЭШОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни
муҳофаза қилиш академияси
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари миллий қонунчилик ҳамда хорижий тажриба асосида қиёсий таҳлил қилинган. Таҳлил асосида муаллиф ногиронлиги бўлган шахсларни дастлабки синов белгиланмайдиган ходимлар тоифасига киритиш ва бунини Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгилаш бўйича таклиф билдирган.

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган шахс, иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги, иш вақтидан ташқари меҳнат, тунги иш, дам олиш кунлари, ишланмайдиган байрам кунлари, иш ҳақи сақланмаган таътил.

Abstract. The article provides a comparative analysis of the legal regulation specifics of labor for persons with disabilities, based on national legislation and foreign experience. Based on the analysis, the author proposes to include persons with disabilities in the category of employees who are not subject to a preliminary probationary period, and to enshrine this provision in the Labor Code of the Republic of Uzbekistan.

Key words: person with disability, reduced duration of working time, overtime work, night work, rest days, non-working public holidays, leave without pay.

Аннотация. В статье проведен сравнительный анализ особенностей правового регулирования труда лиц с инвалидностью на основе национального законодательства, а также зарубежного опыта. На основе анализа автор предлагает включить лиц с инвалидностью в категорию работников, которым не устанавливается предварительный испытательный срок, и закрепить это положение в Трудовом кодексе Республики Узбекистан.

Ключевые слова: лицо с инвалидностью, сокращенная продолжительность рабочего времени, сверхурочная работа, ночная работа, дни отдыха, нерабочие праздничные дни, отпуск без сохранения заработной платы.

Бугун давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида янгилашлар ва ислохотлар амалга оширилмоқда. Маъмурий, солиқ, суд-ҳуқуқ, аграр, пул-кредит, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминотга оид ислохотлар мамлакатда кўплаб яқин, ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган давлат дастурлари, концепциялари, йўл хариталарининг қабул қилинишига олиб келди. Ушбу ислохотлардан кўзланган пировард мақсад эса

таракқиёт ва фаровонликка эришишдир. Бу эса ижтимоий ислохотларга лозим даражада урғу бермасдан амалга оширилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Мамлакатимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ. Ногиронли-

ги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, албатта, устувор вазифамиз бўлиб қолади”¹.

Таъкидлаш лозимки, ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида алоҳида боб ёки параграфда берилмаган. Мазкур кодексга берилган шарҳларда аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган гуруҳи сифатида ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари белгиланмаганлиги қонунчиликнинг камчилиги сифатида эътироф этилган. Ногиронларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун имконият яратишнинг ҳуқуқий воситалари:

биринчидан, ногиронлиги бўлган шахслар ишлаши мумкин бўлган меҳнат фаолияти шакллари ташкил этиш (масалан, касаначилик, масофавий меҳнат);

иккинчидан, ногиронлиги бўлган ходимларнинг меҳнат фаолиятини зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган чораларни қабул қилишда намоён бўлади.

Демократик давлатларда ногиронлиги бўлган шахслар учун меҳнат муносабатларида ижтимоий ҳимоя – бу жамиятнинг ажралмас ягона бир қисми сифатида уларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини таъминлаш, иш фаолиятида барқарорлик ва тенг имкониятлар яратиш каби муҳим йўналишларни ўз ичига олади. Бу орқали ижтимоий адолатни таъминлаш ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат фаолиятида камситилишига қарши курашиш мақсад қилинади.

Россиялик тадқиқотчи И. В. Шестерякованинг таъкидлашича, ногиронларнинг меҳнат ҳуқуқларини тартибга солиш масаласи жуда долзарб аҳамиятга эга. Ногиронлик турли сабаблар натижасида юзага келиши мумкин ва ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари барча ишчиларга, яъни ишлаб чиқариш қобилияти камайган шахсларга нисбатан қўлланилади. Бу масаланинг аҳамияти шундаки, Россия Федерациясининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг

VII бобида алоҳида “Ногиронларни ишга жойлаштиришга ёрдам бериш” мавзуси кўрсатилган. Шунингдек, ушбу қонуннинг 2-моддасида иш топишда қийинчиликка дуч келаётган фуқаролар орасидан аввал ногиронлар қайд этилган. Қонуннинг ўзида ногиронлар 107 марта тилга олинган. Россия давлат статистика қўмитасининг 2024 йил 26 апрелдаги маълумотларига кўра, Россияда 11 миллион ногирон бор, улардан 4 миллиондан ортиғи ишлаб чиқаришга ёрдами етмаган ёшдаги ногиронлардир, лекин уларнинг фақат 1 миллиондан озроғи ишлайди. Ногиронлар ўртасида ишсизлик даражаси ҳар доим бошқа аҳоли гуруҳларига нисбатан юқориқдир².

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида аввалгисидан фаркли равишда йигирма бешинчи бобнинг кичик учинчи параграфи ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари деб номланиб, ушбу бобда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар, ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан уларга соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма бўлган ишларда фойдаланишни тақиқлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг мажбурий тиббий кўриклари, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги, ногиронлиги бўлган ходимларни хизмат сафарига юборишнинг, иш вақтидан ташқари ишларга, тунги ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар учун йиллик меҳнат таътили, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимнинг иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олиш ҳуқуқи, иш вақтининг қисқартирилган давомийлигида I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш каби қоидалар белгиланган³.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 129-моддасида қайд этилишича, дастлабки синов белгиланмайдиган ходимлар доирасида “захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

² Қаранг: Шестерякова И. В. Правовое регулирование трудовых отношений инвалидов в странах БРИКС // “Частное право. IUS PRIVATUM”, Том 77, № 11, 2024. – С. 51 – 62.

³ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // <https://lex.uz/docs/6257288#6266707>.

жойлаштириш учун юборилган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахслар” мавжуд. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳам мазкур ходимлар тоифасига кирса-да, минимал иш жойлари ҳисобига ташкил қилинмаган иш жойларига қабул қилинаётган ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан дастлабки синовни қўллаш мумкинлигини билдиради. **Ногиронлиги бўлган шахсларга дастлабки синов белгилаш имконини барта-раф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 129-моддасининг учинчи қисми, учинчи хатбошиси сифатида “ногиронлиги бўлган шахслар”ни дастлабки синов белгиланмайдиган ходимларнинг айрим тоифаси сифатида эътироф этиш лозим.** Бу борада хорижий тажрибага қарасак, бундай амалиёт Беларусь Республикасининг Меҳнат кодекси 28-моддасида, шунингдек, Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 28-моддасида мавжудлигини кўришимиз мумкин⁴.

Меҳнат кодексининг 423-моддасига мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахсларга “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ҳисобидан захирадаги иш ўринларига маҳаллий меҳнат органлари йўлланмасига кўра ишга жойлаштириш кафолатланади. Иш берувчи белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиши шарт. Мазкур модданинг бу ҳақдаги қоидалари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда янада аниқлаштирилган. Хусусан, 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 38-моддасига мувофиқ давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни таъминлайди. Шунингдек, мазкур модданинг учинчи қисмида қўшимча кафолатлар қўшимча иш ўринларини, ихтисослаштирилган ташкилотларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фой-

даланиш асосидаги ташкилотларни ташкил этиш, ўқитишнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш, ташкилотларга иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш йўли билан, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган бошқа чоралар орқали таъминланиши мустаҳкамланган⁵.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунида⁶, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги низомда⁷ ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги механизмлари ўз аксини топган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунининг 43-моддасига мувофиқ, давлат ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бир қатор кафолатларни ўз зиммасига олган. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни касбий реабилитация қилишни амалга оширади, уларнинг меҳнат фаолиятини кузатиб боради, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг мос келадиган ишга киришини, иш ўрни сақлаб қолинишини ва хизматда (ишда) лавозим бўйича кўтарилишини таъминлаш билан бирга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ходимларининг сони йигирма нафардан ортиқ бўлган ташкилотларда ходимлар умумий сонининг камида уч фоизи миқдорида ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сони белгиланади.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш учун ногиронлиги

⁴ Қаранг: Трудовой кодекс Республики Таджикистан. – Душанбе: “Сифат-Офсет”, 2018. – С.235.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.10.2020 й., 03/20/642/1396-сон; 02.04.2021 й., 07.02.2025 й., 03/25/1025/0116-сон; 20.05.2025 й., 03/25/1066/0454-сон // <https://lex.uz/docs/5055690>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон.

бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳамда маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган корхоналар ва иш ўринлари ташкил этилади. Кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахслар шарт-шароитлари ўз имкониятларига мувофиқ бўлган ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун устувор ҳуқуққа эга бўлишига оид механизмлар қайд этилган⁸.

Шу билан бирга, бошқа хориж давлатлари меҳнат қонунчилигида ногиронлар меҳнатини тартибга солиш ва унинг хусусиятларини белгилаш бўйича чекланган қоидаларни кўриш мумкин. Хусусан, Грузия Меҳнат кодексининг 3 та моддасида имконияти чекланган шахслар билан боғлиқ қоидалар учрайди. Хусусан, 2-моддада ногиронларни имконияти чекланганлигига кўра камситишга йўл қўйилиши тақиқланган бўлса, 17, 18-моддаларда имконияти чекланган шахсларни иш вақтидан ташқари ва тунги ишларда ишлашга уларнинг розилиги асосида йўл қўйилиши ҳақидаги қоидалар мустаҳкамланган⁹.

Тўғри, бундай ёндашув иш берувчиларга ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий юкнинг (квота учун жой ажратиш, иш

вақтини қисқартириш, тўлиқ миқдорда иш ҳақи тўлаш, узайтирилган меҳнат таътилини бериш, тиббий кўриқдан ўтказиш, ишга жойлаштириш чораларини кўриш каби) иш берувчилар зиммасига тушишини камайтиради. Бироқ кодекс имконияти чекланган шахсларга ҳам бошқа ходимлар каби меҳнат шартларини шартнома асосида келишиб ҳал этиш учун умумий қоидалардан фойдаланиш имкониятини истисно этмайди. Аини вақтда ногиронларни қўшимча қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни давлат бевосита ўз зиммасига олади.

Хулоса қилиб айтганда, ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат муносабатларида ижтимоий ҳимоя қилиш – бу жамиятнинг ажралмас қисми сифатида уларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини таъминлаш, иш фаолиятида барқарорлик ва тенг имкониятлар яратиш каби муҳим йўналишларни ўз ичига олади. Натижада, ижтимоий адолат таъминланади ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида самарали натижаларга эришилади. Бу эса Янги Ўзбекистонни барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.10.2020 й., 03/20/641/1389-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон; 09.09.2024 й., 03/24/955/0688-сон; 09.09.2024 й., 03/24/957/0689-сон; 23.10.2024 й., 03/24/980/0840-сон; 23.01.2025 й., 03/25/1021/0063-сон. <https://lex.uz/acts/5049511?ONDATE=16.01.2021%2000#5054554>.

⁹ <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/1155567>.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.131



Холмуҳаммад АБДУРАСУЛОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси миллий маркази таянч
докторанти

Аннотация. Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатининг шаклланиши, босқичма-босқич ривожланиши ва замонавий тенденциялари тарихий ҳамда ижтимоий таҳлил усуллари асосида ўрганилган. Тадқиқот жараёнида инсон ҳуқуқлари ғояларининг ривожланиш динамикаси хронологик изчилликда ва ижтимоий жараёнлар таъсири доирасида таҳлил қилиниб, уларнинг тараққиёти шартли равишда уч асосий босқичга ажратилган. Мақолада, шунингдек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ислохотларнинг мазмуни ва уларнинг жамият ҳаётига таъсири ёритиб берилган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, Ўзбекистон, суверенитет, Конституция, қонунчилик, давлат органи, ҳуқуқий давлат, ижтимоий ислохотлар, тарихий босқичлар, замонавий тенденциялар.

Abstract. The article studies the formation, step-by-step development, and contemporary trends of state policy in the field of human rights in Uzbekistan during the years of independence, based on methods of historical and social analysis. In the course of the study, the dynamics of the development of human rights ideas are analyzed in chronological sequence and within the framework of the influence of social processes, and their development is conditionally divided into three main stages. The article also highlights the essence of reforms in the field of human rights in Uzbekistan and their impact on the life of society.

Key words: human rights, Uzbekistan, sovereignty, Constitution, legislation, state bodies, rule of law, social reforms, historical stages, modern trends.

Аннотация. В статье, на основе методов исторического и социального анализа, изучены становление, поэтапное развитие и современные тенденции государственной политики в сфере прав человека в Узбекистане за годы независимости. В ходе исследования была проанализирована динамика развития идей прав человека в хронологической последовательности и в рамках влияния социальных процессов, и их развитие условно разделено на три основных этапа. В статье также освещается суть реформ в области прав человека в Узбекистане и их влияние на жизнь общества.

Ключевые слова: права человека, Узбекистан, суверенитет, Конституция, законодательство, государственные органы, правовое государство, социальные реформы, исторические этапы, современные тенденции.

Инсон ҳуқуқлари ҳар қандай демократик ва ҳуқуқий давлатнинг пойдевори ҳисобланади. Уларнинг кафолатланиши ва амалда таъминланиши нафақат конституциявий мажбурият, балки сиёсий легитимлик мезони сифатида ҳам баҳоланади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

га оид сиёсатнинг шаклланиши мамлакатда янги давлатчилик тизими, ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантириш жараёни билан узвий боғлиқ бўлди. Шу боис бу сиёсатнинг шаклланиши ва эволюциясини таҳлил қилиш нафақат илмий-назарий, тарихий-ҳуқуқий, балки амалий жиҳатдан ҳам долзарбдир.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масаласи Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларидан буён давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида шаклланиб келмоқда. Мамлакатда инсон манфаатлари, эркинлиги ва шаънини олий қадрият сифатида эътироф этиш ғояси 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганидан бошлаб бугунги кунгача изчил эволюцион йўлни босиб ўтди. Шу билан бирга, бу жараёни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатадики, олимлар инсон ҳуқуқлари сиёсатининг назарий асослари, амалий механизмлари ва ижтимоий самарадорлиги борасида турлича ёндашувларга эга. Мақолада мазкур масалага нисбатан етакчи олимлар ва мутахассисларнинг илмий ёндашувларини таҳлил қиламиз. Шунингдек, **Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатининг шаклланиши ва ривожланишини уч босқичга бўлиб ўрганишни таклиф этамиз.**

Биринчи босқич – норматив-ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ва дастлабки институтларнинг шаклланиши даври (1991 – 2000)

1991 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзининг мустақил сиёсатини ва ўзига хос ёндашувини шакллантира бошлади. Бу давр Ўзбекистон тарихида инсон ҳуқуқлари кафолатини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган янги босқич бўлди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Мамлакатнинг асосий қонуни сифатида Конституцияда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Конституциянинг иккинчи бўлими “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланиб, унда фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланди. Шу даврдан бошлаб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар Ўзбекистон миллий қонунчилик тизимида босқичма-босқич жорий этила бошланди. Хусусан, мамлакат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро

институтлар томонидан қабул қилинган асосий конвенцияларга қўшилди, бу эса инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларини мустаҳкамлаб, ҳуқуқий сиёсатининг демократик тамойиллар асосида ривожланишига замин яратди.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси¹ 1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган бўлиб, у инсоният тарихидаги биринчи универсал ҳуқуқий-сиёсий ҳужжат сифатида эътироф этилади. Мазкур декларация барча инсонларнинг табиий, ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқлари ҳамда кадр-қимматини эътироф этиш, уларнинг ҳуқуқий макomini халқаро даражада мустаҳкамлашга қаратилган.

Декларация халқаро ҳуқуқ тизимининг кейинги ривожланишида асосий манба бўлиб хизмат қилди. Айнан ушбу ҳужжат кейинчалик қабул қилинган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этди. Шу жиҳатдан, декларация инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсал стандартларни белгилаб, кейинги барча халқаро ҳуқуқий мажмуаларнинг концептуал асосини яратган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган тамойилларни тўлиқ тан олди ҳамда уларни миллий қонунчилик тизимида имплементация қилишни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилади.

Биринчидан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазкур декларация принциплари асосида ишлаб чиқилди. Асосий қонунда инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият сифатида эътироф этилиб, ҳуқуқ ва эркинликларнинг дахлсизлиги, тенглик, адолат ва демократия тамойиллари мустаҳкамланди.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида миллий институтлар тизими шакллантирилди. Хусусан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институ-

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А. Х. Саидов. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – 30 – 36-б.

ти ташкил этилди. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Гендер тенглик бўйича комиссия каби тузилмалар фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу институтлар мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқаро стандартлар ижросини мониторинг қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойилларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида бир қатор халқаро шартномаларга қўшилди. Хусусан, мамлакат Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт², Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт³, Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенция⁴ каби ҳужжатларни ратификация қилди.

Тўртинчидан, декларация тамойиллари асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий онгни ошириш, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш ва аҳолининг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга қаратилган давлат дастурлари амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши, Бола ҳуқуқлари қўмитаси, Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш қўмитаси каби халқаро механизмлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган. Мамлакат ўзининг миллий ҳисоботларини мунтазам равишда тақдим этиб, халқаро экспертлар билан конструктив мулоқот олиб бормоқда.

Шундай қилиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими, конституцион ислохотлари ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиришда асосий норматив-ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилмоқда.

Мазкур даврда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий тизимга фаол интеграция-

лаша бошлади. Мустақилликдан сўнг мамлакат халқаро ҳамжамият олдидида ўзининг демократик тамойилларга содиқлигини намоён этиш мақсадида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро шартномаларга қўшилди. Хусусан, 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси **Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни** ратификация қилди⁵. Ушбу конвенция болаларнинг ҳаёти, соғлиғи, таълим олиши, ривожланиши ва уларни эксплуатация ёки зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида давлат зиммасига аниқ мажбуриятлар юклади. Мазкур ҳужжатни ратификация қилиш Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини таъминлашга доир миллий сиёсатни шакллантириш, шу жумладан, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонун ва тегишли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш учун ҳуқуқий асос яратди⁶.

Шунингдек, 1995 йилда мамлакат икки муҳим халқаро ҳужжат – **Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт** ҳамда **Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт**ни ратификация қилди. Биринчи ҳужжат – Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳар бир шахснинг ҳаётга, сўз ва эътиқод эркинлигига, адолатли судловга, сиёсий ҳаётда эркин иштирок этиш ҳуқуқига оид кафолатлар белгиланган⁷. Ушбу пакт Ўзбекистон учун фуқаролик эркинликларини ҳимоя қилиш, шахсни давлат органларининг ноқонуний аралашувларидан ҳимоя этиш ва сиёсий ислохотларни демократик тамойилларга асослаш заруратини ҳуқуқий даражада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон ратификация қилган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт эса фуқароларнинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш, меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган. Мазкур пактнинг миллий қонунчиликка татбиқ этилиши мамлакатда инсон капитални ривожлантириш, ижтимоий адолат ва фаровонликни

² Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // <https://lex.uz/docs/2640479>.

³ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // <https://lex.uz/docs/2686000>.

⁴ Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенция // <https://lex.uz/ru/docs/2655293>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан 1994 йил 9 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинган. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 1994 й., №12.

⁶ Қаранг: Abdurahmonova L. O‘zbekiston Respublikasida bola huquqlarini himoya qilishning huquqiy asoslari. – Toshkent: TMI nashriyoti, 2018. – 67-b.

⁷ Саидов А. Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар тизими ва уларнинг миллий қонунчиликка татбиқи. – Тошкент: “Адолат”, 2005. – 112-б.

таъминлаш йўлида муҳим норматив-ҳуқуқий замин яратди.

Умуман олганда, 1990 йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон томонидан ушбу халқаро шартномаларнинг ратификация қилиниши инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида халқаро мажбуриятларни қабул қилиш билан бирга, миллий қонунчиликни демократик принциплар асосида такомиллаштириш, халқаро андозаларни миллий амалиётга жорий этиш жараёнининг бошланишини англатди⁸.

Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида халқаро конвенция⁹ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илк универсал ҳуқуқий механизмлардан бири сифатида миллатлар, ирқлар ва этник гуруҳлар ўртасида тенгликни таъминлашни кўзда тутди. Ушбу ҳужжат инсонларни уларнинг ирқи, миллати, тили ёки келиб чиқишига қўра камситишни инсон қадр-қимматига зид деб эълон қилади. Конвенциянинг асосий ғояси – ирқий камситишнинг барча шаклларига нисбатан тоқатсизлик сиёсатини юритиш ҳамда тенглик ва бағрикенглик маданиятини ривожлантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенция принциплари асосида ўз миллий сиёсатида барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойилини устувор деб эътироф этган. Бу тамойил мамлакат Конституциясида мустаҳкам ўрин эгаллаган бўлиб, барча шахсларнинг ирқи, тили, дини ёки ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги кафолатланади. Шу билан бирга, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, диний бағрикенгликни ривожлантириш ҳамда ирқий стереотипларга қарши курашиш Ўзбекистоннинг барқарор сиёсий ва ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир.

Бугунги кунда мамлакат БМТнинг Ирқий камситишни бартараф этиш қўмитаси билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Миллий ҳисоботлар мунтазам равишда тақдим этилиб, қўмита томонидан Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва ирқий бағрикенгликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар юқори баҳоланган. Шу билан бирга, халқаро экспертлар томонидан камситишнинг айрим яширин шакллари аниқлаш

ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан бартараф этиш бўйича таклифлар берилган.

Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция¹⁰ БМТ тизимидаги энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлиб, гендер тенглик тамойилларини амалда таъминлашга қаратилган. Ҳужжатнинг асосий мақсади – аёлларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда эркалар билан тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлишини кафолатлашдан иборат. Конвенция, шунингдек, аёлларни камситувчи урф-одат, стереотип ва амалиётларни бартараф этиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратишни давлатлардан талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида ушбу конвенция принциплари гендер сиёсатининг пойдеворини ташкил этади. Мамлакатда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни мустаҳкамлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, аёлларни давлат бошқаруви тизимида фаол иштирок этишга жалб қилиш ва меҳнат соҳасида тенг имкониятлар яратиш йўналишларида ҳуқуқий база тубдан такомиллаштирилди.

Ўзбекистон БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш қўмитасига ўзининг даврий ҳисоботларини мунтазам тақдим этиб, халқаро экспертлар билан конструктив мулоқотни йўлга қўйган. Қўмита мамлакатдаги ислохотларни, хусусан, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ҳамда гендер стереотипларни камайтириш борасидаги натижаларни ижобий баҳолаган. Шу билан бирга, аёлларни сиёсий қарор қабул қилиш даражасида янада кенг иштирок этишини таъминлаш зарурлиги ҳам таъкидланади.

Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шифқатсиз, ғайрининсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенция¹¹ инсон қадр-қимматини олий қадрият сифатида ҳимоя қилувчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Унда давлатлар қийноқ ва инсоний-

⁸ Қаранг: Islomov I. O'zbekistonning xalqaro inson huquqlari tizimidagi ishtiroki: muammolar va istiqbollar. – Toshkent: “Yangi asr avlodi”, 2019. – 98-b.

⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А. Х. Саидов. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – 83 – 95-б.

¹⁰ Ўша манба. – 95 – 99-б.

¹¹ Ўша манба. – 69 – 82-б.

ликка зид муомалаларнинг ҳар қандай шаклини қатъиян тақиқлашга, бундай ҳаракатлар учун жавобгарликни белгилашга ҳамда жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун самарали механизмлар яратишга мажбур этилади. Конвенция давлат суверенитети доирасида инсон шаънини ҳимоя қилишни халқаро мажбурият сифатида белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенцияда белгиланган тамойилларни ўзининг миллий қонунчилик тизимида изчил татбиқ этиб келмоқда. Қийноқ ва ғайриинсоний муомалага қарши курашиш борасида жиноят-ҳуқуқий механизмлар тубдан такомиллаштирилди: жиноят кодексига “қийноқ” атамаси киритилди, мазкур турдаги жиноят учун мустақил жавобгарлик жорий этилди, тергов жараёнларида инсон ҳуқуқларининг кафолатлари кенгайтирилди. Шунингдек, Омбудсман институти ҳузурида қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм йўлга қўйилган бўлиб, у мустақил мониторинг тизими сифатида фаолият юритади.

Ўзбекистон БМТнинг Қийноққа қарши қўмитаси билан ҳамкорликда миллий ҳисоботлар тақдим этиб, уларнинг тавсиялари асосида амалий чоралар кўрмоқда. Қўмита мамлакатда қийноққа нисбатан “мутлақ тоқатсизлик” сиёсати юритилаётганини қайд этган. Шу билан бирга, у инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ички назорат механизмларини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимида халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида шаффофликни таъминлаш зарурлигини таъкидлаб келади.

Шу тариқа, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича глобал тизимнинг тўлақонли иштирокчисига айланди. Бу ҳужжатлар миллий қонунчиликни халқаро нормаларга мувофиқлаштириш жараёнини жадаллаштирди. Натижада инсон ҳуқуқларига оид норматив-ҳуқуқий база ва институционал механизмларга асос солинди.

Аммо амалий нуктаи назардан қараганда, 1991 – 2000 йилларда инсон ҳуқуқларини кафолатловчи институтлар – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (1996) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти (1995) – ўз фаолиятини кўпроқ декларатив ва маъмурий-ҳуқуқий шаклда олиб борган. Чунки мазкур даврдаги ҳуқуқий тафаккурда “инсон – жамият – давлат” концепцияси ҳали тўлиқ шаклланмаган эди. Шу сабабли, инсон ҳуқуқлари сиёсатининг илк босқичи, бир томондан, мустақилликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамласа, иккинчи томондан, давлат патернализмининг изларини ҳам ўзида сақлаб қолди.

А. Х. Саидовнинг фикрича, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўзига хос миллий-ҳуқуқий моделни шакллантирган¹². Академик бу моделни “миллий қадриятлар ва халқаро стандартларнинг уйғунлашуви” деб баҳолайди. Олимнинг назарида, инсон ҳуқуқлари Ўзбекистонда миллий давлатчилик мафкурасининг интеграл қисмига айланган. Бироқ айрим тадқиқотчилар бу ёндашувни ортиқча оптимистик деб баҳолайдилар. Масалан, Б. Қодиоровнинг фикрича, 1990 йилларда инсон ҳуқуқлари сиёсати кўпроқ институционал ташаббус, камроқ даражада ижтимоий назорат механизмлари билан ажралиб турган. Бу даврда ҳуқуқий давлатнинг асослари яратилган бўлса-да, инсон ҳуқуқларини амалда кафолатлайдиган механизмлар етарли даражада самарали бўлмаган¹³.

Бизнинг фикримизча, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсатининг шаклланиш даврида Ўзбекистон норматив-ҳуқуқий асослар яратишда муваффақиятга эришган, бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида тизимли изчиллик етишмаган. Шу сабабли, бу даврни инсон ҳуқуқларининг “қонуний асослаш босқичи”, аммо ҳали “ижтимоий фаолият босқичи”га ўтмаган давр сифатида баҳолаш мумкин.

Иккинчи босқич – инсон ҳуқуқлари сиёсатининг ривожланиши босқичи (2001 – 2016)

Мазкур босқич инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг институционал модернизацияси даври сифатида ҳам тавсифланади. Суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ қилиниши, адвокатура мустақиллигининг кенгайиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг жонланиши – булар де-

¹² Saidov A. Country Study of Uzbekistan. – New York: UNDP, 2000 // <https://hdr.undp.org/content/country-study-uzbekistan>.

¹³ Қаранг: Qodirov B. O'zbekistonda inson huquqlarini ta'minlash tizimining shakllanishi va rivojlanish bosqichlari. – Toshkent: Toshkent davlat yuridik universiteti, 2015. – 45-46-b.

моқратик механизмларнинг шаклланишини билдиради. Шу боис, бу давр Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсатининг тизимли босқичи сифатида тавсифланади.

2000 йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида тизимли ёндашувни шакллантира бошлади. Бу даврда инсон ҳуқуқлари фақат ҳуқуқий ҳужжатларда эмас, балки амалий сиёсат даражасида давлат дастурлари, миллий стратегиялар ва тармоқлараро ҳаракат режалари орқали мустаҳкамланди¹⁴.

Аввало, давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида бир қатор миллий ҳаракат режалари ишлаб чиқилди. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий ҳаракат режаси (2004 й.), Аёлларни қўллаб-қувватлаш давлат дастури (2005 й.), Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш дастури (2008 й.) қабул қилиниб, уларнинг ижроси мониторинг тизими орқали назорат қилина бошланди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар. 2000 йиллар давомида мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилди. 2008 йилда “ҳабеас корпус” институти жорий қилиниши билан шахсни ҳибсга олиш фақат суд қарори асосида амалга ошириладиган бўлди. Бу ислохот инсон эркинлигини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий қафолат сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, айбсизлик презумпцияси таъминлигининг амалда қўлланилиши, судларнинг мустақиллиги ва одил судлов принципи конституцион қадрият сифатида мустаҳкамланди. Шу билан бирга, адвокатура институтини мустаҳкамлаш, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш ва суд қарорларини ижро этиш механизмларини яхшилаш борасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фуқаролик жамияти институтларининг фаоллашуви. Мазкур даврда инсон ҳуқуқларини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни сезиларли даражада кучайди. Мустақил оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари ижтимо-

ий назоратнинг муҳим субъектига айланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” маркази, “Маҳалла” жамғармаси каби ташкилотлар давлат ва жамоатчилик ҳамкорлиги механизмини ривожлантиришда фаол иштирок этди.

2005 – 2010 йиллар оралиғида қабул қилинган “Аёлларни қўллаб-қувватлаш”, “Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”, “Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш” давлат дастурлари инсон ҳуқуқларининг ижтимоий йўналишини мустаҳкамлади. Бу дастурлар натижасида гендер тенглик, болалар меҳнатига қарши кураш ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида сезиларли ютуқларга эришилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарғибот тизимининг шаклланиши. 2000 йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида таълим ва маърифат тизимини инсон ҳуқуқлари маданиятига йўналтириш жараёни бошланди. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ва бошқа олий таълим муассасаларида “Инсон ҳуқуқлари” фани ўқув дастурига киритилди¹⁵. Бу жараён халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Халқаро ҳамкорликнинг кучайиши. 2000 – 2010 йиллар давомида Ўзбекистон БМТ, ЕХХТ, Европа Иттифоқи, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. 2008 йилдан бошлаб мамлакат БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига даврий миллий ҳисоботлар тақдим этишни йўлга қўйди¹⁶. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2010 йилги Универсал даврий шарҳида Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқлари, хусусан, болалар меҳнатига қарши чора-тадбирлар, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсати ва суд мустақиллиги борасидаги ислохотлар эътироф этилган¹⁷.

¹⁴ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий сиёсати. – Тошкент: “Адолат”, 2010. – 54 – 56-б.

¹⁵ Қаранг: BMT Inson huquqlari bo'yicha Oliy komissari boshqarmasi va TDYU hamkorligidagi “Inson huquqlari ta'limi” dasturi. – Toshkent: TDYU, 2009.

¹⁶ Қаранг: United Nations Human Rights Council. Universal Periodic Review: Uzbekistan – National Report (A/HRC/WG.6/7/UZB/1). – Geneva: UN, 2009.

¹⁷ Қаранг: United Nations Human Rights Council. Report of the Working Group on the Universal Periodic Review: Uzbekistan (A/HRC/16/7). – Geneva: UN, 2010.

Шу тариқа, 2000 – 2010 йиллар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий, институционал ва маданий асослар шаклланган, давлат ва жамоатчилик ҳамкорлигига асосланган янги босқичнинг пойдеворини яратган давр бўлди.

Бироқ илмий жамоатчиликда бу жараёнларга нисбатан икки хил ёндашув мавжуд. Бир томондан, давлат инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида халқаро стандартларга яқинлашган, иккинчи томондан, бу жараён кўп ҳолларда юқоридан пастга қараб ислохот кўринишида бўлган. Яъни фуқаролик жамияти ҳали мустақил сиёсий куч сифатида шаклланмаган, унинг фаолияти асосан “руҳсат этилган чегараларда” бўлган. Шу боис, бу даврни инсон ҳуқуқлари сиёсатида ривожланиш ва мувоzanат излаш даври деб аташ мумкин.

Профессор Н. Комилов инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсатни ушбу даврда “давлат бошқаруви ислохотларининг таянч элементи” сифатида баҳолайди. Унга кўра, суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятининг кенгайтирилиши инсон ҳуқуқларини кафолатлашда сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди. Олимнинг фикрича, айниқса, “ҳабеас корпус” институтининг жорий этилиши, судларнинг мустақиллиги ҳамда жамоатчилик назоратининг кенгайиши – инсон ҳуқуқларининг амалий ҳимояси йўлида муҳим силжишларни таъминлади.

Бироқ ижтимоий-фалсафий йўналишдаги олимлар, хусусан М. Раҳмонов ва Д. Нурматова, ушбу даврда инсон ҳуқуқлари сиёсатини бироз бошқачароқ баҳолайдилар¹⁸. Уларнинг фикрича, 2000 – 2010 йиллар оралигида Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар асосан юқоридан ташаббус қилинган, яъни давлат томонидан бошқарилган модернизация жараёни сифатида кечган. Шу боис, инсон ҳуқуқларининг реал ҳимояси учун фақат қонунлар ва норматив механизмлар эмас, балки жамиятдаги ижтимоий менталитет, фуқаролик фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади, деб ҳисоблайдилар.

Мазкур қарашлар инсон ҳуқуқлари сиёсатининг моҳиятини фақат давлат сиёсати доирасида

эмас, балки ижтимоий онг, ҳуқуқий тафаккур ва фуқаролик позицияси билан уйғунликда кўриш зарурлигини таъкидлайди. Шу маънода, бу полемика давлат марказли ёндашув (институционал модел) ва жамият марказли ёндашув (социал-маданий модел) ўртасидаги илмий баҳсни ифодалайди.

Бизнинг фикримизча, 2001 – 2016 йиллар инсон ҳуқуқларини институционал шакллантириш даври бўлди. Шу билан бирга, ислохотлар кўп ҳолларда “ташаббускор давлат” модели асосида олиб борилган, бу эса фуқаролик жамиятининг мустақил субъект сифатида шаклланишини чеклаган. Шу нуқтаи назардан, инсон ҳуқуқлари сиёсати бу даврда барқарорликни сақлаш ва халқаро имижни мустаҳкамлаш воситаси сифатида намоён бўлди.

Учинчи босқич – инсон ҳуқуқларини модернизация қилиш ва очиқлик сиёсати даври (2017 йилдан ҳозиргача)

Президент Ш. М. Мирзиёев раҳбарлигида инсон ҳуқуқлари сиёсати сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида “инсон манфаатларини устувор қилиш” тамойили давлат сиёсатининг бош йўналиши сифатида белгиланди.

Янги даврда инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўналишидаги асосий ислохотлар:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия ва Парламент комиссиясининг ташкил этилиши (2020 йил).

2020 йил 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармон имзоланди¹⁹. Ушбу фармон билан биринчи маротаба мамлакат миқёсида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона Миллий стратегия қабул қилинди ҳамда унинг ижросини мувофиқлаштирувчи Парламент комиссияси ташкил этилди.

Мазкур комиссия инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўналишида фаолият юритувчи давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни тизимли мувофиқлашти-

¹⁸ Раҳмонов М. Модернизация ва инсон ҳуқуқлари: ижтимоий-фалсафий таҳлил. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2012. – 73 – 76-б.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/ru/docs/4872355>

риш, халқаро шартномалар бўйича миллий мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига миллий ҳисоботлар тайёрлаш каби стратегик вазифаларни бажаради.

Илмий нуқтаи назардан, ушбу комиссиянинг ташкил этилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмини секторлараро бошқарув тизими даражасига кўтарди. Бу ўзгариш инсон ҳуқуқларини фақат суд ёки адлия тизими доирасида эмас, балки бутун давлат бошқаруви ва фуқаролик жамияти фаолиятининг узвий қисми сифатида кўриш имконини берди. Натижада инсон ҳуқуқлари сиёсатида давлат марказли моделдан инклюзив ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик асосидаги моделга ўтиш тенденцияси шаклланди.

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси (2020 – 2025).

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси (2020 – 2025) мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш сиёсатини янги босқичга олиб чиқди. Стратегиянинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатини узлуксиз, тизимли ва барқарор ривожлантиришнинг институционал моделини шакллантирди. Ушбу ҳужжат инсон ҳуқуқларини нафақат ҳимоя қилиш, балки уларни ривожлантириш ва амалда қафолатлаш сиёсатини илгари сурувчи дастурий ҳужжат сифатида эътироф этилади.

Илмий нуқтаи назардан, ушбу стратегия Ўзбекистонда инсон қадри концепциясини давлат бошқаруви сиёсатининг амалий тамойилига айлантирган концептуал ҳужжат сифатида баҳоланади. Унда инсон ҳуқуқларини таъминлаш жараёни фақат ҳуқуқий механизм эмас, балки ижтимоий иштирок, ахлоқий масъулият ва давлатнинг ҳисобдорлиги билан уйғунлашган тизим сифатида ёритилади. Шу боис, стратегия мазмунан мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий модернизациясида “авторитар модернизация”дан “инклюзив модернизация”га ўтишнинг ҳуқуқий асосини яратган. У инсон манфаатларини сиёсат марказига қўйган демократик тараққиёт йўналишининг назарий ва амалий пойдеворидир.

3. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига қарши курашдаги ютуқлар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига қарши кураш бора-сида сезиларли натижаларга эришди. 2021 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти Ўзбекистонни мажбурий меҳнатга барҳам берган давлат сифатида эътироф этди²⁰. Бу жараён халқаро ҳамжамият томонидан “минтақавий инсон ҳуқуқлари ислоҳоти модели” сифатида баҳоланди.

Мазкур соҳадаги ислоҳотлар пахта секторида инсон ҳуқуқларини таъминлашдан бошлаб, меҳнат шартлари, миграция сиёсати ва ижтимоий ҳимоя тизимигача кенгайтирилди. Шу орқали Ўзбекистон меҳнат ҳуқуқларини қафолатлашда халқаро стандартларни (Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини) миллий сиёсатга интеграция қилган биринчи Марказий Осиё давлати сифатида тан олинди.

Илмий нуқтаи назардан, бу ютуқ Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар ва инсон ҳуқуқлари сиёсати ўзаро уйғунлашаётган босқични ифодалайди. Эндиликда ҳуқуқий модернизация фақат сиёсий тизимда эмас, балки ишлаб чиқариш, меҳнат ва ижтимоий соҳаларда ҳам чуқур илдиз отмоқда.

4. Суд-ҳуқуқ тизими, адвокатура ва прокуратура фаолиятининг ислоҳ қилиниши.

2017 йилдан бошлаб суд-ҳуқуқ тизими босқичма-босқич мустақиллик, шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойиллари асосида ислоҳ қилинди. Судлар олий органи сифатида Олий суд ва Конституциявий суднинг ваколатлари кенгайтирилди, суд қарорларининг очиклиги ва онлайн мониторинг тизими жорий этилди.

Шунингдек, адвокатура институти мустақиллиги мустаҳкамланиб, адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий қафолатлари кучайтирилди. Прокуратура тизимида эса “назорат”дан “ҳамкорлик” тамойилига ўтиш жараёни бошланди – бу инсон ҳуқуқларини таъминлашда тизимга жазоловчи эмас, балки профилактик механизм сифатида янгича тус берилишини англатади.

Илмий давраларда бу ислоҳотлар “одилликнинг институционал ислоҳоти” деб юритилади. Яъни инсон ҳуқуқларининг ҳимояси энди фақат қонун нормаларида эмас, балки амалий суд тизи-

²⁰ Қаранг: International Labour Organization. Progress Report on Decent Work in Uzbekistan 2022. – Geneva, 2022.

ми фаолияти ва адолатли қарорлар ишлаб чиқиш механизмида намоён бўлаётган босқичдир.

5. Рақамли давлат бошқаруви ва инсон ҳуқуқларининг янги шакллари.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда замонавий технологиялар кенг қўлланилмоқда²¹. Электрон ҳукумат порталлари, “Менинг фикрим”, “Э-қарор”, “Очиқ бюджет” каби платформалар орқали фуқаролар ўз ҳуқуқларини онлайн тарзда амалга ошириш имконига эга бўлдилар.

Бу жараён “электрон ҳуқуқлар парадигмаси” деб аталувчи янги назарий йўналишни шакллантирди. Эндиликда инсон ҳуқуқлари нафақат ҳуқуқий, балки ахборот-коммуникацион эркинлик ва маълумотга очиқ кириш тамойиллари билан таъминланмоқда.

Илмий жиҳатдан, бу ислохотлар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг инновацион босқичини бошлаб берди. Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энди “марказлашган мурожаат”-дан “интерактив мулоқот”га, яъни ижтимоий шериклик ва рақамли иштирок механизмларига ўтди.

Юқоридаги ислохотлар Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш сиёсатининг янги, инклюзив-модернизацион босқичини ифодалайди. Ҳар бир ислохотнинг моҳиятида инсон кадри, шаъни ва эркинлигини амалда таъминлаш, давлат бошқарувини инсон марказига йўналтириш ғояси мужассам.

Бизнинг фикримизча, “Янги Ўзбекистон” давридаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш сиёсати икки йўналишнинг ўзаро синтезидир: бир томондан, давлатнинг ислохотларни бошқарувчи ва тартибга солувчи роли сақланиб қолган, иккинчи то-

мондан, инсоннинг субъект сифатида иштироки ва ижтимоий шериклик механизмлари кучаймоқда. Шунинг учун бу жараёни “авторитар модернизациядан либерал-инклюзив моделга ўтишнинг транзит даври” сифатида баҳолаш илмий жиҳатдан тўғрироқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг шаклланиши ва ривожланиши босқич-ма-босқич эволюцион жараён бўлиб, у миллий ҳуқуқий тизимни демократлаштиришга йўналтирилган модернизация жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ тарзда кечди. Хусусан, 1991 – 2000 йиллар инсон ҳуқуқларини конституциявий ва институционал жиҳатдан мустаҳкамлашнинг бошланғич босқичи сифатида ажралиб турди. 2001 – 2016 йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий базаси чуқурлаштирилди, миллий институтларнинг ваколати кенгайтирилди ва уларнинг халқаро ҳамкорликдаги иштироки фаоллашди. 2017 йилдан то ҳозирга қадар бўлган давр инсон ҳуқуқлари сиёсатининг сифат жиҳатидан янги парадигмасини шакллантирди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари сиёсатининг ривожланиш тенденциялари ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг мустаҳкамланиши, инсон ҳуқуқларининг устувор конституциявий кадрият сифатида эътироф этилиши ва уларнинг амалий ҳимоя механизмларининг такомиллашуви билан изоҳланади. Мазкур тенденциялар мамлакатнинг демократик ривожланиш моделида инсон ҳуқуқларининг марказий ўринни эгаллашини таъминлаб, келгусида ҳам давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири бўлиб қолади.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/docs/5030957>.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ДУНЁ МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИГА ТАЪСИРИ

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.132



Шавкат ТЎРАЕВ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази ҳузуридаги Ижтимоий-
маънавий тадқиқотлар институтида
бўлим бошлиғи, фалсафа фанлари
доктори (DSc)

Аннотация. Мақолада глобализация жараёнларининг дунё мафкуравий манзарасига кўрсатаётган таъсири таҳлил қилинган. Глобаллашув натижасида маданиятлараро алоқалар, ғоявий-мафкуравий курашлар кучайгани таъкидланган, миллий мафкура ва ўзликни сақлаб қолиш муаммолари муҳокама қилинган. Шунингдек, глобаллашувнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, жамиятда мафкуравий барқарорликни таъминлаш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: глобаллашув, мафкура, ғоявий кураш, маданиятлараро мулоқот, миллий ўзлик, мафкуравий барқарорлик.

Abstract. This article analyzes the impact of globalization processes on the ideological landscape of the world. It discusses how globalization strengthens intercultural interactions while also intensifying ideological confrontations. The article examines challenges related to preserving national identity and ideological stability in the context of globalization. Furthermore, an analysis is conducted on the positive and negative aspects of globalization, as well as on the matters concerning the provision of ideological stability within society.

Key words: globalization, ideology, ideological struggle, intercultural dialogue, national identity, ideological stability.

Аннотация. В статье рассматривается влияние процессов глобализации на идеологический ландшафт современного мира. Автор анализирует, как глобализация способствует усилению межкультурных связей и одновременно обостряет идеологическое противостояние. Особое внимание уделяется вопросам сохранения национальной идентичности и идеологической устойчивости. Также были проанализированы положительные и отрицательные аспекты глобализации и вопросы обеспечения идеологической стабильности в обществе.

Ключевые слова: глобализация, идеология, идеологическая борьба, межкультурный диалог, национальная идентичность, идеологическая устойчивость.

Глобаллашув жараёнлари бугунги кунда инсоният таракқиётининг муҳим омили бўлиши билан бирга ер юзидаги ечими мураккаб ёки бартараф этишнинг имкони йўқ бўлган муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Энг умумий маънода, глобаллашув муайян ҳодиса, жараённинг барча минтақалар, давлатлар ва бутун Ер юзини камраб олганини ҳамда уларнинг инсоният тақдирига дахлдор эканини англатади.

“Глобаллашувнинг асосий унсурлари бўлган иктисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, маданий

ва бошқа бир қатор соҳалардаги ўзаро бирлашиш жараёни”¹ эндиликда давлатлар таракқиётининг муҳим омилига айланмоқда. Шунинг баробарида “глобаллашув жараёнларининг ўзига хос зиддиятлари бўлиб, улар маданият соҳасида кўпроқ намоён бўлмоқда. Дунё микёсида маънавий-ахлокий кадриятларнинг кадрсизланиши, ўша бирлашиш жараёнида маданий хилма-хилликнинг тобора камайиб бориши, шубҳасиз, давримизнинг энг долзарб муаммоларидан биридир”².

¹ Қаранг: Глебов Г. И., Милаева О. В. Современные международные отношения. Учебное пособие. – Пенза: Изд. Пенз. гос. ун-та, 2010. – С. 98.

² Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Тошкент: “Академия”, 2008. – 3-4-б.

Умумий маънода, “глобаллашув – бу жаҳон бозорига қўшилиш, шу жараёнда трансмиллийлаштириш асосида иқтисодиётнинг ўзаро боғланиши орқали меҳнат ва даромад тақсимоли сифатида сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тизимини ифодалаб, ягона тармоқ иқтисодиёт тузилмасини шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, натижада умумжамиyat тузилмасига давлат суверенитети таъсирини камайтиради”³. “Бу жараён халқаро муносабатларни уйғунлаштирувчи асосий омил бўлиб келган”⁴. Бунинг халқаро муносабатлардаги сиёсий-иқтисодий жиҳатларини таҳлил қиладиган бўлсак, ижобий натижага эришиш мумкинлиги яққол кўринади. Лекин масаланинг сиёсий-маданий жиҳати қаралганда, албатта, муаммоларга дуч келиш мумкин.

Шу маънода, “маданий глобаллашув халқлар ва мамлакатлар ўртасида савдо ва истеъмол маданиятининг яқинлашиши ва халқаро алоқанинг ўсишини вужудга келтиради. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томондан, халқаро, деб тан олинган маданий ҳодисалар миллий маданиятни сиқиб чиқариши мумкин”⁵. “Ўзининг мустақил тараққиёт йўлини танлаган миллатлар бу ҳолатни миллий қадриятларни йўқолиши деб қабул қилиб, уларни сақлаб қолиш учун курашмоқдалар”⁶. Айни ана шу жараён глобаллашувнинг хавфли тус олишига ва энди мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувига олиб келмоқда.

Бугунги глобаллашув таъсирида дунё миқёсида турли миллатлар ва халқлар маданиятининг жадал суръатларда ўзаро яқинлашуви жараёни содир бўлмоқда. Лекин бунда нисбатан кучли давлатлар ўз маданиятини тўғри деб ҳамма халқларга тикиштиришга ҳаракат қилиши қарама-қаршиликларни келтириб чиқармоқда. Айнан иқтисодий манфаатларни мақсад қилган ўша давлатлар энди ҳукмронлик позициясидан туриб таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса халқлараро ва давлатлараро катта хавфни келтириб чиқармоқда. Яъни мафкуравий курашнинг авж олишига хизмат қилмоқда.

Мафкуравий кураш куролига айланган глобаллашув шароитида вужудга келган ўзига хос характердаги таҳдидлардан бири – **“гуманитар интервенция”**-дир. Бу таҳдид бир давлатнинг келишувсиз иккинчи

давлатнинг ички ишларига ноқонуний аралашувини англатади. Инсоният тараққий топган ХХІ асрда ҳам дунё мафкуравий майдонида бундай вазиятларнинг тез-тез учраб туриши ўта ачинарли ҳолат.

“Дунёнинг мафкуравий манзарасида пайдо бўлган яна бир таҳдид – “ғарблаштириш” (вестернизация) ёки “америкалаштириш”га бўлган интилишдир. Бу кейинги ўн йилликда маданий глобаллашув соҳасида кузатилаётган энг хавфли таҳдиддир. Иқтисодиёт, сиёсат, таълим ва маданият билан боғлиқ Ғарбий Европа ёки Англия-Америка турмуш тарзини сингдиришга”⁷ ҳаракат қилишдир.

XX асрнинг иккинчи ярмида Ғарб намуналарини андоза қилиб кўрсатувчилар томонидан уларни модернизация қилиш жараёнида Ғарбий Европа ўрнига Америка Қўшма Штатларининг турмуш тарзи қабул қилинди. Энди ғарблаштириш асосан америкалаштиришни англатадиган тушунчага айланди. Европаликлар ҳам энди зўр бериб шу қарашни илгари сурмоқдалар⁸. Умуман олганда, бу таҳдид ижодкорлари дунёнинг турли мамлакатларида ўз геосиёсий мақсадларини амалга ошириш учун “демократия” ва “инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш” каби ниқоблар остида кенг қўламдаги мафкуравий таъйиқларни уюштирмоқдалар.

Ўзларининг қарашларини демократиянинг намунали кўриниши деб ҳисоблайдиган кучлар ўзга халқларнинг минг йиллик қадриятлари ва анъаналарини ҳисобга олмаган ҳолда, ғоявий-мафкуравий тажовузлар орқали ўз ёндашувларини тикиштиришга уринишлари халқаро муносабатларга путур етказмоқда. Шу ўринда глобаллашувни “яхлит дунёнинг шаклланиши, ягона қудратли давлатнинг қарор топиши, ягона жаҳон маданиятига эга халқаро ҳамжамиyatнинг таркиб топиш жараёни”⁹ сифатида талқин этувчилар, демократия соҳасида глобал ҳакамликка даъво қилувчилар ҳам кам эмаслигини таъкидлаш жоиз. Бу ғояни зўр бериб қўллаб-қувватловчи марказлар ва намояндалар дунёда исталганча топилади.

Глобаллашувнинг ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий сабабларидан бири сифатида мафкуравий жараёнларнинг авж

³ Қаранг: Коренюшкина С. И., Соловьев К. А.. Суверенитет в эпоху глобализации: теория и практика // Общество. Среда. Развитие (Terra Humana). – 2015. – № 1 (34).

⁴ Қаранг: Новикова И. В. Глобализация, государство и рынок: ретроспектива и перспектива взаимодействия. – Минск.: Академия управления при Президенте Республики Беларусь, 2009.

⁵ Қаранг: Гавров С. Н., Ашер Т. Кризис глобализирующегося мира и переход к планетарной культуре. – Самара: Самарский научный центр РАН, 2007. – С. 351.

⁶ Қаранг: Гемават П. Глобальная интеграция без барьеров. – М.: «Альпина Паблишер», 2013. – С. 415.

⁷ Қаранг: Федотова В. Г. Вестернизация // Новая философская энциклопедия: в 4 т. 2-е изд. – Москва: «Мысль», 2010. – 2816 с.

⁸ Ўша манба.

⁹ Қаранг: Азроянц Э. Глобализация: катастрофа или путь к развитию? – Москва: «Новый век», 2002. – С. 64.

олаётганини кўрсатиш мумкин. Бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан чамбарчас боғланиб бораётгани кундай равшан. Бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши имкониятларнинг чекланиши билан боғлиқ экани ҳисобга олинadиган бўлса, ҳар қандай мамлакат бу жараёнга ўзи истасистамаса кириб бориши лозим бўлади. Имкониятлардан воз кечишни истамаган, қолаверса, имкониятдан фойдаланишни ўзига мақсад қилиб қўйган айрим давлатлар эса мафкуравий жараёнларга нафақат қўшилиш, балки уни кучайтиришга ҳам уринаётгани аниқ.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ахборот воситаларининг ривожини билан боғлиқ бўлаётганини кўриш, англаш, билиш қийин эмас. Маълумки, ҳозирги глобаллашув шароитида дунёнинг мафкуравий манзараси жуда ҳам мураккаблашиб кетди. Унда таъсир кучига эга бўлишнинг энг мақбул йўли, маблағ қанча кетишидан қатъи назар, йирик ахборот тарқатувчилик мавқеини эгаллаш эканлиги ҳозирда сир бўлмай қолди. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонида бўлаётган ҳаракатлар шу қадар тизимли, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, бу воқеа биздан жуда олисда экан, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қарашнинг иложи йўқ. Мана шундай вазиятда одам ўзининг мустақил фикрига, ҳаёт синовларидан ўтган миллий-маънавий қадриятларга, соғлом негизда шаклланиган дунёқараш ва мустаҳкам эътиқод ҳамда иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ яширин, гоҳ ошқора кўринишдаги таъсирини бардош бериши амримаҳол.

Чиндан ҳам биз ўта мураккаб, зиддиятларга тўла ахборот асрида яшаймиз. Ҳозирги дунёдаги ҳар қандай урушлар ахборот уруши билан бошланаётгани барчага маълум. Бинобарин, жаҳонда инфор­мацион уруш кетаётганини ҳатто оддий инсонлар ҳам сезишлари мумкин. Натижада, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви авж олмоқдаки, бу эса – дунёнинг мафкуравий манзарасида сезиларли ўзгаришларнинг вужудга келишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, биз таҳлил қилаётган мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви – ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга ер юзининг барча минтақалари тортилганлигини, мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча сифатида инсоният тарихи-

нинг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида халқаро муносабатларнинг интеграциялашуви ва интенсивлашуви билан характерланади. Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик теле-радио алоқа тизимлари техник-технологик воситаларининг кучайиб кетиши натижасида ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда.

Мафкуравий глобаллашув жараёни бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш ва анъанада намоён бўлмоқда. **Биринчидан**, инсоният цивилизацияси тарихида эришилган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналмилаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. **Иккинчидан**, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутолқаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажигига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда.

Шу ўринда, глобаллашувнинг ижобий хусусиятларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, бугунги дунёда глобаллашув жараёни дунё халқларини ўзаро бир-бирига яқинлаштиришга ҳам хизмат қилмоқда. Шубҳасиз, бундай яқинлашув жамиятлар, халқлар, миллатлар, таъбир жоиз бўлса, маданиятлараро ўзаро алоқани таъминлайди, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг яхшиланишига қулай замин яратади. Энг муҳими, халқлар ўртасида бир-бирини тушуниш, умуминсоний қадриятлар шаклланиши билан бирга, миллий, диний ва маданий толерантлик дунёқарашнинг бирлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса, ҳар бири ўзига хос бўлган қадриятларнинг умумий янгиланиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади, албатта. Таъкидлаш лозимки, тарихда ахборот алмашинувининг ҳозирги даражада ривожланмаганлиги сабабли инсонлараро муносабатлар бу қадар кенг кўлам касб этмаган. Бугунги глобаллашув шароитида турли ахборот воситалари орқали сайёрамизнинг исталган бурчагидаги халқларнинг урф-одатлари, расм-русумлари, маданияти ҳақида муайян тасаввурга эга бўла олиш имконига эгамиз. Бундай ижобий жиҳатлар, албатта, кишини қувонтиради. Аммо ана

шундай, таъбир жоиз бўлса, қоришувнинг натижасида дунёнинг мафкуравий манзарасининг ўзгариб кетаётгани одамни хавотирга солади.

Масаланинг аянчли жиҳати шундаки, айрим манфаатдор кучлар бундай яқинлашувдан ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширишда фойдаланишга ҳаракат қилаётганлари инсоният олдида турган муаммолардан бирига айланмоқда. Аслини олганда, бу муаммо кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Ҳамма замонлар ва маконларда бир-бирининг мулкига қўз олайтириш ёки ўзгаларнинг бойлигига эгалик қилишга уринишлар бўлганига тарих гувоҳ. Лекин бугунги глобаллашув дунёни бирлаштириш билан бирга муаммоларнинг ҳам дунё даражасига кўтарилишига хизмат қилмоқдаки, бунинг охиروқибати қандай натижаларга олиб бориши ҳеч кимга маълум эмас.

Дарҳақиқат, глобаллашув инсоният ҳаётининг турли жабҳаларини эгаллаб бормоқда. Дунёнинг ўзгаришида пайдо бўлаётган “янги дунё тартиботи” натижасида инсоният ҳаётига кундан-кун янги хавфлар таҳдид солмоқда. Бинобарин, бу тушунча ҳақида фикр юритган аксарият олимлар инсоният тарихининг янги постзамонавий даври бошланаётганини таъкидлайдилар¹⁰. Жаҳонни эгаллаб бораётган янги дунё тартиботи масаласини таҳлил қилган рус олими Э. Баталов: “Янги, лекин жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинмаган ва белгилари шаклланиб улгурмаган тартиботга ўтиш даври”, – деган фикрни билдирган.

Дунё олимларининг янги дунё тартиботи билан боғлиқ қарашларидаги безовталиклари бежиз эмас. Бинобарин, инсоният XXI асрнинг тўртдан бир қисмини босиб ўтди. Гарчи тарих учун бу муддат жудаям қисқа бўлсада, унда истиқомат қилаётган инсоният учун бу катта давр. Чунки, бу даврда ер юзида бир қанча ўзгаришлар юз берди. Бу ҳолат, америкалик олим П. Кеннеде таъбири билан айтганда, дунё аҳолисини доимо қўрқитиб келадиган “совуқ уруш” барҳам топганидан кейин ҳаммага тинчлик бахш этадиган янги тартибот эмас, балки нотинчликларни келтириб чиқарган, парчаланиб кетган жамиятда яшаётган сайёрага дуч келдик. Бу муаммога

сиёсатчилар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик жиддий эътибор қаратиши лозим. Катта давлатлар деб аталувчи сиёсий гуруҳлар томонидан, “янги тартиботлар”ни ёки фақат ўзларининг манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий тизимни¹¹ вужудга келтириш учун тинимсиз фаолият олиб борилмоқда. Бунинг натижасида дунёда урушлар, бир давлатнинг иккинчи давлатга нисбатан тажовузлар қилиши ёки давлатларнинг ички келишмовчиликлари тобора кўпайиб бормоқда.

Глобаллашув жараёнлари дунёнинг мафкуравий манзарасини бутунлай ўзгартириб юборди, десак муболаға бўлмайди. Айни пайтда: “Минтақавий, этник, диний, миллий низолар сони кундан кунга ортиб бораётган бир даврда, ер юзидаги вазият қандай бўлади?” – деган савол барчани ўйлантириб қўйди. Бинобарин, бу саволнинг негизида инсониятнинг келажаги, унинг қайси йўлдан бориши кераклиги масаласи турибди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги глобаллашув жараёнлари замонавий дунёга икки ёқлама таъсир кўрсатмоқда. Бу эса нафақат фикрлар тўқнашуви, балки мафкуралар тўқнашувига ҳам хизмат қилиши мумкин. Айни пайтда, у инсоният ривожининг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, халқлар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш билан бирга умумтараққиёт ривожига хизмат қилса, иккинчи томондан эса ғоявий курашлар, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва миллатлараро низоларнинг манбаига айланиб бормоқда. Дунёни қутбларга бўлишга уринишлар, янги дунё тартиботини шакллантиришга қаратилган ҳаракатлар жараёнида ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатларнинг ўз манфаатларини кўзлаб олиб борган сиёсати натижасида минтақавий низоларнинг кўпайиши тенденцияси кузатилмоқда. Бу ҳолат глобаллашув жараёнларини бошқариш заруратини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда ҳар қандай жараёнларни демократик ва ҳамкорлик асосида бошқариш инсониятни сақлаб қолишнинг ягона йўли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча давлатлар учун тенг ҳуқуқлилик асосида яшашни таъминловчи тамойиллар ишлаб чиқиши, фикримизча, мақсадга мувофиқ.

¹⁰ Қаранг: Делокаров К. Х. Глобализация как социокультурный феномен // Глобализация: сущность, проблемы, перспективы. – М., 2003. – С. 16.

¹¹ Қаранг: Юсупалиева Д. К. Основные особенности политической системы общества // «Молодой ученый», 2020, № 46 (336). – С. 520–522.

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.133



Ўктам ЎТАЕВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси мустақил
тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада экологик экспертиза талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, маъмурий жавобгарлик тушунчасининг моҳияти ва шахсни экологик ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш шартлари атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: маъмурий жавобгарлик, экологик ҳуқуқбузарлик, жарима, фаолиятни вақтинча тўхтатиш, лицензия ёки рухсатномани бекор қилиш, маъмурий қамоққа олиш, экологик экспертиза.

Abstract. The article analyzes the administrative liability for violating the requirements of environmental expertise and its specific features. Furthermore, the essence of the concept of administrative liability and the conditions for bringing a person to administrative liability for environmental offenses are thoroughly covered.

Key words: administrative liability, environmental offense, fine, temporary suspension of activities, revocation of a license or permit, administrative arrest, environmental expertise.

Аннотация. В статье анализируется административная ответственность за нарушение требований экологической экспертизы и ее специфические особенности. Также подробно освещены сущность понятия административной ответственности и условия привлечения лица к административной ответственности за экологические правонарушения.

Ключевые слова: административная ответственность, экологическое правонарушение, штраф, временное приостановление деятельности, отзыв лицензии или разрешения, административный арест, экологическая экспертиза.

Экологик экспертиза соҳасида қонун талабларини бузиш ҳолатларига нисбатан энг кўп қўлланиладиган жавобгарлик шакли – маъмурий жавобгарлик ҳисобланади. Маъмурий жавобгарлик, одатда, жамият учун унча катта таҳдид туғдирмайдигандек, лекин қонун-қоидага зид қилмишлар учун қўлланиладиган жазо чораси саналади. Кўпинча экологик экспертиза талабларини бузишга доир ҳуқуқбузарликлар қасддан эмас, балки экологик билим, маданият ва масъулият етишмаслиги ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилади. Шу боис маъмурий жазо чоралари таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқбузар шахсни огоҳлантириш ва келгусида қонун талабларига

риоя этишини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Экологик ҳуқуқбузарликларга нисбатан маъмурий жавобгарликнинг яна бир катта аҳамияти шундаки, у ҳуқуқбузарликни дастлабки босқичда тўхтатиб қолиш, табиатга катта зарар етказилишининг олдини олиш имконини беради.

Маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий табиатини тушуниш учун мазкур тушунчанинг моҳияти, ҳуқуқий асослари ва уни қўллаш шартларини кўриб чиқиш лозим.

Маъмурий жавобгарлик – бу давлат томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган, судга қадар тартибда ижро этиладиган жазо чоралари тизимидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўриш ваколати, одатда, махсус ваколатли органлар (инспекциялар) ёки баъзи ҳолларда маъмурий судларга берилади. Ўзбекистонда экологик соҳадаги маъмурий жавобгарлик чоралари асосан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс¹ билан тартибга солинади. Мазкур кодекснинг бир қатор нормалари бевосита экологик экспертизага оид ҳуқуқбузарликларга тааллуқлидир. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун базавий жарималар ва бошқа санкциялар белгиланган; 80-модда ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузишга тегишли; 96-модда эса экспертиза ҳулосасисиз қурилиш ёки фаолият юритишни маъмурий ҳуқуқбузарлик деб белгилаб, бундай ҳолларда жарима ва фаолиятни тўхтатиш каби чораларни назарда тутди.

Шунингдек, экологик экспертиза талабларини бузган шахсларга маъмурий тартибда қуйидаги жазо чоралари қўлланилади.

Пул жаримаси. Базавий ҳисоблаш миқдорлари (БХМ) асосида белгиланган маълум миқдордаги пул тўлови. Унинг миқдори қонунбузарликнинг қўлами ва хавфлилик даражасига мувофиқ белгиланади. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун жарималар миқдори одатда 5 дан 100 БХМгача ёки ундан юқори бўлиши мумкин.

Фаолиятни вақтинча тўхтатиш. Жиддий ҳуқуқбузарлик ёки такрорий ҳолларда инспекция ёки суд қарори билан корхона ёки лойиҳа фаолияти маълум муддатга (кам ҳолларда муддатсиз) тўхтатилади. Бу чора атроф-муҳитга зарар келтирувчи фаолиятни зудлик билан тўхтатиб, зарар кенгайишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Лицензия ёки рухсатномани бекор қилиш. Агар ҳуқуқбузарлик лицензияланган фаолият давомида содир этилган бўлса, ваколатли орган ишбилармонлик фаолияти учун берилган лицензия ёки рухсатномани ҳақиқий кучдан маҳрум қилиши мумкин. Бу энг қатъий маъмурий чоралардан бири бўлиб, фаолиятни буткул тақиқлашга тенгдир. Одатда, бундай чора қайта ва қайта қоидаларни бузган ёки атроф-муҳитга катта зарар етказган субъектларга нисбатан қўлланилади.

Маъмурий ҳибс ёки бошқа чоралар. Ўзбекистон қонунчилигида бевосита экологик ҳуқуқ-

бузарликлар учун жарима асосий жазо ҳисобланса-да, айрим ҳолларда маъмурий ҳибс жазоси ҳам қўзда тутилган. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддасига қўра, мансабдор шахс дарахтларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга ҳилоф равишда кесиш, қундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга қўчириб ўтказиш, шунингдек, ўз ҳудудида биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш чоғида белгиланган талабларни бузиб, кимёвий, биологик воситаларни қўллаган ҳолда дарахтларни, буталарни ёки бошқа ўсимликларни қасддан шикастлантириш, пайҳон қилиш ёки йўқ қилиш бўйича ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этса, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокка олиниши мумкин².

Маъмурий жазо чорасини қўллаш қонуний асослар ва процессуал шартлар мавжуд бўлганда амалга оширилади. Экологик экспертиза талабларини бузганлик учун маъмурий жазо белгилаш шартлари қуйидагича:

Ҳуқуқбузарлик факти аниқланган бўлиши шarti. Ваколатли экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини назорат қилиш органи (Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари инспекторлари) қонунбузарликни аниқлаб, расмийлаштириши зарур. Масалан, корхона экспертизасиз иш бошлагани тўғрисида инспектор далолатнома (акт) тузиши, далиллар – фотосуратлар, гувоҳлар кўрсатмалари ва ҳ.к. йиғиши керак. Ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой, субъект, қилмиш тавсифи ва бошқа жиҳатлар аниқланиб ҳужжатлаштирилади.

Экспертиза ҳулосаси олинмаганлиги ёки талабларга амал қилинмаганлиги шarti. Маъмурий жавобгарлик учун асос – экспертиза ҳулосасининг йўқлиги ёки унда белгиланган шартларни бузиш фактидир. Масалан, лойиҳа бўйича давлат экологик экспертизаси ўтказилмагани ёки экспертиза ҳулосасида “ичимлик сувини тозалаш инфратузилмасини қуриш” шarti қўйилган бўлсаю, лекин корхона бу шартни бажармай фаолият юритгани асос бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664>.

² Ўша манба.

Қонунбузарликнинг шахс томонидан амалга оширилгани шарт. Маъмурий жавобгарликка тортиш учун айбдор шахс аниқ бўлиши лозим – одатда бу корхона раҳбари, масъул муҳандис ёки тадбиркорнинг ўзи бўлади. Ҳуқуқбузарлик субъекти қилмишда айби бор эканлиги, яъни қасд ёки эҳтиётсизлик билан қонун талабини бузганлиги таҳлил этилади. Масалан, экспертизадан ўтмаганини била туриб қурилишни бошлаган тадбиркор қасддан ҳуқуқбузарлик содир этган, деб топилади.

Маъмурий иш юритиш қоидаларига риоя этилиши шарт. Жарима ёки бошқа чора қўллашдан аввал Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги³ кодекслар талаблари бажарилиши шарт. Хусусан, ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштириш, шахсга ўзини ҳимоя қилиш ва изоҳ бериш имконини бериш, иш материалларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартибига амал қилиш даркор. Бу адолатли ҳуқуқий процесс кафолатларини таъминлаш учун муҳимдир.

Маъмурий жавобгарликка тортиш шартлари тўлиқ бажарилганда, тегишли қарор чиқарилиб, ҳуқуқбузар шахсга жазо чораси қўлланилади. Қарордан норози бўлган шахс апелляция тартибидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Бу маълумотларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ҳудудларда кичик бизнес субъектлари орасида экологик экспертиза талабларига беэтиборлик қилиниши ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, қурилиш учун берилган ер участкасидан белгиланган мақсаддан ташқари фойдаланиш (масалан, яшил майдонни йўқ қилиб, у ерга бино қуриш) ҳолатида ҳам маҳаллий ҳокимлик ва экологик назорат органлари томонидан маъмурий чора кўрилган ҳоллар мавжуд. Масалан, 2023 йилда Тошкент шаҳридаги ҳовли-жойлар орасидаги яшил ҳудудда экспертизасиз кичик савдо дўкони қурилгани аниқланиб, ноқонуний қурилма бузиб ташланган ва тадбиркорга жарима тайинланган. Бу каби мисоллар экологик экспертиза талаблари ҳатто майда кўринишда бузилганида ҳам жавобгарлик муқаррарлигини кўрсатади.

Хорижий давлатларда экологик талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кенг қўламда қўлланилади. Масалан, Германияда экспертиза ҳулосасисиз фаолият юритиш жуда жиддий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, компанияларга 50 минг еврогача жарима солиниши, фаолиятининг дарҳол тўхтатилиши ёки лицензиясининг бекор қилиниши мумкинлиги қонунларда белгилаб қўйилган. Қозоғистонда янги қабул қилинган Экологик кодексга⁴ мувофиқ экспертиза ҳулосасисиз амалга оширилган фаолият учун юқори миқдорда жарималар ва фаолиятни тўхтатиш каби қатъий маъмурий чоралар белгиланган. Хусусан, 2023 йил давомида Қозоғистонда ушбу қоидага риоя этмаган 100 дан ортиқ хўжалик субъектларига нисбатан жарима ва текширув санкциялари қўлланилгани хабар қилинган. Бу мисоллардан кўриниб турибдики, хорижий мамлакатларда ҳам экологик экспертиза талабларини бузишга нисбатан маъмурий жазо чоралари пухта йўлга қўйилган ва профилактик таъсирга эга.

Хулоса қилиб айтганда, экологик экспертиза талабларини бузиш ҳолатларида маъмурий жавобгарлик – ҳуқуқбузарликка нисбатан тезкор ва таъсирчан чора сифатида муҳим аҳамият касб этади. Маъмурий жазо чоралари (жарима, фаолиятни тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш ва ҳ.к.) орқали ҳуқуқий онгни ошириш, субъектларнинг масъулиятини кучайтириш ва экологик хавфларни баргараф этишга эришилади. Шу билан бирга, амалиётдаги маълум муаммолар – жазо чораларининг баъзан етарли таъсир кучига эга эмаслиги, экологик инспекциялар техник салоҳиятининг чеклангани, манфаатлар тўқнашуви каби ҳолатлар маъмурий жавобгарлик самарадорлигига таъсир кўрсатади. Шундай экан, маъмурий жавобгарликни такомиллаштириш учун қонунчилик ислохотларини (жарималар миқдорини ошириш, лицензияни автоматик бекор қилиш механизми ва ҳ.к.) амалга ошириш, жамоатчилик иштирокини кучайтириш ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда экологик назоратни яхшилаш зарур. Бу чоралар маъмурий жавобгарликнинг профилактик таъсирини ошириб, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

³ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/3527353>.

⁴ Қаранг: Экологический кодекс Республики Казахстан // <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K2100000400>.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.134



Шахноза САМИЕВА,
Бухоро давлат техника университети
илмий котиби, педагогика фанлари
доктори (DSc), профессор

Аннотация. Мақолада Янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, сўнгги йилларда ёш авлод вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Муаллиф ёшларни маънан, жисмонан ва руҳан соғлом, мустақил ва кенг фикрлайдиган авлод этиб тарбиялаш, уларни турли ёт ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилиш ҳамда ёшлар мамлакат келажагини ўз келажаги сифатида англай олишига эришиш давлат ва жамоат ташкилотлари учун устувор мақсад эканини асослаб берган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, ёшлар, стратегия, демократия, сиёсий-ҳуқуқий маданият, ижтимоий фаоллик, тараққиёт.

Abstract. The article analyzes the key directions of state policy regarding youth in New Uzbekistan, as well as the measures aimed at improving the political and legal culture and increasing the social activity of young people in recent years. The author substantiates that the priority goal for state and public organizations is to educate youth as a morally, physically, and spiritually healthy generation with independent and broad thinking, to protect them from various alien ideological influences, and to ensure that young people understand the country's future as their own future.

Key words: New Uzbekistan, youth, strategy, democracy, political and legal culture, social activity, development.

Аннотация. В статье анализируются основные направления государственной молодежной политики в Новом Узбекистане, а также меры, направленные на повышение политико-правовой культуры и социальной активности представителей молодого поколения в последние годы. Автор обосновывает, что приоритетной целью для государственных и общественных организаций является воспитание молодежи как нравственно, физически и духовно здорового поколения с независимым и широким мышлением, защита ее от различных чуждых идеологических влияний, а также достижение того, чтобы молодежь осознавала будущее страны как собственное будущее.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, молодежь, стратегия, демократия, политико-правовая культура, социальная активность, развитие.

Ўзбекистонда ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш мамлакатнинг барқарор ривожланиши, фукаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва демократик кадриятларни амалда қарор топтиришда муҳим омил ҳисобланади. Замонавий глобал жараёнлар, ахборот технологияларининг тез суръатларда ривожланиши ҳамда

ижтимоий-сиёсий муҳитдаги ўзгаришлар ёш авлоднинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга йўналтирилган илмий асосланган стратегияларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда демократик жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган туб ислохотлар марказида, аввало, ёшлар турибди. Негаки, ҳар қандай

ислохотнинг муваффақияти ижтимоий онги ва сиёсий фаоллиги юқори, ўз фуқаролик масъулятини англайдиган ёш авлодга боғлиқ. Янги Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани бежиз эмас.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ёшлари мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, энг аввало, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли стратегиялар билан бойитилмоқда.

Инсоннинг ижтимоий фаоллигини ошириш стихияли тарзда амалга ошадиган жараён эмас, балки мақсадли ва тизимли таълим-тарбияни тақозо этади. Хусусан, шахс иқтисодий фаоллиги унинг сиёсий онглилик даражаси билан узвий боғлиқдир. Зеро, иқтисодий муносабатларни сиёсатдан, мафкурадан холи қилиш жужий характерга эга бўлиб, шахс иқтисодий фаоллиги ҳам бевосита, ҳам билвосита сиёсий жараёнларга таъсир қилади ҳамда маълум маънода унинг натижаси ҳисобланади. Иқтисодий фаол шахснинг сиёсий этиқоди муайян иқтисодий муносабатлар негизда шаклланади ва уни ўзгартириш жараёнида намоён бўлади.

Инсоннинг юксак интеллектуал салоҳият билан воқеа-ҳодисаларни англаган ҳолда сиёсий муносабатларга киришиб, самарали натижаларга эришиш қобилияти сиёсий онглиликдир.

Сиёсий онглилик – шахснинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигининг намоён бўлиш шакли ҳамдир. “Инсоннинг сиёсий фаоллиги деганда, – деб таъкидлайди тадқиқотчи олима С. Ахророва, – давлат бошқаруви ишларида қатнашиш, унинг фаолиятини йўналтириб туришга таъсир этиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш, жамиятни ислоҳ этиш, меҳнат қилиш, дам олиш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш ҳуқуқига эга бўлиш, ўз фикри ва қарашларини эркин баён қила олиш, илм олиш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, Ватанни ҳимоя қилиш мақсадлари билан уйғунлашган ижтимоий-сиёсий интилишлар мажмуи тушунилади”¹.

Инсон фуқаролик жамиятини ривожлантирувчи омил эканидан келиб чиқадиган бўлсак, давлатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг

ўсиши шу омилнинг ривожланиш даражасига боғлиқлиги маълум бўлади.

Янги Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга стратегик асосда эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Президентимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, **“Ҳаракатлар стратегиясининг натижаси ўлароқ, Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари яратилди. Янги Ўзбекистон стратегияси, аввало, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилганини таъкидлаш лозим”**².

Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасида ёшларга таълим бериш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсон этиб тарбиялаш борасида ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг янги модели шаклланмоқда. Ёшлар ишлари агентлигининг ташкил этилиши, “Ёшлар дафтари”, “Ёшлар парламенти”нинг фаолияти йўлга қўйилгани ёшларга сиёсий билим бериш ва фуқаролик масъулятини чуқурроқ сингдириш имконини тақдим этмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларнинг чуқурлашуви ва фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши шароитида ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бу борада амалга оширилаётган стратегиялар яхлит институционал, маърифий ва инновацион механизмлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ёш авлоднинг сиёсий ижтимоийлашувини таъминлашга хизмат қилади.

Биринчи навбатда, ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича кенг қамровли дастурлар амалга оширилмоқда, таълим муассасаларида “Конституция дарслари”, “Ёшлар ва қонун”, “Келажак соати” каби лойиҳалар ёшларнинг конституцион ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидаги билимларини чуқурлаштириб, уларда ҳуқуқий маданият ва фуқаролик масъулятини шакллантирмоқда. Шу билан бирга, демократик институтларда ёшлар иштирокини кенгайтириш мақсадида ташкил этилган “Ёшлар парламенти”, “Маҳалла ёшлар кенгашлари” каби тузилмалар ёшларни қарор қабул қилиш жараёналарига жалб этиб, уларнинг манфаатларини ифодаламоқда ва ҳудудий ривожланиш масалаларида фаол иштирокини таъминламоқда.

¹ Ахророва С. Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари / Фалсафа фанлари номз. дисс. – Тошкент, 2005. – 149-б.

² Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – 129-б.

Замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳам сиёсий фаолликни кучайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, онлайн сўровлар, шахсий фикр билдириш платформалари ва жамоатчилик муҳокамалари ёшларга сиёсий жараёнлар ҳақида тезкор маълумот олиш ва ўз муносабатини эркин баён этиш имконини бermoқда. Шунингдек, сиёсий лидерликни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган семинар-тренинглар, халқаро алмашинув дастурлари (“Erasmus+”, “Model UN”) ёшларда глобал тафаккур, мулоқот маданияти ва етакчилик кўникмаларини шакллантириб, уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кучайтирmoқда.

Шунингдек, сайлов жараёнларида ёшлар иштирокини рағбатлантиришга қаратилган тарғибот-ахборот кампаниялари, хусусан, биринчи марта овоз бераётган ёшларга йўналтирилган медиа-лойиҳалар сиёсий фаолликнинг ошишига ҳисса қўшmoқда.

Умуман олганда, маскур чора-тадбирлар ёшларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки ва масъулиятини кучайтириш, шу орқали мамлакатнинг демократик тараққиётига хизмат қиладиган барқарор фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил сифатида намоён бўлmoқда.

Ёшларнинг сиёсий фаоллиги нафақат сайловда қатнашиш, балки ижтимоий масалалар бўйича мустақил фикр билдириш, жамоатчилик назоратида фаол бўлиш, ўз муаммоларини ҳал этишда ҳукумат билан ҳамкорлик қилишдек жиҳатларда кўзга ташланади³.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистонда ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш нафақат бугунги кун талаби, балки эртанги куннинг барқарор демократик жамиятини куришдаги ҳал қилувчи омилдир.

Ёшлар – бугуннинг ислохотчи кучи ва эртанинг пойдевори. Уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ёш авлодни ижтимоий жараёнларга жалб қилиш демократик жамият барпо этишдаги муҳим стратегик вазифадир. Ўзбекистонда бунинг учун зарур сиёсий ирода, ҳуқуқий база ва институционал имкониятлар мавжуд. Энди эса бу имкониятлардан унумли фойдаланиш ёшларнинг ўз сиёсий онги ва фуқаролик позициясига боғлиқ⁴.

“Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор⁵ ҳам мамлакатда ёшлар сиёсатига доир стратегик йўналишларни белгилаб берувчи асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Концепцияда ёшларга оид давлат сиёсатининг жами 12 та устувор йўналиши белгиланган бўлиб, улар ёш авлоднинг интеллектуал, маънавий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимини камраб олади.

Концепциянинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ёшларнинг ижтимоий ва фуқаролик фаоллигини ошириш вазифаси белгиланган. Маскур йўналиш доирасида ёшларни жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга бевосита жалб этиш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, давлат бошқарувида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, ҳуқуқий маданият ва сиёсий онгни юксалтириш каби вазифалар устувор деб эътироф этилган. Шунингдек, қарорда ёшлар жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бу борада жамоат бирлашмаларининг институционал салоҳиятини кучайтириш, уларнинг лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, ёшлар ташаббусларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш назарда тутилган.

Кўнгиллилик ҳаракатларини ривожлантириш масаласи ҳам концепциянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, яъни ёшлар ўртасида ижтимоий масъулият, ёрдам кўрсатиш маданияти ва фуқаролик ташаббускорлигини шакллантириш ҳамда кўнгиллилик фаолиятини қонуний, ташкилий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари белгилаб берилган. Кўнгиллиликни ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда муҳим механизм сифатида жорий этиш концепциянинг асосий вазифаларидан бири сифатида қайд этилган.

Ёшлар давлат ва жамият тараққиётининг стратегик “драйвери” сифатида маънавий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу боис, ёшлар

³ Муминов А. Г. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда Президент Ш. М. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асаридан фойдаланиш // “Academic research in educational sciences” журнаси, 2022, №3. – 70 – 76-б.

⁴ Ўтамуродов А. ва бошқ. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси // “Фуқаролик жамияти”, 2020. – 156-б.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/5234746>.

масаласи давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бунинг амалий ифодаси сифатида 2025 йил 10 сентябрда қабул қилинган **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони** муҳим аҳамият касб этади⁶.


Мамлакат аҳолисининг катта қисмини ташкил этувчи ёш авлод Ватанимизнинг энг муҳим бойлиги ва асосий инсоний ресурси ҳисобланади. Ёшлар ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг эзгу орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Чунки ҳар бир давлатнинг истикболи, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши ҳамда халқаро майдонда рақобатбардошлиги ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига қаратилган эътиборга бевосита боғлиқдир.

Мазкур фармон ёшлар билан ишлаш соҳасида ягона институционал тизимни яратиш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорга асосан, юртимиздаги ҳар бир маҳаллада “ёшлар етакчиси” лавозими жорий этилди. Эндиликда ёшлар масалалари бўйича масъул шахслар нафақат миллий, республика, ҳудудий ҳамда туман (шаҳар)

даражасида, балки маҳалла даражасида ҳам аниқ белгиланади.

Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий касб-ҳунарларга эга бўлишларини таъминлаш, уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, меҳнат фаоллигига жалб қилишда маҳалланинг роли ва нуфузини ошириш ҳамда ёшларнинг муаммоларини маҳалла доирасида ҳал этишдир.

Мазкур ҳужжат маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг янги институционал моделини жорий этиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш, муаммоларни эрта аниқлаш ва индивидуал ёндашув асосида ҳал этишга қаратилган бўлиб, рақамлаштирилган маълумотлар базаси орқали ёшлар тўғрисидаги маълумотларни мувофиқлаштириш ва таҳлил қилиш имкониятини яратади. Демографик динамика нуқтаи назаридан, мамлакат аҳолисининг 27-28 фоизини 14–30 ёшдаги инсонлар ташкил этиши, ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришнинг стратегик аҳамиятини янада оширмоқда. Бу эса ижтимоий барқарорликни мустақамлаш, меҳнат бозорини янги кадрлар билан таъминлаш, инновацион ривожланиш ва фуқаролик жамияти институтларини кучайтириш каби вазифаларни бажаришда ёшлар салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришни талаб этади.



1-расм. 1991 йилдан 2024 йилгача Ўзбекистонда ёшлар ишсизлик даражаси⁷

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/ru/docs/7723129>.

⁷ Қаранг: https://www.statista.com/statistics/813160/youth-unemployment-rate-in-uzbekistan/?utm_source=chatgpt.com.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда ёшлар билан ишлашнинг институционал ва рақамли механизмларини такомиллаштиришга қаратилган муҳим стратегик ҳужжат сифатида ёшлар салоҳиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий асосларини мустаҳкамлайди. Фармоннинг амалга оширилиши натижасида ёшлар ишсизлигининг қисқариши, таълимдан меҳнат бозорига ўтиш даврининг оптималлашуви, қўшимча ижтимоий ҳимоя чораларининг жорий этилиши ҳамда ёшларнинг маҳалла ва жамоат институтлари орқали жамиятга фаол интеграциялашуви кутилмоқда. Шу билан бирга, ёшларнинг фуқаролик масъулияти ва ижтимоий иштирокини ошириш орқали уларнинг сиёсий фаоллиги учун институционал асос яратилади, бу эса мамлакатда барқарор демократик жараёнларни таъминлашга хизмат қилади.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон⁸ мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсати устуворлигини, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга имкониятлар яратишнинг самарали механизмларини жорий этишни мақсад қилган.

Мазкур фармон мамлакатда ёшларнинг ижодий, илмий, инновацион ва креатив салоҳиятини рағбатлантириш, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, янги бандлик ва бизнес имкониятлари яратиш, ёшлар орасида ижтимоий адолат ва тенгликни таъминлашга қаратилган. Бу орқали:

- мамлакатда креатив индустрия, инновациялар ва янги иқтисодий тармоқлар ривожланади;
- ёшлар бандлиги, меҳнат бозорида рақобатбардошлик, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий барқарорлик таъминланади;

– илмий, маданий ва технологик салоҳиятли ёшлар мамлакат ривожига фаол иштирок этади;

– ёшларнинг давлат ва жамиятга интеграцияси, уларнинг мустақил ва ташаббускор онги шаклланади.

Шу билан бирга, ушбу фармон ёшлар сиёсатининг институционал ва иқтисодий механизмларини мустаҳкамлайди, уларга реал имтиёзлар, грантлар ва солиқ енгилликлари орқали рағбат беради, бу эса жамият ва давлат учун муҳим стратегик қадмидир.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонда ёшлар нафақат жамиятнинг энг фаол қатлами, балки давлатнинг стратегик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун муҳим ресурс сифатида эътироф этилмоқда. Ёш авлоднинг юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, мустақил ва қатъий позицияга эга бўлиши мамлакатнинг сиёсий барқарорлиги, иқтисодий тараққиёти ва ижтимоий ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан қараганда, ёшларнинг фаоллиги, интилиши ва ташаббускорлиги давлат ва жамиятнинг стратегик манфаатлари билан узвий боғлиқдир.

Ёшларни янгиланиб бораётган демократик ва инсонпарвар жамиятга муносиб тарзда тарбиялаш масаласи уларнинг ижтимоий кафолатини таъминлаш билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода, Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати нафақат уларнинг шахсий ривожига ва имкониятларини кенгайтиришга, балки миллат истиқболига ишончни мустаҳкамлашга қаратилган. Ёшларни маънан, жисмонан ва руҳан соғлом, барқарор ва мустақил фикрлайдиган авлод қилиб тарбиялаш, уларни турли ёт ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилиш ҳамда мамлакат келажагини ўз келажаги сифатида англай олишини таъминлаш давлат ва жамоат институтлари учун устувор вазифа ҳисобланади. Бу механизмлар нафақат давлатнинг стратегик манфаатларини таъминлайди, балки мамлакатда ижтимоий барқарорлик ва демократик институтларни мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

⁸“Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон // <https://lex.uz/docs/7451522>.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.135



Шуҳрат ҲИКМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни
муҳофаза қилиш академияси
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги ижтимоий шерикчиликнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Давлат томонидан кафолатланган пенсия, нафақа, тиббий ёрдам, реабилитация ва бошқа хизматлар орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифатини ошириш масалалари ёритилган. Шу билан бирга, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий ресурслардан фойдаланган ҳолда амалга оширадиган функциялари ҳамда давлат билан ўзаро ҳамкорлик механизмлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳимоя, ногиронлиги бўлган шахслар, ижтимоий шерикчилик, жамоат бирлашмалари, давлат сиёсати, ҳуқуқий кафолатлар, реабилитация.

Abstract. This article analyzes the role and importance of social partnership between the state and public associations in ensuring the protection of the rights of persons with disabilities. It examines issues of improving the quality of life for such individuals through state-guaranteed pensions, allowances, medical care, rehabilitation, and other services. Special attention is given to the functions of public associations utilizing legal, organizational, and social resources, as well as mechanisms of cooperation with state authorities.

Key words: social protection, persons with disabilities, social partnership, public associations, state policy, legal guarantees, rehabilitation.

Аннотация. В статье рассматривается роль и значение социального партнерства между государством и общественными объединениями в обеспечении защиты прав лиц с инвалидностью. Освещены вопросы повышения качества жизни таких лиц через предоставление государственных гарантий — пенсий, пособий, медицинской помощи, реабилитации и других услуг. Особое внимание уделено функциям общественных объединений, использующих правовые, организационные и социальные ресурсы, а также механизмам взаимодействия с государственными органами.

Ключевые слова: социальная защита, лица с инвалидностью, социальное партнерство, общественные объединения, государственная политика, правовые гарантии, реабилитация.

Бугунги глобал ижтимоий тараққиёт шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ижтимоий ҳимоя – жамиятда инсоннинг муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш мақсадида давлат томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар тизимидир.

Ногиронлиги бўлган шахслар эса ушбу тизимнинг алоҳида эътиборга лойиқ тоифаси ҳисобланади. Давлат томонидан кафолатланган пенсия, нафақа, компенсация, тиббий ёрдам, реабилитация ва бошқа хизматлар уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган. Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда давлат ва жамоат

бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Жамоат бирлашмалари нафақат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, балки давлат сиёсати ва дастурларини такомиллаштиришда ҳам фаол иштирок этади. Шу жиҳатдан, ушбу мақолада ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишда жамоат бирлашмаларининг ўрни, функциялари ва давлат билан ижтимоий шериклик механизмининг самарадорлиги таҳлил қилинади.

Маълумки, ижтимоий ҳимоя, деганда жамиятнинг бугунги кундаги стандартлари даражасида инсоннинг керакли турмуш даражаси билан, яъни моддий ва маданий таъминоти учун давлат томонидан кафолатланган ва амалга ошириладиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда ташкилий характердаги чора-тадбирлар тизими тушунилади¹.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси тегишли норматив асослар орқали амалга оширилиб, ушбу норматив асосларга ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси масалаларини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

Бир қатор олимлар аҳолининг ижтимоий ҳимоясини давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирларнинг йиғиндиси сифатида таърифлашса², бошқа гуруҳ ҳуқуқшунослар фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясининг асосий масалаларини ижтимоий таъминот ҳуқуқига тааллуқли, деб ҳисоблашади³.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айта оламизки, **ижтимоий таъминот ва ҳимоя ҳуқуқининг предмети** – бу ўзида фуқароларни пул кўринишидаги таъминот – пенсия, моддий ёрдамлар, компенсациялар, шунингдек, натура шаклидаги кўмак – тиббий ёрдам, сиҳаттоҳда даволаниш, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар ва фуқароларнинг бошқа тоифаларини ижтимоий ёрдам билан таъминлашда келиб чиқадиган комплекс ҳусусиятдаги жамоавий муносабатлардир.

Фикримизча, ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бўлган шахсларнинг доирасини аниқлаштириш керак бўлади. Айнан улар давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий қўллаб-қувватлаш хизматларининг асосий фойдаланувчилари ҳисобланади.

Бирор ижтимоий гуруҳнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган шахсларга тааллуқлилигини белгилайдиган асосий белги кам даромадга эга бўлиш бўлиб, у қуйидаги омиллар натижасида келиб чиқади:

- а) ёш (вояга етмаган, кекса);
- б) соғлиғининг ҳолати (организм функцияларининг бузилиши);
- в) оиланинг таркиби (кўп болали, ёлғиз кексалар ёки имконияти чекланганлар);
- г) кам даромад (асосан ишламайдиган ногиронлиги бўлмаган шахслар);
- д) яшаш жойининг марказдан узоқлиги натижасида ўзининг конституциявий ҳуқуқларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш имконининг йўқлиги⁴.

Юқорида кўрсатилган омиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, инсон ўзига (ва оиласига) жамиятдаги мураккаб шароитлардан келиб чиққан ҳолда зарур ҳаёт даражасини таъминлаб бера олмайди.

Мазкур ҳолатлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд шахслар сифатида эътироф этилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтининг бугунги босқичи ушбу фаолиятнинг шакли ва усуллариининг хилма-хиллиги ошиб бориши билан тавсифланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўзининг кўп йиллик тарихига ва фаолияти учун етарли ҳуқуқий асосга эга бўлган ногиронларнинг жамоат бирлашмалари бекиёс аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг турли асослар ва фаолият соҳалари бўйича бирлашиши уларнинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади.

¹ Қаранг: Андрианов М. С., Артемов В. В. Организация и методическое обеспечение работы органов прокуратуры по правовому просвещению // Вестн. Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации, 2014, № 3 (14). – С.59.

² Қаранг: Соловьева Е. В. Социальное обеспечение семей с детьми как элемент социальной защиты населения России в переходный к рыночной экономике период. – М., 1995. – С. 17-18.

³ Қаранг: Буянова М. О. Социальное обслуживание граждан России в условиях рыночной экономики (теоретико-правовой аспект). – М., 2003. – С. 3.

⁴ Қаранг: Игонина Н. А. Защита прокурором прав инвалидов вне уголовно-правовой сферы // «Адвокат», 2017, № 1. – С. 55.

Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ, давлатлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг бирлашмаларини қўллаб-қувватлайди. Бунда мазкур бирлашмаларга ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини миллий ҳамда ҳудудий миқёсда ҳимоя қилиш ҳуқуқи, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга оид масалаларда қарорлар қабул қилишда маслаҳатчи ролини бажариш таклиф қилинади⁵.

Айнан жамоат бирлашмалари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ижтимоий ҳимоя қилиш шакли ҳам ҳисобланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бирлашмалари – ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳолати ва эҳтиёжлари ҳақида ишончли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлган ягона ижтимоий тузилма саналади. Мазкур ахборот ушбу тоифадаги шахсларни қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилишнинг изчил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва давлат дастурларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Рус олими Н. А. Игонинанинг фикрича, бу тузилмаларнинг мақсади ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ва ушбу соҳада давлат билан ҳамкорликда ўз дастурларини амалга ошириш ҳисобланади⁶.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини ҳал қилишда уларнинг бирлашмалари махсус функцияларни бажаради ва ушбу функцияларни давлат институтлари бажара олмайди, бажарган тақдирда ҳам самараси жуда паст бўлади. Шу жиҳатдан, бу каби бирлашмалар билан давлатнинг ижтимоий шерикчилиги ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда юқори самара беради, деб ҳисоблаймиз

Ушбу бирлашмаларнинг функциялари-га қуйидагиларни киритиш мумкин:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бевосита ҳимоя қилиш;

ногиронлиги бўлган шахслар ва давлат органлари ўртасида доимий алоқа ўрнатиш, яъни ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат ҳокимияти билан муносабатларини уйғунлаштириб боришда иштирок этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларга кўнгилли иш, хусусий ва корпоратив хайриялар, тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар каби ижтимоий ресурслардан фойдаланган ҳолда тезкор манзилли ёрдам кўрсатиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларини инвентаризациядан ўтказиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси соҳасига тизимли-ҳуқуқий базани жорий қилишга манфаатдор бўлган қонунчилик ташаббуси субъекти ролини бажариш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан умумий назоратни амалга ошириш.

Бундан ташқари, булар қаторига ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммолари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда давлат ҳокимияти органларига маслаҳат бериш функциясини ҳам киритиш мумкин⁷.

Ногиронлиги бўлган шахслар жамоат бирлашмаларининг асосий мақоми шу билан белгиланадики, давлат бу бирлашмалар билан ҳамкорлик қилади ҳамда моддий, техник ва молиявий жиҳатдан уларга ёрдам беради.

Ногиронлиги бўлган шахслар жамоат бирлашмаларининг фаолияти ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилиқ, ўзини ўзи бошқариш ва қонунийлик принциплари асосида олиб борилади. Улар ўзларининг ички тузилиши, мақсади, фаолият шакли ва усулларини белгилашда мустақилдир. Фаолияти шаффоф, уларнинг муассасалари ва дастурий ҳужжатлари эса

⁵ Қаранг: Теоретические и правовые основы деятельности прокуратуры в сфере защиты прав инвалидов: монография / под общ. ред. Н. В. Субановой; [Н. А. Игонина и др.]; Ун-т прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2018. – С. 33.

⁶ Қаранг: Игонина Н. А. Защита прокурором прав инвалидов вне уголовно-правовой сферы // «Адвокат», 2017, № 1. – С. 55.

⁷ Қаранг: Синельщикова Е. Ю. Современные аспекты правового регулирования в сфере социальной защиты инвалидов в Российской Федерации // Рос. юстиция. 2015, № 3. – С. 57–59.

барча фойдаланиши учун очиқ бўлиши керак⁸.

Республикамизда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш мақсадида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. **Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни** шулар жумласидандир. Қонуннинг 22-моддаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига бағишланган бўлиб, унга кўра ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган болалар ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек, касбий тайёргарликдан ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга⁹.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини белгилаб берган муҳим ҳужжатлардан бири **2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидир**. Ушбу стратегияда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифатини ва даражасини ошириш алоҳида мақсад сифатида белгиланган¹⁰.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида ҳам ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ўз аксини топган. Хусусан, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 129-моддасида ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати қўлланилмайдиган ходимлар тоифалари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, захирага қўйиладиган иш

ўринларига жойлаштириш учун юборилган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахслар ҳамда ушбу кодекснинг 96-моддасига кўра, ногиронлиги бўлган шахслар ҳам аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифасига киритилган¹¹.

Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш пенсия, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизмат кўринишларида амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўплаб ишлар бажарилмоқда. Юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам ва хизмат кўрсатишнинг комплекс тизими йўлга қўйилган ва бу тизим изчил такомиллашиб бормоқда. Мазкур жараёнда жамоат бирлашмалари давлатнинг ишончли ижтимоий ҳамкорлари сифатида муҳим ўрин тутмоқда. Улар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бевожуд қилиш, давлат органлари билан мулоқот ўрнатиш, тезкор ёрдам кўрсатиш ва қонунчилик ташаббусларини илгари суриш каби вазифаларни бажармоқда. Шу билан бирга, уларнинг фаолияти ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Давлат томонидан моддий, техник ва молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда қонуний кафолатлар уларнинг самарали иш юритиши учун зарур шарт-шароит яратмоқда. Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, бу йўналишда комплекс чоратадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда инклюзив жамият қуришнинг асосий гарови ҳисобланади.

⁸ Қаранг: Теоретические и правовые основы деятельности прокуратуры в сфере защиты прав инвалидов: монография / под общ. ред. Н. В. Субановой; [Н. А. Игоница и др.]; Ун-т прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2018. – С. 38.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.01.2023 й., 03/23/815/0044-сон // <https://lex.uz/docs/26013>.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон // <https://lex.uz/docs/5841063>.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон // <https://lex.uz/docs/6257288>.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.136



Шохида РУЗИЕВА,
Бухоро давлат университети
таянч докторанти

Аннотация. Мақолада Янги Ўзбекистонда демократик қадриятларни шакллантиришда таълимнинг аҳамияти ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари таҳлил қилинган. Шунингдек, маърифатнинг жамият ривожига таъсири ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, демократик қадриятлар, маориф, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий таълим, инклюзив таълим.

Abstract. The article reflects on the significance of education in shaping democratic values in New Uzbekistan. It analyzes the reforms implemented in the country's education system in recent years and their outcomes. Furthermore, the influence of enlightenment on the development of society is highlighted.

Key words: New Uzbekistan, democratic values, education, human rights, legal education, inclusive education.

Аннотация. В статье представлены размышления о значении образования в формировании демократических ценностей в Новом Узбекистане. Проанализированы реформы, осуществленные в системе образования страны за последние годы, и их результаты. Также освещено влияние просвещения на развитие общества.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, демократические ценности, образование, права человека, правовое образование, инклюзивное образование.

Бугунги кунда Ўзбекистонда демократик жамият барпо этиш босқичма-босқич ва изчил тарзда амалга оширилмоқда. Бу жараённинг марказида эса таълим тизими туради. Чунки инсоннинг ҳуқуқий онгини, сиёсий маданиятини, фуқаролик масъулиятини шакллантиришда айнан таълимнинг бекиёс роли бор. Таълим бу нафақат билим, балки демократия пойдеворини яратувчи воситадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”¹ деган сўзлари замирида чуқур маъно бор. Бу нафақат сиёсий метафора, балки демократик қадриятларнинг таълим орқали жамиятга сингдирилиши жараёнидаги концептуал ёндашувдир. Зеро, демократия – бу аввало фуқаролик онги маҳсули, фуқаро-

лик онги эса билим, тарбия ва маърифат орқали ривожланади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: “Кўҳна тарих, бугунги ҳаёт тажрибаси барча муаммоларнинг ечими, саволларнинг жавоби фақат ва фақат таълимда, камолот ва бахт эшикларининг калити таълим ва тарбияда эканидан далолат беради. Барчамиз яхши тушунамизки, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга етишда – жонажон Ўзбекистонимизни эркин ва фаровон, ҳар томонлама обод мамлакатга айлантиришда соҳа ривожини янги сифат босқичига кўтариш ҳал қилувчи аҳамият касб этади”².

Жамиятни жадал демократлаштириш шароитида туб ижобий ўзгаришлар аҳоли турмуш даражасини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/8440>.

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табриги // <https://president.uz/uz/lists/view/7585>.

ўстиришга, ижтимоий кафолатлар ва адолатга, миллий-маънавий қадриятларни ва анъаналарни тиклашга хизмат қилиши, халқимизнинг маданий, ахлоқий салоҳиятини оширишга йўналтирилиши лозим.

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг барча босқичларида эришилган натижалар аҳоли турмуш тарзининг ўсиши билан ўлчанади. Бизнинг фикримизча, инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажаришга устувор аҳамият бериш керак:

- кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва ижтимоий соҳани турли манбалар орқали моддий, маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- аҳоли бандлиги ва ижтимоий мобиллик тадбирларининг самарадорлигини таъминлаш;
- узлуксиз таълим тизимида ислохотларни чуқурлаштириш ва мутахассислар, ходимларнинг касбий малакасини мунтазам ўстириб бориш;
- аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга ва таъминлашга хизмат қилувчи мутасадди тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш;
- ижтимоий йўналишдаги инфратузилмалар фаолиятининг устуворлигига эришиш.

Ушбу вазифаларни бажаришда самарали натижаларга эришиш учун, **биринчидан**, инсоннинг эҳтиёж ва манфаатларига хизмат қилувчи кенг қўламли мақсадли тадбирларни амалга ошириш керак. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки босқичида “Барча ислохотлар инсон учун, инсон манфаатлари учун”, кейинги босқичда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини жорий этишга киришди. Зеро, жамиятдаги барча ўзгаришларнинг асосини инсон омилини такомиллаштириш ташкил қилмоқда³.

Иккинчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ижтимоий ҳаётда инсон манфаатларини ҳисобга олиш инсон омилидан фойдаланишнинг самарали усули ҳисобланади. Инсонга, унинг ҳаёти учун муносиб шароитлар яратишга йирик сармояларни сарфлаш меҳнат унумдорлигини ошириш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш имконини беради, шунингдек, меҳнат ресурсларидан самарасиз фойдаланишнинг олдини олади.

Мамлакат аҳолисининг моддий жиҳатдан етарли даражада таъминланган қисмининг ортиб бориши халқ фаровонлиги йўлида янги босқич бўлади. Айни пайтда, моддий фаровонлик инсон фаоллигининг интеллектуал асосларига имконият яратадиган бўш

вактга ва зарур маблағга эга аҳоли катта қисмининг маънавий камолотини ўстиришга, яъни инсон омили тушунчасида акс этадиган қобилиятлар ва фазилатлар соҳиби бўлиш учун интилишга мос бўлади⁴.

Фикримизча, Ўзбекистон таълим тизимида инсонларда демократик қадриятларни шакллантиришга қаратилган қуйидаги устувор йўналишларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқий таълим ва фуқаролик билимларини чуқурлаштириш: умумий ўрта таълим, ўрта-маҳсус ва олий ўқув юртларида “Ҳуқуқшунослик асослари”, “Ўзбекистон Конституцияси”, “Демократия ва фуқаролик жамияти” каби фанлар орқали демократик қадриятлар ҳақида ўқувчи ва талабаларда фундаментал тушунчалар шакллантирилмоқда;

иккинчидан, танқидий фикрлаш ва баҳс маданиятини ривожлантириш: дебатлар, конференциялар, илмий-амалий машғулотлар орқали талабалар орасида очиқ мунозара юритиш, эркин фикр билдириш ва эшитиш маданияти шаклланимоқда;

учинчидан, инклюзив ва тенг имкониятлар асосидаги таълим: Ўзбекистонда барча қатлам ёшларига, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларга, қизларга, кам таъминланган оилалардаги ёшларга таълим олиш имконияти берилмоқда. Бу эса ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларига содиқлик белгиси ҳисобланади;

тўртинчидан, очиқлик ва ҳисобдорликка асосланган таълим бошқаруви: Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг фаолияти, олий таълим муассасалари рейтинг тизими, “Ташаббусли бюджет” каби лойиҳалар орқали таълим тизимининг ўзида педагогларга демократик бошқарув тамойиллари сингдирилмоқда⁵.

Шунингдек, халқаро тажриба билан уйғунлашган ҳолда ўқув дастурларига “Глобал фуқаролик”, “Барқарор ривожланиш”, “Рақамли этика” каби йўналишлар киритилиши ёшларни нафақат миллий, балки глобал даражадаги демократик қадриятлар билан таништириб боради.

Хулоса қилиб айтганда, демократик жамият – бу аввало демократик фикрловчи шахслар жамиятидир. Бундай шахслар эса таълим орқали тарбияланади. Ўзбекистоннинг бугунги таълим сиёсати фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш йўлида мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Бу тажриба эса бутун Марказий Осиё учун илғор намуна бўла олади.

³ Бобожонов Ш. Олий таълимда фуқаролик билимлари ва демократия қадриятлари // “Ўзбекистон таълими”, 2022, №3.

⁴ Алимов Р. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда таълимнинг ўрни // “Жамият ва бошқарув”, 2021, №4.

⁵ Бобожонов Ш. Олий таълимда фуқаролик билимлари ва демократия қадриятлари // “Ўзбекистон таълими”, 2022, №3.

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДА

СОМОНИЙЛАР ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

(“Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг генезиси, эволюцияси
ва истиқболлари” фундаментал лойиҳаси доирасида)

Doi: 10.34920/DHR.2025.4.137



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,

Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт универ-
ситетининг Тошкент филиали директори, академик



Хусан ЧИНИБАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти директорининг ўринбосари

Аннотация. Мақолада Сомонийлар ўз тасарруфидаги улкан мамлакатни бошқаришда ихчам дав-
лат маъмуриятини ташкил этганликлари, подшо маъмурияти сарой ва девонлардан иборат бўлгани,
уни бошқариш усуллари ва хусусияти манбалар асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: Сомонийлар давлати, подшо маъмурияти, сарой бошқаруви, ижтимоий-ҳуқуқий
муносабатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ҳуқуқ манбалари.

Abstract. The article reveals that the Samanids organized a compact state administration to govern the
vast country under their control, that the royal administration consisted of palaces and divans, and based
on sources, the methods and features of its management are revealed.

Key words: Samanid state, royal administration, palace management, social and legal relations, law
enforcement agencies, legal sources.

Аннотация. В статье раскрывается организация Саманидами компактное государственное
управление, находящееся под их контролем. На основе источников авторы раскрывают методы и
особенности управления царской администрации.

Ключевые слова: Саманидское государство, царская администрация, управление дворцом, со-
циально-правовые отношения, правоохранительные органы, правовые источники.

Бағдод халифалиги инкирозидан сўнг ташкил
топган йирик давлатлардан бири Сомонийлар дав-
лати эди. Ушбу давлат 819 йилдан 999 йилгача
мавжуд бўлди. Бу давлатга **Нух ибн Асад** асос
солиб, 819 – 842 йилларда ҳукмронлик қилган.
Исмоил ибн Аҳмад ҳукмронлиги даврида (892
– 907 йиллар) Сомонийлар Мовароуннахр, Хуро-
сон, Эрон, Афғонистоннинг катта қисми, Тошкент,
Туркистон ва Испижобни (Сайрам) ўз ичига олган
улкан ҳудудда ҳукмронлик ўрнатдилар¹. Сомоний-

лар сулоласи Мовароуннахрдаги араб бўлмаган
биринчи мусулмон ҳукмдорлар бўлиб, юз йилдан
ортиқ ҳукмронлик қилган. Сомонийлар ҳукмрон-
лиги бошланганда Мовароуннахр алоҳида маъ-
мурий бирлик эди, X асрдан бошлаб Хуросон ҳам
унга қарашли бўлган. Ушбу фикрни академик
Азамат Зиё ўзининг “Ўзбек давлатчилиқ тарихи”
дарслигида келтириб ўтган². Сомонийлар ўзлари-
нинг ҳукмронлиги остига иккита йирик минтақа-
ни – Бухоро, Самарқанд, Уструшона, Фарғона,

¹ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001. – 57-б.

² Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиқ тарихи. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 368-б.

Шош, Исфижоб, Хоразм, Кеш, Насаф, Чағониён, Хутталонни ўз ичига олувчи Мовароуннаҳр ва Бадахшон, Балх, Тохаристон, Гуржистон, Марв, Ҳирот, Ғур, Нишопур ва Гурганччи ўз ичига олган Хуросонни бирлаштирдилар. Шунинг учун адабиётларда уларнинг мулки баъзан “Сомонийлар империяси” деб номланади³.

Бу даврдаги бошқарув тизими моҳиятини ҳокимиятнинг отадан болага мерос бўлиб ўтиши тамойили ташкил қилган. Сомонийларнинг Мовароуннаҳрда исломнинг ёйилишида кўрсатган хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг натижасида мазкур сулола Марказий Осиёда ислом дини кўрсатмалари асосидаги бошқарув тизимининг қарор топишида алоҳида роль ўйнади. Унинг тажрибаси кейинги сулолалар бошқаруви учун намуна – эталон вазифасини ўтади.

Сомонийлар бошқарув тизими Аббосийлардан ўзлаштирилган бўлиб, ўз навбатида, Аббосийлар бошқаруви Сомонийлар империясидан қолган анъаналар асосида шаклланган эди. **Исмоил Сомоний биринчилардан бўлиб Мовароуннаҳрда марказлашган бошқарув тизимини жорий этишга муваффақ бўлди. Бу тизим асосини олий ҳукмдор даргоҳи (саройи) ва девонлар (вазирликлар) мажмуи ташкил этган**⁴.

Сомонийлар Аббосийлар каби суннийлик мазҳабини маҳкам тутганлар ва унга хизмат қилганлар. Хутбани Аббосийлар номига ўқитиб, пулларини ҳам уларнинг номи билан зарб қилдирганлар. Ўз навбатида, Аббосийлар ҳам Сомонийларни кадрлаб, ўзларига яқин тутганлар. Сомонийлар Аббосийларга Саффорийлар ва Зайдийлар каби уларга қарши чиққан давлатларни маҳв этишга ёрдам берганлар. Айниқса, Исмоил Сомонийнинг Хуросонни эгаллаши ва ўз давлатига қўшиб олиши, шиа оқимидаги Саффорийлар давлатининг тугатилишида муҳим роль ўйнади⁵.

Ш. Камолитдиннинг фикрича, Сомонийларнинг бошқарув тизими ўша даврнинг барча аниқ ва мукамал тизимларини ўзида бирлаштирган. Бироқ давлатчилик ҳуқуқий атама бўлгани боис унинг сифати ҳам ҳуқуқий нормаларга асосланган бўлиши керак. Қонунчилик нуқтаи назаридан, бизнингча, Сомонийларнинг бошқарув тизими ва

бошқаруви ҳам мустақил давлат сифатида кўрилиши мумкин эмас. Ўрта аср ислом жамиятида биринчи ўринда доим дин, сўнг давлат ва кейин маданият турган. Исломда давлат асосини Қуръони карим, ҳадиси шариф ва уламоларнинг фатволарига асосланган шариат қонунлари ташкил этади. Дин ва ҳукумат исломда ажралмас ҳисобланади. Халифаликка қарашли вилоятларни бошқарувчи маҳаллий сулолалардан чиққан барча амирлар, хусусан, Сомонийлар ҳам расман мустақил бўлсалар-да, барибир, Бағдод халифаларининг олий ҳокимиятини тан олишган. Қонун бўйича ҳуқуқий нормалар шариат томонидан белгиланган⁶. Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрда исломдан олдинги айрим қонун-қоидалар ва тартибларга ҳам риоя қилинган. Сомонийлар ислом динига ва араб халифаларига содиқ бўлсалар-да, баъзи ўринларда ота-боболарининг дини ва урф-одатларини ҳам ҳурмат қилишган. Жумладан, Сомонийларнинг Бухородаги оилавий мақбарасининг деворларида, шунингдек, улар зарб эттирган айрим тангаларда буддавийлик ва монийликка оид рамзлар тасвирланган⁷.

IX асрда Сомонийлар давлат бошқарув тизимида етакчилик араблар ва форсларга тегишли бўлиб, туркларнинг ўрни унча сезилмаган бўлса, X аср бошларидан турклар давлатдаги барча муҳим вазифаларни эгаллашга муваффақ бўлишган. Бунинг учун турклар араб тилини чуқур ўрганган. IX асрнинг биринчи ярмида, кенг омма орасида ислом дини чуқур илдиз отиб бўлган эди. Жумладан, бошқарувга оид ишлар ҳам асосан араб тилида амалга оширилган. Лекин IX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Сомонийлар давлатининг изчил сиёсати туфайли форс тили давлат тилига айланди. Араб тили эса фан тили сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолди. **Сомонийлар бошқарув тизимида асосан маҳаллий деҳқонлар, мулкдорлар ва дин арбоблари хизмат қилар эдилар. Бунинг учун улар араб ва форс тилларини билиши, шунингдек, диний ва дунёвий билимларга эга бўлиши керак эди. Бундай илмларга эга бўлган одамлар “аҳл ал-қалам” (яъни қалам аҳли) деб аталган**⁸.

Сомоний ҳукмдорлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда мустақил давлат тузиш учун дастлабки

³ Камолитдин Ш. Саманиды: из истории государственности Узбекистана в IX-X вв. – Ташкент, 2019. – С. 191.

⁴ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилик тарихи. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 94-б.

⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. 2-жўз. – Т.: “Ҳилол-нашр”, 2018. – 187-б.

⁶ Ўзбекистон халқлари тарихи. 1 жилд. – Т.: “Фан”, 1992. – 127-б.

⁷ Ибн Ҳавқал. Мовароуннаҳр / араб тилидан тарж., изоҳлар муаллифи Камолитдин Ш. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2011. – 127-б.

⁸ Ўзбекистон халқлари тарихи. 1 жилд. – Т.: “Фан”, 1992. – 127-б.

ўринда кучли марказлашган бошқарув тизими жорий этилиши зарурлигини яхши тушунган. Бу, айниқса, маърифатпарвар ҳукмдор Исмоил Сомоний ҳукмронлиги йилларида долзарб масалага айланди. Шу боисдан ҳам айнан Исмоил Сомоний томонидан бошқарувда маъмурий ислохот ўтказилиб, унга биноан бошқарув тизимининг асосини Олий ҳукмдор даргоҳи (сарой) ва девонлар (вазирликлар) мажмуи ташкил этиши белгилаб қўйилди. Жумладан, даргоҳда асосан ҳукмдор ва аёнларнинг яшаш жойлари мавжуд бўлиб, даргоҳ ўша давр учун энг мукамал бўлган ҳарбий кўриқлов тизими асосида муҳофаза қилинган. Бош Ҳожиб ва унинг кўл остидагилар даргоҳ ҳамда бошқа қатор муҳим давлат идораларининг ҳавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган.

Девон бошқаруви ўн йўналишдан иборат бўлиб, пойтахт Бухорода алоҳида биноларда жойлашган. Девон таркибига бош вазир, молия, давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, солиқчилар, хат-хабарлар, сарой иш бошқарувчиси, мухтасиб (шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва бозорларда ижтимоий тартибни ҳимоя қилиш, диний маросимларни амалга оширишда чегарадан чиқмаслик каби ишларни бажарувчилар хизмати), вақфлар, қозичилик ишлари девонлари киритилган. Мазкур девонларнинг маҳаллий жойларда бўлимлари мавжуд бўлиб, марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимият тизими ўртасида узвий боғлиқликка алоҳида эътибор қаратилган. Давлат ишларига қабул қилишда давлат тилини мукамал билиш, замона ҳуқуқ меъёрларидан тўлиқ хабардорлик, тарих, адабиёт илмларини ўзлаштирганлик, ҳисоб-китоб ишларида билимдонлик каби бир қатор талаблар мезони мавжуд бўлган.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Сомонийлар даврида давлат бошқаруви ва ҳарбий сиёсатнинг ўз даври учун мураккаб ва салоҳиятли тизими ташкил топган. Шунингдек, давлатнинг умумий йиллик даромади 45 миллион дирҳамни ташкил этгани ҳолда шундан 20 миллион дирҳами давлат бошқаруви ва лашкарларга сарфланган. Бу давлат бошқарув тизимида жуда катта эътибор қаратилганидан дарак беради⁹.

“Бухоро тарихи”да келтирилишича, Бухоро Ҳисорининг ғарбий дарвозасидан то Маъбад дарвозасигача бўлган масофа Регистон деб аталган.

Исмоил Сомоний Регистонда бир сарой қуришни буюрган. Шу сарой дарвозаси олдида амалдорлари учун бино бунёд эттирган. Ҳар бир амалдорнинг подшоҳ саройи дарвозаси олдида қурилган ўз маконида алоҳида девони бўлган¹⁰. Вазир девонига кўшимча равишда яна ўнта девон мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида бинода жойлашган ва маълум бир вазифани бажарган.

Сомонийлар давлати ижроия ҳокимиятининг асосий вазифаларини қуйидаги девонлар бажарган:

- **вазир девони ёки хўжаи бузrug** – ижро ҳокимиятининг барча тармоқларини бошқарган ва бошқа девонлар унга бўйсунган. Айни пайтда у ҳарбий вазир вазифасини ҳам бажарган ва барча кўшинлар бош қўмондони ҳисобланган. Бош вазирлик лавозимига Жайхонийлар, Балъамийлар, Утбийлар сулоалари орасидан чиққан шахсларгина тайинланган;

- **девори муставфий** – молия вазирлиги вазифасини бажарган. Молия вазири давлатнинг қирим-чиқимлари ҳисобини олиб борган. Муставфийнинг қўли остида хазинадор хизмат қилган. Давлатнинг молия ишларини тизимга солиб турган;

- **девори амид (девори расоил ёки девони иншо)** – махсус марказий вазирлик бўлиб, расмий ҳужжатлар билан шуғулланган. У орқали давлатнинг барча муҳим ҳужжатлари ўтган. Бундан ташқари, ушбу девон бошқа мамлакатлар билан дипломатик муносабатларни олиб борган. Нафақат Сомонийларда, балки Ғазнавийларда ҳам “девор ар-расоил” давлатнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган;

- **девори соҳиби шурат** – Сомонийлар гвардиясини бошқарган. Ушбу девон қўшиннинг тайёргарлиги, тартиб-интизоми, озик-овқати, хўжалик таъминоти ва маош масалалари билан шуғулланган. Давлат хизматчиларига маош бир йилда тўрт марта – ҳар уч ойда тўлаб борилган;

- **девори барид (почта хизмати)** – Сомонийлар даврида давлат эҳтиёжлари учун хизмат қилувчи вазирлик бўлган. Почта хизмати бошлиғи – соҳиби барид ихтиёрида алоҳида шаҳарларда почта амалдорлари, ўзларининг хизматчилари отлари билан хизматда бўлишган. Почта амалдорлари алоҳида вилоятлардаги маҳаллий ҳокимларга эмас, фақат марказий бошқарув органига бўйсунтирилган;

⁹ Абдуллаев Б. Уйғониш даври ҳақида нималарни биласиз? // <https://uza.uz/uz/posts/uy-onish-davri-a-ida-nimalarni-bilasiz-25-07-2020>.

¹⁰ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: “Камалак”, 1991. – 106-б.

• **девони мухтасиб** – мухтасибнинг асосий вазифаси бозорлардаги тош-тарозу ва оғирлик ўлчовларини назорат қилиш бўлган. Бундан ташқари, мухтасиб ва унинг ёрдамчилари шаҳарларда уста-хунарамандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар миқдорининг аниқ бўлишини ҳам назорат қилишган. Мухтасиб яхши сифатга эга бўлмаган маҳсулотларни бозорга чиқишидан тўсиш, гўшт, нон ва шу каби истеъмолда муҳим ўрин тутган маҳсулотлар нархининг ошиб кетишини тақиқлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлган;

• **девони мушриф** – давлат харажатлари устидан умумий назоратни ўрнатган амалдор мушриф деб аталган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, феодал жамият шароитида давлат хазинасини ҳукмдор хазинасидан ажратиш, умуман олганда, сарой амалдорларига давлат хазинасидан маблағ ажратилишини назорат қилиш мушриф ихтиёрида бўлган. Бундай масъулиятли вазифага кўпчиликнинг эътиборини қозонган, ҳаммага бирдек адолатда турадиган кишилар тайинланган;

• **девони қози** – бош қози томонидан бошқариладиган девон асосан ҳуқуқий масалалар билан шуғулланган;

• **девони зиё** – мадрасадаги ўқиш жараёнларини назорат қилувчи девонлик бўлган;

• **девони мулк** – давлат ерлари, мулклари ва хазинага келувчи фойданинг устидан назорат қилувчи ва уни бошқарувчи вазирлик бўлган. Бундай ерлар жуда катта ҳудудларни ўз ичига олган бўлиб, уларда деҳқонлар жамоа бўлиб яшашган;

• **девони вақф** – мусулмон муассасаларига ҳадя қилинадиган мулкларнинг кирим-чиқимларини назорат қилувчи вазирлик. Вақф ерлари – мусулмон муассасаларига вақтинчалик ёки умрбод фойдаланиш учун бериладиган ерлар;

• **девони ариз (девони ҳарб)** – ариз Сомонийлар кўшинига бериладиган маошни назорат қилувчи вазирлик бўлган. Бундай маош бир йилда тўрт марта, ҳар уч ойда бир берилган. Бундан ташқари, бу вазирлик ҳарбий интизом, кўшин таъминоти ва курул-яроғларнинг созланишига ҳам жавобгар бўлган.

Зикр этилган девонларнинг жойларда ҳам бўлимлари бўлган. Улар марказдаги ўз девонларидан ташқари маҳаллий ҳокимларга ҳам бўйсуниб, маҳаллий бошқарув идоралари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатганлар. Бундан хат-хабарлар хизмати девони мустасно ҳисобланиб, уларнинг маҳаллий бўлимлари фақат марказгагина ҳисобот берган, холос. Зеро, улар маҳаллий ҳокимлар,

мансабдорлар устидан ҳам пинҳона назорат олиб борганлар.

Вилоят бошлиғи ҳоким, шаҳар бошлиғи эса раис деб аталган. Ҳокимни олий ҳукмдор, раисни ҳоким тайинлаган. Албатта, бунда у ёки бу номзоднинг шу ердаги обрў-эътибори, мавқеи ҳисобга олинган. Давлат ишларига қабул қилишда маълум бир талаблар силсиласи мавжуд эди¹¹.

Сомонийлар давлатида давлат хизматчиларига бериладиган маош аҳолидан йиғиб олинadиган хирож солиғидан тўланган. Ибн Ҳавқал маълумотида кўра, “Сомонийлар давлатида аҳолидан олинadиган солиқлар ва хирожлар миқдори кам, ғазналарида пул кўп бўлмаган. Хуросон ва Мовароуннахрнинг Абу Солих Нух ибн Мансурга берадиган солиғи бир йилда икки марта, ҳар олти ойда йигирма минг дирҳамдан йиғилар эди. Агар шароит хирожнинг икки ҳисса олиншини тақозо этса, у қирқ минг дирҳамни ташкил этган. Давлат хизматчиларига маош бир йилда тўрт марта мунтазам ва кечиктирмай берилишига гувоҳ бўлдим. Ҳар сафар нафақа ҳар тўқсон куннинг бошида, энг аввал ғуломларга, сарой ходимларига ва ҳарбий кўмондонларга, сўнг бошқа хизматчиларга берилади. Ҳар сафар тарқатиладиган нафақанинг йиғиндиси беш минг дирҳамни ташкил этади, тўрт марта тарқатиладиган нафақалар йиғиндиси, бир марта йиғиладиган хирожга тенг бўлади. Одамлар солиқни очик кўнгил ва хурсандчилик билан, ўзларига нисбатан адолатли муносабатдан тўла мамнун ҳолда тўлайдилар. Бунга раиятга нисбатан адолат, оддий халққа нисбатан ҳаққонийлик ва ҳокимлар қўлидаги катта масъулият сабабдир. Вилоятларда қозилар, текширувчилар, назоратчилар ва бошқарувчилар кўп бўлиб, уларнинг маошлари бир-бирига тенг, мажбуриятлари ҳам деярли бир хилдир”¹².

Низомулмулкнинг ёзишича, “Сомонийлар замонида шундай тартиб бор эди. Ғуломларнинг даражалари хизмат ва хунаrlарига қараб кўтарилган. Агарда бирор қулни сотиб олсалар, у бир йил рикобда (узангида) занданачи кийимида ва оддий этик кийиб пиёда хизмат қиларди. Бу қулга яширинча ёки очик отга миниш ман этиларди. Мабодо шу фармонга итоат қилмаса, жазоланарди. Бир йиллик шундай хизматдан кейин вусоқбоши хожибга айтиб, унга бир яхшироқ кийим ва бир туркча от оддий эгари билан олиб бериларди. Бир йил шу от ва қамчи билан хизмат қилганидан сўнг учинчи йили белига боғлаш учун қарочури қилич олишга сазовор бўларди. Тўртинчи йили белига

¹¹ Азамат Зиё. Сомонийлар // <https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/uzbek-davlati/364-samoniylar.html>.

¹² Ибн Ҳавқал. Мовароуннахр / араб тилидан тарж., изоҳлар муаллифи Ш. Камолиддин. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2011. – 22-23-б.

боғлаш учун унга кеш (ўқдон) ва кин беришарди, бешинчи йили яхшироқ эгар-жабдук, юлдузли жилов, қизил кийим ва халқага осилган темир гурзи бериларди. Олтинчи йили отда юриши учун махсус этик бериб, соқийликка тайинлаб, белига қадах осиб юришга амр этиларди, еттинчи йили бу ғулом бир тўнликка эришарди, саккизинчи йили ўн олти тирговичли чодир ва энди сотиб олинган қўллардан уч нафари берилиб, унга вусоқбоши лақаби қўйиларди, кумушдан зийнатланган бош кийим ва ганжали кийим инъом қилинарди. Шу тариқа ҳар йили кийим-кечаклари қўпайиб, унинг аскарлари ва мартабаси хайлбоши бўлгунига қадар ошиб борарди. Шундан кейингина ҳожибликка эришарди. Унинг шоисталиги ва ҳунари, шижоати ҳаммага маълум бўлганидан сўнг улуғ ишлар қўлидан келарди, одамлар ва шоҳига дўст бўларди, то ўттиз бешга тўлгунича амирлик унвонини бермасдилар ва вилоятларга ҳам ҳоким этмасдилар”¹³.

Сомонийлар давлати ҳарбий кучларининг асосий қисмини туркийлар ташкил этган. Исмоил Сомоний биринчи бўлиб турк ғуломлари, деҳқонлар ва ёлланма аскарлардан ташкил топган мунтазам қўшин тузган¹⁴.

